

# KASB-HUNAR TA'LIMI

ISSN 2010-7498

ILMIY-USLUBIY, AMALIY, MA'RIFIY JURNAL  
2018, №3



# **OBUNA- 2019**

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnaliga  
2019 yil uchun  
obuna davom etmoqda**

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnali bir yilda 4 marta nashr etiladi.**

**Jurnalda kasb-hunar ta’limiga oid yangiliklar, ilg‘or tajribalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari ilmiy tadqiqot va metodik tavsiyalar yoritib boriladi.**

**Obuna Indeksi: 1090**

**Jurnalga O‘zbekiston Respublikasi “Matbuot tarqatuvchi” Aksiyadorlik kompaniyasi tarmoqlari va to‘g‘ridan-to‘g‘ri tahririyat orqali obuna bo‘lishingiz mumkin.**

**Obuna bo‘lish uchun aloqa bo‘limlari va obuna shahobchalariga hamda “Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyatiga murojaat qiling.**

**Murojaat uchun telefonlar:**

**1. Tahririyat: 90-979-75-89; 94-677-90-32; 94-629-71-04.**

**Manzil:** Toshkent shahar, Olmazor tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy

**Telefon:** (99871) 246-30-26

**E-mail:** [ksbjurnal@mail.ru](mailto:ksbjurnal@mail.ru), [ksbjurnal@inbox.uz](mailto:ksbjurnal@inbox.uz)

# KASB-HUNAR TA'LIMI

Профессиональное образование  
Professional education

Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal  
2018-yil, 3-son

## Muassislar:

Kasb-hunar ta'limi markazi,

Kasb-hunar ta'limi tizimini innovatsion rivojlantirish, pedagog kadrlarning malakasini oshirish va qayta tayyorlash instituti

Bosh muharrir: M.XOLMUXAMEDOV  
Bosh muharrir o'rinnbosari: SH.QURBONOV  
Ijrochi direktor: H.SIROJIDDINOV

## Tahrir hay'ati:

R.X.JO'RAYEV, SH.S.SHARIPOV, F.X.RIZAYEV,  
H.SH.RAXMONOV, SH.T.ERGASHEV,  
O'.D.XIDIROV, O'.S.XUDAYBERDIYEV,  
X.F.MASUDOV, A.NIZAMOV, A.R.XODJABAYEV,  
A.A.TURG'UNOV

Jurnal 2000-yildan nashr etila boshlangan.  
O'zbekiston matbuot va axborot agentligida  
2007-yil 3-yanvarda qaytadan ro'yxatga olinib,  
0109-raqamli guvohnoma berilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar  
Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi  
tomonidan 2017 yil 29 avgustdagi 241/8 qarori  
bilan ro'yxatga olingan

Manzil: 100095, Toshkent sh., Zilo ko'chasi, 76-uy  
Tel.: (0-371) 246-30-26; 90-979-75-89; 94-677-90-  
32; 94-629-71-04.

E-mail: ksbjurnal@mail.ru,  
ksbjurnal@inbox.uz.

Nashr uchun mas'ul  
H.Sirojiddinov

Sahifalovchi: A.Abrayqulov

Tahririyat fikri muallif nuqtai nazariga to'g'ri  
kelmasligi mumkin.

Tahririyatga yuborilgan maqolalar egasiga  
qaytarilmaydi.

Jurnaldan ko'chirib bosinganda "Kasb-hunar ta'limi"  
jurnalidan olingani izohlanishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: \_\_\_\_\_ 2018-yil. Bichimi  
60x84 1/8

Bosma tabog'i \_\_\_\_\_. Adadi \_\_\_\_\_ nusxa.  
Buyurtma  
\_\_\_\_\_ nashriyotida tayyorlandi.

# МУНДАРИЖА

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

### Х.Офтобхўжаева

Касб-хунар таълими тизимидағи устувор вазифалар масъулияти .....2

### СОҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

#### Ф.Кулдашева, С.Сироҷиддинова

Асаларичилк соҳасини ривожлантиришда хорижий тажриба .....5

### АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

#### Ш.Шарофаддинов, С.Сиддиқова

Касб-хунар таълимига инновацион ёндашув – касбий кўнкималарни шакллантиришда электрон аҳборот таълим ресурсларидан фойдаланишинг аҳамияти .....8

### ПСИХОЛОГИЯ

#### Х.Кадырова

Самоопределение личности как предмет социально-психологического анализа .....14

#### И.Рахимова

Психологическая зрелость у студентов .....17

#### G.Alimova

Shaxs ijtimoiyashuvida ijtimoiy intstitutlar o'rni .....20

#### А.Нисанбаева

Педагогик фаолият жараёнида ўқитувчи ўз психик ҳолатини тартибга солиш маҳорати хусусида .....24

### ПЕДАГОГИКА

#### Д.Абдурахимова

Ўкувчиларда касб-хунар ҳакидаги тушунчаларни шакллантиришда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш .....29

#### М.Абиджанова, Л.Құдратова

Ўкувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва ўтказишининг ўзига хосликлари .....33

#### Ф.Зарипов, Г.Акбарова, Н.Улухужаева

Ўкувчилар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш жамиятнинг асосий вазифаси сифатида .....38

#### А.Мухсиева

Тарбия тренинглари асосида ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш .....44

### МЕТОДИКА

#### Р.Турғунбаев, З.Артиқбаева, М.Жўраева

Бўлғуси математика ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини ривожлантиришда контекстли топшириклардан фойдаланиш .....49

#### З.Артиқбаева

Математика фани ўқитувчиларига хос бўлган муҳим касбий сифатлар хусусида .....52

### САНЪАТ

#### Sh. Majidov

Musiqa darslarida o'quvchilarning ijodiy faolligini oshirish .....57

### ЁШ ПСИХОЛОГЛАРГА МАСЛАҲАТ

#### Д.Махмудова

Касб-хунар коллежлари психологлари амалий фаолиятида психологик маслаҳат ўтказишининг асосий босқичлари .....61

### ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

#### Л.Малащенко

Факторы влияющие на депрессивные тенденции в юношеском возрасте .....65

### ТАДҚИҚОТ ВА ТАҲЛИЛ

#### А.Низамов, Н. Сайдаматов

Касб-хунар таълими тизими инновацион ривожлантириш йўналишлари .....71

#### М.Болиев

Дарс таҳлили – дарсга тайёргарлик мезони сифатида .....77

## КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МАСЬУЛИЯТИ

**Х.ОФТОБХЎЖАЕВА,  
КҲТТИРПҚМО ва ҚТ институти “Умумкасбий ва маҳсус фанларни  
методик таъминлаш” бўлими методисти**

Мамлакатимизнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврида иқтисодиётнинг ривожланиши истиқболлари ва унинг устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларини ҳисобга олиб, эҳтиёжи юқори бўлган ҳамда турдош мутахассисликлар бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан тўлақонли фойдалана оладиган, амалий кўникмаларга эга бўлган кичик мутахассислар тайёрлаш вазифаси давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПК-3504-сон қарори ҳам айнан мазкур масалага қаратилган бўлиб, унда касб-хунар таълими соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Касб-хунар таълими тизими олдига кўйилган вазифалар ижросини тўлақонли таъминлаш, меҳнат бозорининг эҳтиёжларига мос замонавий кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, тизимда тўплланган тажрибаларни таҳлилий ўрганиш, инновацион таълим беришнинг самарали усууларини ўрганиш ва амалиётга жорий

этиш мақсадида мазкур масалалар тизим педагог ходимларининг анъанавий Август кенгашлари кун тартибига киритилди.

Касб-хунар таълими маркази раҳбарлиги остида жорий йилнинг 6-25 август кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан анъанавий Август кенгашларининг соҳа йўналишлари бўйича шуъба йиғилишлари ўтказилди. Шуъба йиғилишларида 2017-2018 ўқув йилида амалга оширилган ишлар сифатида касб-хунар коллажлари фаолиятининг тизимли мониторинги натижалари кўриб чиқилди. Мониторинг касб-хунар коллажлари томонидан таълим дастурига киритиладиган мутахассисликларга бўлган меҳнат бозоридаги реал эҳтиёжлар, уларнинг ҳудудларни ижтимоӣ-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқлиги, битиurvчиларни иш билан таъминлаш мақсадида тармоқларда потенциал иш бе-рувчиларни аниқлаш юзасидан олиб борган фаолияти ҳар томонлама танқидий ўрганишга қаратилган бўлиб, унинг натижалари таҳлил этилди. Шунингдек, 2018-2019 ўқув йилида таълим сифати ва самародорлигини ошириш, таълим жараёнiga инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда касб-хунар таълими муассасалари раҳбар-педагог ходимларининг масъулияти, ташаббускорлиги ва касбий маҳоратларини янада ошириш борасида қуйидаги устувор вазифалар белгилаб олинди:

- юқори синф ўқувчилари учун улар танлаган касби бўйича самарали касб-хунарга ўргатиш мақсадида ўқув машғулотларини амалиётга йўналтирилган таълим технологияларининг янги вариантларини яратиш;
  - инновацион технологияларни ишлаб чиқиши ва касб таълими жараёнига жорий этиш;
  - соҳалар бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ҳамда тармоқ бўйсунуви бўйича кадрларга буюртма берувчилар билан ҳамкорликда меҳнат бозорида талабгор ва рақобатбардош кадрлар сифатида тайёрланган касб-хунар коллежлари битирувчилари учун уларнинг эгаллаган касблари (мутахассисликлар) бўйича ишга жойлашиш даражасини кўтаришнинг такомиллашган механизмларини яратиш;
  - фуқароларнинг барча тоифалари, шу жумладан, имкониятлари чекланган фуқаролар учун касбий таълим, ўқитиш ва тайёрлашнинг очиқлигига эришиш йўлларини ишлаб чиқиш;
  - меҳнат бозорида ишчиларнинг мобилигини ошириш, ишдан бўшаётган меҳнататга лаёқатли фуқароларнинг бандлик муаммоларини ўрганиш, фуқароларнинг бутун ҳаёт давомида таълим олишлари учун имкониятларини яратиш;
  - катта ёшдаги аҳоли учун турли шакл ва турдаги таълим хизматларини кўрсатадиган «Бутун ҳаёт давомида таълим» тамоилига асосланган касб-хунар таълими тизимини шакллантириш;
  - қишлоқ аҳолиси, ёш болали аёллар, имконияти чекланган шахслар учун ўқитишнинг масофавий интернет технологияларини ишлаб чиқиши ва жорий этиш орқали электрон таълим хизматларини йўлга қўйиш;
  - иш берувчилар билан ҳамкорликда коллежларнинг тармоқ бўйсунувига мос бўлган ишлаб чиқариш таълимини жорий этиш;
  - замонавий технологиялар асосида янги авлод дарсликларини яратиш;
  - ахборот технологияларни кенг жорий этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш.
- Хар бир соҳа йўналишларининг шуъба йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларида топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда тизимдаги ислоҳотларни амалга оширишда касб-хунар коллежлари олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Хусусан, шуъба модераторларининг маърузалари билан бирга ҳалқаро тажриба асосида тегишли вазирлик ва иш берувчилар талаби асосида профессионал стандартлар, малака талаблари ва модулли ўқув режаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш, саноатга жорий этилган замонавий техника ва инновацион технологияларни 6 ой - 2 йиллик табақалаштирилган ўқув дастурлар мазмунига киритишга оид ечи мини кутаётган масалалар бўйича тақдимот материаллари тайёрланди ва шуъба йиғилишларида кўриб чиқилди.
- Касб-хунар таълими тизимида рўй беряётган ислоҳотлар шу соҳада фаолият юритаётган барча фидоий касб эгалари зиммасига катта масъулият юклайди. Эндиликда, касб-хунар коллежларида фаолият олиб бораётган раҳбарлардан тортиб ишлаб чиқариш таълими устасигача таълим ва тарбия жараёнининг амалий жиҳатларига эътиборни кучайтиришлари зарурлигини тақазо этмоқда. Шу сабабли, соҳалар бўйича ташкил этилган шуъба йиғилишларида шу тизимда фаолият юритаётган барча раҳбарлар, педагог-ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари:
- таълим беришнинг инновацион метод-

ларидан самарали фойдаланиш йўлларини;

- таълим бериш методикасини замон талаблари асосида такомиллаштириб бориши;
- педагогик жамоа билан ҳамкорликда юқори сифатли таълим ресурсларини яратишни;
- турли касбий ҳамжамиятларда таълим беришнинг янги ва самарали методлари бўйича ўзаро фикр алмасиб ҳамкорликда фаолият юритишни, амалий машғулотлар учун маҳсус медиа ва техник талаблар асосида мультимедиа ресурсларининг янги вариантларини яратишни;
- мавжуд ресурсларни маҳаллий шароитга мослаштирилган вариантларини яратишни;
- касбий фаолият самарадорлигига эришишда мустақил тарзда очиқ таълим ресурсларини яратиш ва уларни такомиллаштириш каби вазифаларни амалга ошириш лозимлиги юзасидан келишиб олинди.

Бугунги кунда такомиллашаётган касб-хунар таълими тизимининг таълим шакли 6 ойликдан 2 йилгача муддатда ихтиёрий этиб белгиланиши ва ўкув жараёнида ўқувчиларнинг амалий тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилиши маҳсус фан ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълим усталарининг зиммасига алоҳида вазифалар юклайди. Хусусан, касб-хунар таълими тизимида таълим олаётган ўқувчиларга ўрганаётган мутахассислиги ва эгаллаётган касби бўйича нафақат касбий қўнимка ва малакани, шунингдек, мантиқий ва тизимли фикрлай олишни, экологик, ҳуқуқий, информацион, коммуникатив, тадбиркорлик малакаларини, ўз-ўзини англаш, тушуниб этиш ва бошқаларга адекват талаблар қўя билишни, ўз фаолиятини онгли равишда таҳлил қила

олишни, ноаниқ шарт-шароитларда мустақил ҳаракат қила оладиган, янги билимларни тез ўзлаштирадиган, ижодий фаол, бажараётган иши учун масъулият ҳиссини хис эта олиш сифатларни шакллантириш лозим. Эътироф этиш керакки, юқорида қайд этиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш ва таълим самарадорлигини янги босқичга кўтариш таълим тизимида инновацион таълим технологияларини киритиш, таълим олувчиларда аниқ тасаввур ўйғотишга эришиш мақсадида ўқув материалларни визуаллаштириш, видеодарсларни яратиш технологияларини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш орқали эришилади. Бинобарин, бундай сифатларга эга бўлган кичик мутахассисларни тайёрлаш учун касб-хунар таълими тизимида фаолият юритаётган барча касбий ва маҳсус фан ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталаридан чуқур билим ва салоҳият талаб этилади. Бу ўз навбатида улар зиммасига ўқув материалларини визуаллаштириш, видеодарслар, видеоВИДЕОинструкторлар, виртуал амалий машғулотлар, анимацион ресурслар, инфографикалар, мультимедиа каби электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш, электрон ўқув-услубий мажмуалар ва касб ўргатишга йўналтирилган онлайн курсларни ташкил этиш, мобиЛЬ таълим, смарт таълим, масофавий таълим шаклларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш, илгор хорижий инновацион технологияларни ўрганиш орқали уларни таълим жараёнига татбиқ этиш ва миллий тажрибаларни такомиллаштириш, жумладан, виртуал лабораторияларни кенг жорий қилиш, тизимдаги веб-сайтларга жойлаштириш, интерактив хизматлар кўламидан фойдаланишни, электрон таълим ва тарбия жараёнини бошқаришнинг ягона электрон тизимидан самарали фойдаланиш каби вазифаларни юклайди. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида

Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти қошида “Инновацион таълим лабораторияси”ни ташкил этиш режалаштирилди. Мазкур лаборатория касб-хунар таълими тизимига инновацияларни кенг татбиқ қилиш, таълим тизимида янги технологияларни жорий этиш ва уни аппробациядан ўтказиш ҳамда такомиллаштириш, касб-хунар таълими муассасаларида ўқув ва таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилиши лозим бўлган инновацион технологияларни яратиш ва уларни коллежларда тажриба-синовдан ўтказишида ахборот-методик, ташкилий ва консультатив ёрдам кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки,

касб-хунар таълими тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар замирида мамлакатимиз иқтисодиётини кўтариш, ҳалқ фаронлиги ва ватан равнақини таъминлашда ҳалқ хўжалигининг барча тармоқлари учун замонавий техника ва технологияларда ишлай оладиган, дунёқараши кенг, юксак маънавий фазилатларга эга, жаҳон ва ички меҳнат бозорида рақобатбардош кадрларни етиштириш каби давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масалалар турибди. Зоро бундай юксак вазифаларни амалга ошириш учун касб-хунар таълими тизимида фаолият олиб бораётган барча фидойи инсонлар ўзларининг илмий, амалий, педагогик салоҳиятларини сафарбар этишлари зарур.

## АСАЛАРИЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**Ф.КУЛДАШЕВА,  
Тошкент давлат аграр университети докторанти,  
С.СИРОЖИДДИНОВА,  
“Касб-хунар таълими” журнали мухбири**

Асаларичиликка азалдан “етти ҳазинанинг бири” сифатида қаралиб, асал нафақат шифобахш маҳсулот, балки даромад манбаи эканлиги билан ҳам мана шундай эътирофга сазовор бўлган. Шубоис, мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий юксалиш даврида асаларичилик соҳасини янада ривожлантиришга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Зоро, асаларичилик қишлоқ хўжалигининг сердаромад соҳаларидан бири бўлиб, республикамизнинг табиий иқлим шароити асалари оиласларини замонавий технологиялар асосида боқиш учун жуда қулайдир. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда шу қарор асосида “2017-2021 йилларда асаларичилик тармоғини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури” қабул қилинди. Унда мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантиришга қаратилган топшириклар билан бир қаторда асаларичилик соҳасидаги илғор тажрибаларни татбиқ этиш орқали малакали кадрларни тайёрлаш вазифаси қўйилди. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида республикадаги бир неча касб-хунар коллежлари асаларичилик таълим йўналишларига мослаштирилди, шунингдек, қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежларида “зоотехник – асаларичи” мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш

жорий этилди.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришлар ҳамда иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва таклифлари асосида меҳнат бозорида талаб этилган рақобатбардош мутахассисларини тайёрлаш касб-хунар таълими тизими ўқитувчи-педагогларидан инновацион фолиятни, ўз малакаларини мунтазам ошириб боришни, янги педагогик технологиялар, хорижий тажрибаларни ўзлаштириб боришни тақазо қилмоқда. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази томонидан Ўзбекистон асаларичилиари уюшмаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг 27-30 август кунлари Тошкент вилояти Қибрай қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида “Касб-хунар таълими тизимида асаларичилик мутахассислигига ўқитиши методикаси” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Асаларичилик соҳаси бўйича Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университетининг тадқиқотчи олимлари, хорижлик ва маҳаллий мутахассислар, касб-хунар коллежларининг асаларичилик йўналиши бўйича амалиётчи ўқитувчи-педагоглари иштирок этган мазкур семинар-тренингда асаларичилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, тармоқда наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш, педагог-ўқитувчиларни замонавий инновацион педагогик технологиялар билан

таништириш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича методик тавсиялар кўриб чиқилди. Хусусан, тўрт кун давом этган семинарда Украина давлатининг “Гадяч асаларичилик мактаби” директори Наталья Сенчукнинг “Асаларичилик мутахассислигига ўқитиш методикаси” мавзусида Украина тажрибаси ўрганилди.

Тренингнинг биринчи кунида украйналик мутахассис томонидан асалари оиласарининг асосий хусусиятлари ва кўпайиши, асалари ҳаётий фаоллиги, асалари оиласарини сақлаш ва уларнинг қишлошини ташкил этиш, асалари оиласарини асосий асал йиғишга тайёрлаш ва асаларичиликда етиштириладиган маҳсулотлар сотувини йўлга қўйиш технологияси ҳақида маълумотлар берилди. Касб-хунар таълимида асаларичилик йўналишига оид назарий ва амалий дарсларни ўқитиш методикаси тушунтирилди.

Иккинчи куни асалари оиласарининг кўпайиши ва она асалари етиштириш, асалари оиласини кенгайтириш, асалари зотлари ва асаларичиликдаги наслчилик ишлари, асалари касалликлари, асалари оиласига хавф туғдирадиган текинхўрлар ва йиртқичларга қарши курашиш, асалари оиласини кўчиришни тўғри ташкил этишни амалий ўқитиш методикаси ёритилди.

Учинчи куни асосий асал берувчи ўсимликлар ва уларни асалари оиласи маҳсулдорлигига таъсири, қишлоқ хўжалиги экинларини асаларилар ёрдамида чанглатиш, асаларичилик хўжаликларини ташкиллаштириш, асаларичилик озуқа базаси ва уни ташкил қилиш, асаларичилик жиҳозлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш технологиясини таълим тизимига жорий қилишга оид методик тавсиялар

берилди. Шунингдек, коллеж полигонида баҳорда, ёзда, кузда ва қишда асаларизорда бажарилиши лозим бўлган амалий ишларни амалга ошириш методикаси амалда кўрсатиб берилди.

Тренингнинг охирги куни семинар иштирокчилари учун Қиброй туманидаги илғор асаларичилик хўжалиги асаларизорларида амалий машғулот ташкил этилди. Унда семинар иштирокчилари асалари оиласарини кўздан кечириб, хориж тажрибаси асосида асалари оиласари билан ишлаш методикаси юзасидан олган янги назарий билимларини амалда қўллаб кўриш имкониятига эга бўлишди.

Семинар-тренинг яқунида унда иштирок этган ўқитувчи-педагогларга “Касб-хунар таълими тизимида асаларичилик мутахассислигига ўқитиш методикаси” мавзусига оид электрон ахборот таълим ресурслари, кўргазмали тарқатма материалилар, мультимедиа ўқитиш тизимига оид дисклар, ўқув услубий материаллар ҳамда асаларичилик жиҳозлари тарқатилди. Шунингдек, барча иштирокчиларга Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази ҳамда Украина давлатининг Гадяч асаларичилик мактабининг сертификати топширилди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, семинар-тренинг давомида олинган назарий ва амалий билимлар, шубҳасиз мамлакатимизда асаларичилик соҳасининг ривожланишига, илмий тадқиқот ишлари кўламининг кенгайишига, касб-хунар коллажларида асаларичилик бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

# КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ – КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Ш.ШАРОФАДДИНОВ,**

**КҲТТИРПҚМО ва ҚТ институти “Ахборот технологияларини ишлаб  
чиқиши ва жорий этиш бошқармаси” бошлиғи,**

**С.СИДДИҚОВА,**

**Бухоро нефт ва газ саноати касб-хунар коллекции махсус фан ўқитувчиси,  
Бухоро муҳандислик технологиялари институти мустақил тадқиқотчиси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада инновацион лойиҳа асосида тайёрланган нефт ва газни қайта ишлаш технологиялари бўйича мультимедиали қўлланмалар тўпламишининг таълим олувчиликлар касбий компетенцияларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти ёритилиб, таълим жараёнини ишлаб чиқариш жараёнлари билан кўргазмали тарзда боғлаган ҳолда ўқувчи кўз ўнгидаги аниқ жараён манзарасини кўрсатиш ҳамда таълим олувчиликларнинг айнан ўз мутахассисликларига доир касбий кўнинмаларини янада та-комиллаштиришга қаратилган таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** мультимедиали виртуал ресурслар, электрон ахборот таълим ресурслари, касбий компетенцияларни шакллантириш, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси, касб-хунар таълимига инновацион ёндашув.

**Аннотация.** В этой статье описывается роль и значение набора мультимедийных инструментов для технологии переработки нефти и газа на основе инновационного проекта, формирования профессиональной компетентности обучаемых, демонстрации реальных примеров для студентов в процессе визуализации образовательного процесса с производственными процессами, предлагает улучшить свои профессиональные навыки.

**Ключевые слова:** мультимедийные виртуальные ресурсы, электронные учебные образовательные ресурсы, формирование профессиональных компетенций, интеграция образования и производства, инновационный подход к профессиональному образованию.

**Annotation.** This article describes the role and importance of a set of multimedia tools for oil and gas processing technology based on an innovative project, the formation of professional competence of trainees, demonstration of real examples for students in the process of visualizing the educational process with production processes, proposes to improve their professional skills.

**Key words:** multimedia virtual resources, electronic educational resources, formation of professional competences, integration of education and production, innovative approach to vocational education.

Ҳар бир инсон ўз баҳтини фарзанди камолида кўради. Шу боис ўғил-қизининг таълим-тарбияси, ҳеч кимдан кам бўлмай улгайиши учун ўзини масъул деб билади. Бинобарин, ушбу масала бугун мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарили-

ган. Зеро, ўсиб келаётган авлод тимсолида нафақат ота-онанинг, балки миллатимизнинг, юртимизнинг ҳам порлоқ келажаги мужассамдир.

Мұхтарам юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз миллий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар давлат сиёсати даражасига күтарилған. Бу эса, таълим тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ёшларнинг ҳар томонлама етуқ, соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган улкан бунёдкорлик ишларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар бутун дунё ҳамжамияти томонидан ижобий эътироф этилмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарти – кадрлар тайёрлаш тизимининг мукаммал бўлиши, замонавий фан-техника ютуқлари асосида таълимни сифат ва самарадорлик жиҳатдан янада юқори кўрсаткичларга олиб чиқишидир. Бугунги кунда таълим муассасаларида, хусусан, касб-хунар таълими тизимида ўқитиш ва билим олишни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш, инновацион таълим технологияларини амалиётга кенг жорий этиш талаб этилмоқда. Буларнинг барчаси бўлғуси кадрларнинг юксак интеллектуал шахс сифатида камолотга эришишини таъминлайди.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг қабул қилиниши илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш, касб-хунар коллежлари битирувчила-

ри бандлигини таъминлашда тизимда туб бурилиш ясад, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларга ечим топиб берди.

Хусусан, ушбу ҳужжатда ўқув жараёнiga инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни фаол қўллаб, касб-хунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олиб, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ эта оладиган амалий қўникмаларга эга бўлган малакали кадрларни тайёрлаш касб-хунар таълими тизимининг муҳим вазифалари, деб белгиланди.

Ўқув жараёнiga инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни фаол қўллаш пировардида иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш учун касб-хунар таълими ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида илғор техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олиб, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалга татбиқ қилган ҳолда ишлаш бўйича зарур амалий қўникмаларга эга бўлган малакали кадрларни тайёрлаш кўзда тутилади. Шунингдек, таълим жараёнida интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини қўллашга бўлган қизиқиш битирувчиларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш, замонавий технологияларга мувофиқ эгаллашлари лозим бўлган билимларни ўзлари мустақил қидириб топишларига, ўрганиб таҳлил қилишларига, хulosаларни келтириб чиқаришларига ўргатиш, амалий-касбий қўникмаларини мустаҳкамлаш, илм-фаннинг энг охирги ютуқларини ўзлаштириш имкониятини яратиб беришдан иборат. Ушбу жараёнда, яъни мамлакатимиз нефт ва газ саноати-

нинг йирик ишлаб чиқариш қувватлари учун жаҳон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашда таълим олувчиликтарнинг амалий-касбий қўникмалари ни мустаҳкамлашда айнан таълим олиш жараёнининг ўзида нефт ва газни қайта ишлаш технологиялари тўғрисида тўлиқ ва умумий тасаввурни шакллантириш мультимедиа ресурсларидан фойдаланиш заруриятини тақозо этади.

Мультимедиа материаллари таълим олувчиларга видео ва аудио ахборотларни қабул қилиш имкониятини яратган ҳолда, матн ва графика ўртасидаги алоқалар мавзуни чукурроқ тушунишга ва ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақидаги тасаввурларининг яхшироқ шаклланишига кенг имкониятлар яратади.

Таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва уларнинг мотивациясини оширишга кўмаклашиш имкониятларига кўра, шунингдек, ҳар хил турдаги мультимидали ўқув ахборотларининг уйғунлашуви, интерфаоллик, мослашувчанлик сифатларига кўра мультимедиа фойдали ва маҳсулдор таълим технологияси ҳисобланади.

Дарсликлардан фойдаланилгандек, мультимедиа воситаларини қўллашда ҳам таълим стратегияси таълим олувчиларнинг касбий қўникмаларини шакллантириш жараённида ўқитувчи нафақат ахборотларни тақдим этиш, балки таълим олувчиларга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ва жараённи бошқариб бориш билан шуғуллангандагина мазмунан бойитилиши мумкин. Одатда, чиройли тасвирлар ёки анимациялар билан бойитилган тақдимотлар оддий кўринишдаги матнларга қараганда анча жозибали чиқади ва улар тақдим этилаётган материалларни тўлдирган ҳолда зарурий эмоционал даражани таъминлаб туриши мумкин. Айниқса, ишлаб чиқариш жараёнларини бевосита кузатиш

имконияти бўлмаган тақдирда маҳсус фанлар ва ўқув амалиётлари машғулотларида мультимедиа таълим ресурсларидан унумли фойдаланиш беқиёс аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз саноатининг локомативлари ҳисобланган нефт ва газ саноатининг йирик ишлаб чиқариш қувватлари учун жаҳон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш жараённида амалий-касбий қўникмаларни мустаҳкамлаш, нефт ва газни қайта ишлаш технологиялари тўғрисида тўлиқ ва умумий тасаввурни шакллантириш мақсади мультимедиа ресурсларидан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Бугунги кунга қадар мамлакатимизда айнан нефт ва газни қайта ишлаш технологиялари бўйича бутун жараённи қамраб оладиган мультимидали виртуал ресурслар мавжуд эмаслиги, уларнинг нефт ва газни қайта ишлаш жараёнларини амалда бажаришлари учун зарурий лаборатория жиҳозларини олиб келиш катта маблағ талаб этиши, ўқувчиларни корхонадаги технологик жараёнларни бевосита кузатишлари вақтида ушбу корхоналарнинг хавфлилик даражаси юқори бўлганлиги сабабли инновацион лойиҳа асосида жараённи комплекс ўз ичига олган мультимидали ресурслар ишлаб чиқилди.

Таълим жараёнини ишлаб чиқариш жараёнлари билан кўргазмали тарзда боғлаган ҳолда талаба кўз ўнгидага реал жараён, яъни, нефт ва газни қайта ишлаш жараёнини кўрсатиш ҳамда таълим олувчиларнинг айнан ўз мутахассисларига доир касбий қўникмаларини янада тақмиллаштириш учун мультимидали виртуал ресурслар тўплами яратилди. Мазкур мультимидали ресурслар тўплами нафақат касб-хунар таълимни муассасалари талabalari учун, балки, олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талabalар, соҳа корхоналари мутахассисларининг

малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларида ижобий самара беради.

Ушбу инновацион лойиҳани тайёрлаш жараёнида саноат корхоналари учун мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим мұассасалари (Бухоро мұхандислик технология институти “Нефт-газкимө саноати” факультети)нинг профессор-ўқитувчилари ҳамда соҳа корхоналари (“Ўзбекнефтгаз” Акциядорлик жамияти ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи)нинг етакчи




1-расм. “Кириш йўриқномаси” видеоДинструкторидан лавҳа

мутахассислари томонидан мутахассислар тайёрлаш борасидаги эътибор қаратилиши лозим бўлган энг долзарб масалалар юзасидан берилган таклифлар инобатга олинган бўлиб, касб-хунар коллежлари ва олий таълим мұассасаларининг шу йўналишдаги ўқув режа ва дастурлари ўрганилиб, ўқитиладиган мавзулар етарли даражада қамраб олинди ҳамда тегишли мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилди.

Лойиҳа доирасида тайёрланаётган дастурий маҳсулотларнинг таълим ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги аҳамияти шундан иборатки, мутахассислар ва шу соҳага қизиқадиган кенг оммага технологик жараёнлар, технологик жиҳозлар, меҳнат муҳофазаси, техника ва саноат хавфсизлиги бўйича яхлит, аниқ, тизимлаштирилган, илмий, назарий-амалий билимларни ҳамда тасаввурларини шакллан-




2-расм. “Атмосферали ректификациялаш қурилмаси” видеоДинструкторидан лавҳа



3-расм. “Каталитик изомерлаш қурилмаси” видеоДинструкторидан лавҳа

тиради.

Лойиҳани амалиётга жорий этиш мақсадида “Ўзбекнефтгаз” Акциядорлик жамиятининг “Инновацион ғояларни кўллаб-кувватлаш” бўлими, “Нефт ва газ саноати Ўзбекистон илмий-муҳандислик жамияти”, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, Бухоро мұхандислик технологияси институти, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи билан ҳамкорликдаги фаолияти йўлга қўйилди, видеодарслар тўплами ишлаб чиқилди.




4-расм. “Кўп босқичли марказдан қочма насос” видеоинструкторидан лавҳа



6-расм. “Ректификацион колонна” видеоинструкторидан лавҳа



5-расм. “Кўп босқичли марказдан қочма насос” видеоинструкторидан лавҳа



7-расм. “Реактор” видеоинструкторидан лавҳа

Шунингдек, [www.kasb-hunar.uz](http://www.kasb-hunar.uz) – онлайн касб ўрганиш миллий тизимида жойлаштириш бўйича ташкилий ишлар олиб борилмоқда, нефт ва газ соҳасига оид атамаларнинг таржимаси ва изоҳини ўз ичига олган русча-ўзбекча-инглизча изоҳли луғат тайёрланмоқда.

Бугунги кунда саноатда муҳим йўналишлардан бири бўлган меҳнат муҳофазаси бўйича талабалар билимларини мустаҳкамлаш ва саноат корхоналари ходимларининг малакаларини ошириш жараёнида лойиха доирасида тайёрланаётган “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича мультимедиали қўлланмалар тўплами”дан унумли фойдаланиш мақ-

садида “Ўзбекнефтгаз” Акциядорлик жамиятининг “Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги” бўлимининг таклифлари асосида тўпламни янада такомиллаштириш бўйича фаолият олиб борилмоқда.

Ҳамкор ташкилотлар томонидан лойиҳа доирасида тайёрланаётган электрон ахборот таълим ресурсларини Нефт ва газни қайта ишлаш йўналиши бўйича мутахассислар тайёрловчи олий таълим музассасалари ҳамда касб-хунар коллажарининг таълим жараёнига амалда тадбиқ этиш ва такомиллаштириб бориш борасида амалий фаолият олиб борилмоқда.

Мазкур “Таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига инновацион ёндашув”

номли инновацион лойиҳа 2018 йилда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва БМТТДнинг “Давлат бошқарувида хотин-қизлар ҳукуқлари ва имкониятлари ни кенгайтириш ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини ошириш” лойиҳаси томонидан ташкил этилган “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси”си I Республика танловида “Таълим соҳасидаги энг самарали инновацион лойиҳа” номинацияси ғолиби сифатида эътироф этилди ва республика миқёсида тармоқ коллежларида, олий таълим муассасаларида ҳамда соҳа ишлаб чиқариш корхоналарининг ўқув марказларида фойдаланиш учун оммалаштиришга ҳамда “Ўзбекнефтгаз” Акциядорлик жамияти тасарруфидаги саноат корхоналарида ташкил этилган мутахассисларнинг ма-лака ошириш курслари машғулотларини ўтказишда ўқув қўлланма сифатида тавсия этилди.

Хулоса қилиб айтганда, касб-хунар таълими тизимида маҳсус фанлар ва ўқув амалиётлари машғулотлари жараёнида мультимедиали ахборот таълим ресурслари асосида ўқитиш қуидаги афзалик-ларга эга:

- берилеётган материалларни чукурроқ ва мүккамалроқ үзлаштириш имкони-

## ЯТИНИНГ МАВЖУДЛИГИ;

- ўкувчиларда таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқини янада ортириши;
  - таълим олиш вақтининг қисқариши натижасида, вақтни тежаш имкониятига эришиши;
  - олинган билимлар хотирада узок сакланиб, зарур бўлганида амалиётда кўллаш имкониятига эришилиши;
  - таълим олувчилар эгаллашлари лозим бўлган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хуносаларни ўзлари келтириб чиқаришларига эришиш;
  - амалий-касбий кўникмаларни мустаҳкамлаш,kasbий компетенцияларини шакллантириш мумкинлиги;
  - таълим жараёнини ишлаб чиқариш жараёнлари билан кўргазмали тарзда боғлаган ҳолда таълим олувчиларда соҳа корхоналаридаги технологик жараёнлар тўғрисидаги аниқ тасаввурларни шакллантириш имконияти мавжудлиги;
  - таълим олувчиларнинг айнан ўз мутахассисликларига доир касбий кўникмаларини янада такомиллаштириш ва бошқалар.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги – ПФ-5313-сонли фармони
  2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги – ПҚ-3504-сонли қарори

## САМООПРЕДЕЛЕНИЕ ЛИЧНОСТИ КАК ПРЕДМЕТ СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО АНАЛИЗА

**Х.КАДЫРОВА,  
и.о. доцента ТГПУ им. Низами**

**Аннотация:** В данной статье раскрывается понятие самоопределения личности с точки зрения социально-психологического анализа. При этом профессиональное развитие неотделимо от личностного, поскольку в его основе лежит принцип саморазвития, детерминирующий способность личности превращать собственную жизнедеятельность в предмет практического преобразования, приводящий к высшей форме жизнедеятельности личности – творческой самореализации.

**Ключевые слова:** Самоопределение, развитие, индивид, общество, активность, самосознание, деятельность, свобода, идентичность, действие.

**Annotation:** The article considers the notion personality self-determination as a subject of social-psychological analysis. This professional development is inseparable from the personality, because they are based on the principle of self-development determining the ability of a person to turn their own livelihood in view of practical reforms, leading to a high form of a personality life activity-creative self-realization.

**Key words:** Self-determination, development, individual, society, activity, self-awareness, activities, freedom, identity, action.

**Аннотация:** Ушбу мақолада, ижтимоий психологик таҳлил нуқтаи назаридан шахснинг ўз тақдирини белгилаш тушунчаси аниқланди. Шахс ўзининг ижодий ҳаёти объектини юқори шаклда ўзгартириш, ўз ҳаётий вазифаларини ўзгартириш учун ўз-ўзининг қобилияти тамоилига асосланган, чунки бу профессионал ишлаб чиқишида, шахс билан боғлиқдир.

**Калит сўзлар:** Ўз тақдирини белгилаш, ривожланиш, шахсий, жамият, фаолият, ўз ўзини англаш, эркинлик, идентификация қилиш, ҳаракат.

Самоопределение нужно человеку для выполнения долга, служения человеческому роду. Самоопределение выступает условием для творческой активности, посредством которой происходит развитие личности – её духовный рост.

Значение позитивного самоопределения человека для творчества, развития индивидуальной личности крайне важно. Позитивное самоопределение предполагает, что человек является центром и целью своей жизни, что развитие его индивидуальности, реализация его личности – это высшая цель, которая не может быть подчинена другим, якобы более достойным целям.

Проблема самоопределения личности – узловая проблема взаимодействия

индивидуа и общества, в которой как в фокусе выsvечивается социальная детерминация индивидуального сознания и роль собственной психологической активности субъекта в этой детерминации. На разных уровнях это взаимодействие обладает своими специфическими характеристиками, которые находят своё отражение в различных психологических теориях личности.

С точки зрения психологического подхода самоопределение рассматривается как «абсолютно сознательная активность личности по выявлению и отстаиванию отчётливо субъектной позиции в ситуациях, не имеющих жестко нормативных решений».

Определение психологической сущности и содержания самоопределения, на

наш взгляд, наиболее продуктивно через понятия «воля» и «свобода», «сознание» и «самосознание», «личностный рост» и «развитие». Именно посредством данных феноменов самоопределение проявляет свою сущность, наполняется реальным содержанием.

Самоопределение играет центральную роль в психологии личности. Как показывают исследования, в зарубежной и отечественной науке в неформализованном, скрытом виде накоплен значительный по содержанию, глубине и разнообразию материал, раскрывающий те или иные стороны, психологические характеристики самоопределения. Содержание трактовок воли, свободы выбора, сознания, самосознания, личностного роста, развития определяют методологические основы того или иного направления в понимании самоопределения.

Самоопределение рассматривается в единстве рефлексии и деятельности. В ряде работ подчеркивается и раскрывается роль процессов осознания и мышления в развитии самоопределения [4].

Наряду с сознанием, самосознанием, подсознанием, рефлексией зарубежные психологи включают в анализ самоопределения один или несколько компонентов структуры деятельности (мотивы, потребности, цель), рассматривают феномен самоопределения в контексте взаимодействия целостных структур сознания и деятельности.

Среди исследователей, изучающих проблему, связанную с вопросом о психологической сущности самоопределении, можно выделить три группы:

1. Авторы концепций личности, которые представляют поведение и в целом жизнь человека свободным или контролируемым извне (А.Адлер, А.Маслоу, К.Роджерс, Г.Олпорт, К.Юнг, Э.Фромм, А.Бан-

дуря), [А.Адлер].

2. Исследователи, непосредственной целью которых является изучение феномена свободы, по сути являющейся основой самоопределения (Дж.Истербрюк, Р.Мэй, Дж.Рейчлэк, Т.Тулку, Ю.Козелецкий, И.Дейч), [4].

3. Третью группу составляют авторы, исходящие из отсутствия свободы. Отсутствие свободы своим результатом имеет отсутствие развития самоопределения.

Относительно свободы Г.Айзенк отмечал, что «все современные теории личности сходятся в существовании относительной, но не абсолютной свободы желания. Человек отвечает за свои действия и ограничен складом личности. Индивидуальное поле свободы детерминировано, во-первых, психофизической конституцией и, во-вторых, социокультурными влияниями, внешним окружением человека и его возрастом».

Американский психолог и психиатр Э. Берн (1902-1970) – создатель трансакционной теории личности – видит возможности самоопределения индивида в осознании сценария своей жизни. Самоопределение в трансактном анализе связано со способностью человека «перерешить» сценарное решение, отказаться от игр по запрограммированному сценарию [3].

То есть перед ним постоянно стоит проблема самоопределения, проблема выбора. Согласно концепции Э.Эрикsona, интеллектуальные способности помогают сформировать смысл идентичности, дают возможность совершить из множества обязательств (личных, профессиональных, идеологических и других), в то же время жизненный выбор несет на себе отпечаток ограничений, заложенных в детстве [2].

Самоопределение выступает в форме внутренней, субъективной, экзистенциальной свободы – того, что существует в

индивидуе и переживается как чувство внутренней свободы.

Понятие самоопределения связано со способностью человека осознавать, быть открытым миру, позволяющему бытию существовать. В этом случае жизнь человека не детерминируется какой то одной картиной (стороной, значением) бытия.

В качестве внутренней, духовной составляющей человека, которую нельзя отнять, пока он жив, предстает самоопределение в теории австрийского психиатра и психолога. Даже в нечеловеческих условиях человек может выбирать, отстаивать свою внутреннюю сущность – духовную свободу, которая даёт ему возможность до последнего вздоха наполнять свою жизнь смыслом [5].

Из учения Дж.Келли (1905-1966) следует, что самоопределение – это продукт личностных конструктов, поскольку личность предвосхищает «конструирует» будущие события. Келли пишет: «Система личностных конструктов дает человеку и свободу решений, и ограничение действий – свободу, потому что она позволяет ему иметь дело со значением событий, а не силами, которые подталкивают его, и ограничение, потому что он всегда делает выбор в пределах тех альтернатив, которые он выстроил для себя» [6].

С позиций когнитивной психологии самоопределение связывается с уровнем способности человека предвосхищать и структурировать надежную, релевантную

информацию.

Идеи самоопределения обнаруживаются в работах: М.И.Владиславлева – о самоопределении как возможности человека контролировать свои действия; М.М.Троицкого в связи с вопросом о личной и общественной зависимости; Н.Я.Грота – о зависимости свободы воли от самосознания и состояния человека; И.П.Павлова, российского физиолога, открывшего рефлексы свободы и подчинения, свойственные, как он полагал, не только животным, но и человеку; Д.Н.Узнадзе – о сознании, способности личности к объективации; А.Ф.Лазурского – о типе людей, приспособливающих к своим целям окружающий мир; Л.С.Выготского – о роли сознания, фантазии, способности к формированию понятий в достижении свободы [1].

В работах Л.С.Выготского (1896-1934) отмечается, что самоопределение заключаются в том, что человек мыслит, т.е. познаёт создавшуюся ситуацию. Свободная переработка элементов опыта, их свободное сочетание происходит при участии воображения, фантазии и творчества, требующих «в качестве предпосылки той внутренней свободы мышления, действия и познания, которой достигает только тот, кто уже овладел образованием понятий» [1].

Вопрос самоопределения сопряжен с осознанием смысла выбора, истинных масштабов того, за что человек борется в своей жизни.



#### Используемая литература:



1. Выготский Л.С. Собрание сочинений 6 тт. Т.4. – М.: Педагогика.
2. Кондратьев М.Ю., Ильин В.А. Азбука социального психолога. – М.: ПЕР СЭ, 2007.
3. Маклаков А.Г. Общая психология. Учебник для вузов. – Спб.: Питер, 2007. – 583 с.
4. Роджерс К. Клиент – центрированная психотерапия / пер. с англ. Т.Рожковой, Ю. Овчинниковой, Т. Пимочкиной. – М.: Апрель - Пресс. Изд-во ЭКСМО - Пресс, 2002. - 512 с.
5. Фрейд З. Эго и Ид. Нью-Йорк. Нортон, 1923.
6. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис / под ред. Толстых А.В. М., 1996.

# ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ЗРЕЛОСТЬ У СТУДЕНТОВ

И.РАХИМОВА,  
и.о. доцента ТГПУ имени Низами

**Аннотация:** В данной статье описано исследование проявления феномена психологическая зрелость у студентов на основании разработанной концепции. Также экспериментальные факторы которые благоприятно влияет на процесс обучения в ВУЗе и на формирование и развитие психологической зрелости.

**Ключевые слова:** зрелость, студенческий возраст, социальный статус, мотивация, гендерные особенности.

**Annotation:** This article describes the study of the manifestation of the phenomenon of psychological maturity in students on the basis of the developed concept. Also experimental factors that favorably influence the learning process in the university and the formation and development of psychological maturity.

**Key words:** maturity, student age, social status, motivation, gender characteristics.

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada ishlab chiqilgan tushunchalar asosida talabalarning psixologik yetuklik hodisasining paydo bo'lishini o'rganish ta'riflangan. Bundan tashqari, Oliy o'quv yurtida o'quv jarayoniga ijobjiy ta'sir ko'rsatadigan va psixologik yetuklikni shakllantirish va rivojlantirishga ta'sir etuvchi tajribaviy omillar haqida yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** yetuklik, talaba yoshi, ijtimoiy mavqe, motivatsiya, gender xususiyatlari.

Психологическая зрелость – полное, состоящееся психологическое развитие человека, свободное и гибкое пользование личностным инструментарием. Это понятие не про жизненный путь человека в целом, а про способность адекватно действовать в конкретных ситуациях.

О психологической зрелости человека не стоит делать быстрых выводов. Об этом можно говорить смотря на следующие факторы:

1. Способность человека жить и действовать опираясь на собственные моральные и этические ценности, правила и убеждения. Уметь соотносить их с общепринятыми ценностями в данном обществе, да и в стране в целом.

2. Осознание своей личной ответственности за свои же поступки, осознание их смысла, отдавать себе отчет за совершение или не совершение каких-либо поступков.

3. Постоянно расширять свой кругозор, толерантное отношение к чужому мнению и взгляду, также иметь свою точку зрения.

4. Готовность и умение менять свое поведение. Уметь приспосабливаться к обществу и окружению.

5. Эмоциональность – уметь управлять ею.

6. Все знания и навыки человека должны служить ему во благо, а не человек им.

С учетом позиций современной теории воспитания и образования зрелость, с нашей точки зрения, представляет собой достоверный социальный критерий качества развития личности на каждом рубежном онтогенетическом этапе. Зрелость как интегральный критерий качества развития личности отражает полифункциональность современной воспитательно-образовательной системы, многомерность модели ее функционирования, конкретизирует

цели и задачи воспитания на каждом возрастном этапе.

От рождения до 35 лет, как указывают многие исследователи (Б.Г.Ананьев, А.А. Бодалев, А.М.Егорычев и др.), – самое благоприятное время для раскрытия всех биологических и социальных программ человека. Именно этот этап является прогрессивным в формировании социальной зрелости личности. 35 лет – это пик интеллектуального, эмоционального, физического, социального и духовного развития. Именно этот период является самым эффективным в плане педагогического воздействия.

Можно ли считать студентов психологически зрелыми?

Студент – слово в переводе с латинского переводится как усердно работающий, занимающийся студентом во многих странах мира называют человека, который обучается в высшем учебном заведении, а в некоторых странах учащегося средне-специального учебного заведения. Почему некоторые студенты усердно занимаются, тогда как другие учиться только лишь для того, чтобы получить диплом о высшем образовании. На этот и на ряд других вопросов мы постараемся ответить.

В студенческом возрасте, на этапе перехода к взрослости формируются основы социальной зрелости. Они являются социально-личностной предпосылкой всякого сознательного поступка или действия, необходимым условием для дальнейшей социализации личности студента и его вхождения в мир взрослых. Степень сформированности зрелости выступает основой для дальнейшей воспитательной деятельности по формированию социально значимых качеств и свойств личности. Результат сформированности основ социальной зрелости личности студента обусловлен его возрастом и характеризу-

ет уровень развития личности, ее способность к оптимальным и адекватным отношениям, взаимодействиям с социальным миром, другими людьми, готовность к личностному и профессиональному самоопределению, ориентацию на творческую, трудовую деятельность, создание семьи, а также повседневное проявление активной социально-политической позиции.

Студенчество – особый период жизни человека. Изучением данной социальной группы занимался Ананьев, в исследованиях Барановой, Дворяниной, Степановой, Фоменко и других накоплен большой опыт изучения студентов. По мнению многих психологов студенчество – это время больших возможностей. Эта социальная группа часто отличается коммуникативностью, Высоким образовательным уровнем, высокой мотивацией, Наивысшей социальной активностью гармонией между интеллектуальной и социальной зрелостью. Некоторые психологи считали студенчество этапом юности, а некоторые считали что это уже ранняя зрелость.

Эрнст Легувье говорил, что воспитание заключается в том, чтобы наши дети могли обходиться без нас. Но, то, что происходит сейчас, наглядно демонстрирует, что мы, взрослые, сами много делаем для того, чтобы наши дети становились инфантильными, безответственными. Тогда получается, что современные родители сами слабо представляют, что же из себя должна представлять психологически зрелая личность.

По утверждению Ананьева данный период является временем развития социальных потенций человека. Высшее образование оказывает большое влияние на психику человека на развитие его личности для успешного обучения в вузе необходимо иметь:

интерес к своей будущей специальному

сти хороший интеллект, восприятие, память, мышление, внимание. А теперь обо всём по порядку.

Каждый из этих факторов благоприятно влияет на процесс обучения в ВУЗе и на формирование и развитие психологической зрелости. Студент может характеризоваться с трёх сторон:

с психологической стороны единство психологических свойств, состояний и процессов. Главное в этом психические свойства, такие как направленность, характер, темперамент, способности – именно от этих свойств зависит нормальное протекание всех процессов. В социальной изучающей общественные отношения, взаимоотношения человека и общества с биологической изучающей тип высшей нервной деятельности, строение анализаторов, рефлексы, инстинкты и другие. Если же изучать студента как личность, о период становления нравственных качеств, стабилизация характера. Психологическая зрелость зависит от уровня интеллекта.

Человек, который поступает в ВУЗ должен обладать определённым багажом знаний и по поднять его в процессе обучения в университете или институте. Также необходимо хорошая память. Полученную информацию нужно как то усвоить и запомнить. Мотивация – играет большую роль в процессе обучения в ВУЗе как человек стремится к своей цели – окончить ВУЗ и работать или отучиться для галочки.

Вывод:

Студенты – будущее любого государства. Они являются опорой для своей страны, поэтому их психологическая зрелость и её становление необходимы для самого человека. Ум, знание, воспитание наших студентов обогащает наше общество, наше государство. С возрастом повышается уровень ответственности за будущее нашей страны. Таким образом каждый студент обязан знать формирование своей психологической зрелости на данном этапе его жизни.

#### xxxxxxxxxxxxx Используемая литература: xxxxxxxxx

1. Адизова Т.М. Психологическая методика изучения личности учащихся в процессе общения. Методическое пособие.–Т.: ТГПУ, 2000 г.
2. Мухина В. С. Изобразительная деятельность ребенка как форма усвоения социального опыта. – М., 1981.– С. 149.
3. Селли Дж Очерки по психологии детства – М , СПб , 1904 – С 312-325.
4. Якобсон П.М. Эмоциональная жизнь школьника. М., «Просвещение», 1966г. .– С. 132.

## SHAXS IJTIMOIYLASHUVIDA IJTIMOIY INSTITUTLAR O'RNI

**G.ALIMOVA,**  
**Nizomiy nomidagi TDPU katta o'qituvchisi**

**Annotatsiya:** Ijtimoiylashuv jarayonlari barkamol avlod tarbiyasida muhim ahamiyat kasb etuvchi omillardan biri hisoblanadi. Ijtimoiy institutlarga – oiladan boshlab, mahalla, rasmiy davlat muassasalari hamda norasmiy uyushmalar, nodavlat tashkilotlari kiradi. Ushbu maqolada shaxs ijtimoiylashuvida ijtimoiy intstitutlar roli haqida so'z yuriladi.

**Kalit so'zlar:** tantiqlik, injiqlik, ijtimoiylashtiruvchi, demografik jarayon, subyektiv omillar, tarbiyaviy zaiflik, shaxsiyatparast, ijtimoiylashuv o'choqlari.

**Аннотация:** Социальные процессы являются одним из важнейших факторов в образовании гармонично развитого поколения. Социальные институты - от семьи к соседству, общественным учреждениям и неправительственным организациям. В этой статье рассматривается роль социальных институтов в социализации человека.

**Ключевые слова:** иррациональность, раздражительность, социализация, демографический процесс, субъективные факторы, слабость образования, личность, фокусы социализации.

**Annotation:** Social processes are one of the most important factors in the education of a harmoniously developed generation. Social institutions - from family to neighborhood, community institutions and non-governmental organizations. This article discusses the role of social institutions in human socialization.

**Keywords:** irrationality, irritability, socialization, demographic process, subjective factors, weakness of education, personality, socialization focuses.

Mamlakatimizda ta'limgardagi sohasida amalga oshirilayotgan tub islohotlar eng avvalo sog'lom ruhiyat tarbiyasi uchun qulay shart-sharoitlarni yaratmoqda. Prezidentimiz tashabbusi bilan amalga oshirilayotgan ishlar ham mohiyatan barkamol avlod tarbiyasini kafolatlash, unga zarur shart-sharoitlarni yaratishga qaratilgan. Bu boradagi asosiy masalalardan biri shaxsning ijtimoiylashuvidir.

Ijtimoiylashuv jarayonlari ro'y beradigan shart-sharoitlarni ijtimoiy institutlar deb ataymiz. Bunday institutlarga oiladan boshlab, mahalla, rasmiy davlat muassasalari (bog'cha, maktab, maxsus ta'limgardagi o'choqlari, oliy ta'limgardagi muassasalari, mehnat jamoalari) hamda norasmiy uyushmalar, nodavlat tashkilotlari kiradi.

Bu institutlar orasida bizning sharoitimizda oila va mahallaning o'rni o'ziga xosdir. Insondagi dastlabki ijtimoiy tajriba va ijtimoiy xulq elementlari aynan oilada, oilaviy munosabatlar tizimida shakllanadi. Shuning uchun ham xalqimizda "qush uyasida ko'rganini qiladi" degan maqol bor. Ya'ni, shaxs sifatlarining dastlabki qoliplari oilada olinadi va bu qolip jamiyatdagi boshqa guruhlar ta'sirida sayqal topib, takomillashib boradi.

Bizning sharoitimizda oila bilan bir qatorda mahalla ham muhim tarbiyalovchi – ijtimoiylashtiruvchi rol o'ynaydi. Shuning uchun bo'lsa kerak, ba'zan insonning qaysi mahalladan ekanligini surishtirib, keyin xulosa chiqarishadi, ya'ni mahalla bilan mahallaning ham farqi bo'lib, bu farq inson

psixologiyasida o‘z aksini topadi. Masalan, bitta mahalladan yaxshi kelin chiqsa, aynan shu mahalladan boshqalar ham qiz qidirib qolishadi. Ya’ni, shu mahalladagi ijtimoiy muhit qizlarning iboli, aqli, sarishtali bo‘lib o‘sishlariga ko‘maklashganligiga ishonch hosil qilinadi. Masalan, aksariyat mahallalarda erta tongda turib ko‘cha-hovlilarni supurish odatga aylangan va barcha oilalar shu udumni buzmaydilar. Shunga o‘xhash odatiy tizimlar har bir ko‘cha-mahallaning bir-biridan farqi, afzallik va kamchilik tomonlarini belgilaydi, mahallada katta bo‘layotgan yoshlar ijtimoiylashuvida bevosita ta’sirini ko‘rsatadi. Olimlarning ta’kidlashlaricha, oilaning asosiy vazifasi insonning ijtimoiy, iqtisodiy va demografik jarayonlar bilan aloqasini mustahkamlaydi. O‘zbek oilasi shaxsning ma’naviy shakllanishida noyob, boshqa hech bir muhitda bo‘lmagan imkoniyatlarga egadir.

Shu bilan birga oila jamiyat ijtimoiy hayotidagi o‘zgarishlardan tez ta’sirlanadi. Shu bois, keyingi vaqlarda ayrim iqtisodiy qiyinchiliklar sabab ba’zi oilalarda uncha-muncha salbiy holatlar yuz ko‘rsata boshladi. Shunday holatlardan biri moddiy boylikning ma’naviy boylikdan ustun qo‘yilishidir.

Shaxsning ma’naviy shakllanishiga salbiy ta’sir etuvechi ikkinchi tur omil subyektiv omillardir. Ular oiladagi ma’naviy, tarbiyadagi zaiflik natijasida yuzaga keladi. Ma’naviy, tarbiyaviy zaiflik esa hayotda turli ko‘rinishlarda namoyon bo‘ladi.

Oilaviy tarbiyada yo‘l qo‘yiladigan xato va kamchiliklar orasida eng ko‘p tarqalganlari quyidagi ko‘rinishlarda namoyon bo‘ladi:

- bolalarni me’yordan ortiq erkalash;
- ularning injiqliklari va tantiqliklariga erk berib qo‘yish;
- me’yordan ortiqcha qulayliklar yaratish;
- ijtimoiy foydali bo‘lgan muayyan burchlarni bajarishdan, hatto kuchi yetadigan mehnatdan ozod qilish;
- ehtiyojlarni cheksiz ravishda qondirib

borish;

- shaxsiyatparast, dangasa qilib tarbiyalash va hokazo.

Tarbiya borasidagi salbiy odatlardan yana biri, ota-onaning farzandlar oldidagi burchini ochiq-oydin bajarmasligidir. Bunday oilalarda mutlaqo tarbiya bo‘lmaydi, farzandlar o‘z holiga tashlab qo‘yiladi. Bolalar qarovsiz qoladi. Oxir-oqibatda ularning nazoratsiz qolishga, duch kelgan shaxslar bilan tanishishga, turli xil salbiy yo‘nalishga ega bo‘lgan odamlar yoki guruh ta’siriga tushib qolishiga sabab bo‘ladi.

Maktab, litsey va kasb-hunar kollejlari ham muhim ijtimoiylashuv o‘choqlari hisoblanadi. Aynan shu yerda ijtimoiylashuv va tarbiya jarayonlari maxsus tarzda uyg‘unlashtiriladi.

Bizning ijtimoiy tasavvurlarimiz shundayki, maktab, litsey va kasb-hunar kollejlarini biz bola ta’lim oladigan, bilimlar tizimini o‘zlashtiradigan maskan sifatida qabul qilamiz. Aslida bu yer ijtimoiylashuv jarayoni yuz beradigan maskandir. Bu yerda biz “Ma’naviyat darslari”, “Etika va psixologiya” kabi tarbiyalovchi fanlarni nazarda tutmayapmiz. Gap har bir darsning, umuman ta’lim maskanlaridagi shart-sharoitlar, umumiy muhitning tarbiyalovchi roli haqida. Masalan, dars paytida o‘qituvchi butun diqqati bilan yangi darsni tushuntirish bilan band deylik. Uning nazarida faqat dars, mavzuning mazmuni va undan ko‘zlangan maqsad asosiyday. Lekin, aslida, ana shu jarayonda o‘qituvchining o‘zini qanday tutayotganligi, kiyim-boshi, mavzuga subyektiv munosabati, qolaversa, butun sinfdagi o‘quvchilarga munosabati hamma narsani belgilovchi, ijtimoiy tajriba uchun muhim ahamiyatga ega bo‘lgan omildir. Shu nuqtai nazardan o‘quvchilar didi, talablariga javob bergan o‘qituvchi bolalar tomonidan tan olinadi, aks holda o‘qituvchining ta’siri faqat salbiy ta’sir va natija beradi.

Xuddi shuningdek, sinfda shakllangan muhit ham bolaning ijtimoiylashuvida katta rol o‘ynaydi. Ba’zi sinflarda o‘zaro hamkorlik, o‘rtoqchilik munosabatlari yaxshi yo‘lga qo‘yilgan, guruhda ijodiy munozaralar va bahslar uchun qulay sharoit bor. Bu muhit tabiiy o‘z a’zolarining ijtimoiy xulqini faqat ijobjiy tomonga yo‘naltirib turadi.

Yana bir muhim ijtimoiylashuv muhiti – bu mehnat jamoalaridir. Bu muhitning ahamiyati va o‘ziga xosligi shundaki, bu yerga shaxs odatda ancha aqli pishib qolgan, ma’lum tajribaga ega bo‘lgan, hayot haqidagi tasavvurlari shakllangan paytda keladi. Qolaversa, egallangan mutaxassislik, orttirilgan mehnat malakalari va bilimlar ham juda muhim bo‘lib, shu muhitdagi ijtimoiy normalar xarakteriga ta’sir qiladi. Lekin, baribir shaxsning kimlar bilan, qanday o‘zaro munosabatlar muhiti ta’sirida ekanligi uning yetuklik davridagi ijtimoiylashuvining muhim mezonlaridandir. Shuning uchun ishga kirishdagi asosiy motivlardan biri – o‘sha jamoaning qanday ekanligi, bu yerdagi o‘zaro munosabatlar, rahbarning kimligi va uning jamoaga munosabati bo‘lib, ko‘pincha oylik-maosh masalasi ana shulardan keyin o‘rganiladi. Shuning uchun mehnat jamoalarida yaxshi, sog‘lom ma’naviy muhit,adolat va samimiyatga asoslangan munosabatlar har bir inson taqdirida katta rol o‘ynaydi.

Katta yoshdagagi ijtimoiylashuvning o‘ziga xosligi shundaki, unda individualizatsiya jarayoni aniqroq, sezilarliroq kechadi. Chunki katta odam nafaqat tashqi ta’sirlarni o‘zlashtiradi, balki o‘zidagi iqtidor, malakalar, hayotiy tajribasi bilan boshqalarga ham tarbiyaviy ta’sir ko‘rsatadi, amalda yoshlarga shaxsiy o‘rnak ko‘rsatish imkoniga ega bo‘ladi. Shu nuqtai nazardan, qarilikning ijtimoiy mohiyati shundaki, ota-bobolarimiz, onaxonlarimiz asosan o‘zlaridagi mavjud ijtimoiy tajribani boshqalarga (farzandlar,

nabiralar, mahalladagi yoshlari va hokazo) uzatish bilan shug‘ullanadilar va bu narsa ayniqsa, Sharq xalqlarida juda e’zozlanadi.

Xalqimizdagi “qari bilganni pari bilmas” degan naql ham bobolar va momolar o‘gitlarining tarbiyalovchi mohiyatini aks ettiradi. Shu sababli ham mustaqil yurtimizda qariyalar e’zozlanadi, mahallaning boshqaruv roli kun sayin oshirilmoxda, oila-tarbiyaning bosh o‘chog‘i sifatida davlat himoyasida bo‘lib kelmoqda. Bu mustaqil davlat yoshlari yangicha tafakkur va ongning shakllanishiga, yurtga sadoqat, vatanparvarlikning rivojiga o‘z hissasini qo‘sadi.

Ijtimoiylashuv jarayonida shaxs faoliyatini yo‘naltirib turadigan va aniq vaziyatlarga nisbatan turg‘un, barqaror motivlar majmuiga ega bo‘lishlik shaxsning yo‘nalganligi asosida amalga oshiriladi.

Bilish ehtiyojlarini shaxs tomonidan qondirilishi uning bilimlaridagi uzilishlarini to‘ldirishga, ta’lim vaziyatlariga to‘g‘ri moslashishga hamda ularni tushunishga zarur imkoniyatlar yaratadi va yordam beradi.

Shaxs psixik taraqqiyotining harakatlantiruvchi kuchlari insonning hayot faoliyati davomida o‘zgarib turuvchi ehtiyojlari bilan ularni qondirishning haqiqiy imkoniyatlari o‘rtasidagi qarama-qarshiliklar bo‘lib hisoblanadi. Bular to‘g‘risida jahondagi ilmiy psixologik adabiyotlarda bir qator qimmatli va boy materiallar mavjuddirki ular bugungi kunda ijtimoiy psixologiya fanining rivojlanishiga xizmat qilmoqda.

Shaxs taraqqiyotida o‘z-o‘ziga bahoning shakllanishi va shunga aloqador vaziyatlarning barqarorlashuvi, jamiyatning axloq normalarini o‘zlashtirish uchun senzitiv - qulay bo‘lishini nazarda tutganda, bu yoshdagagi o‘quvchilarni maxsus dasturlar vositasida ijtimoiy hayotga tayyorlash davlat ahamiyatiga molik vazifadir.

O‘tkazilgan tadqiqotlar shaxsning ijtimoiy shakllanishini tezlashtiruvchi

omillar borligini, bu omillar tabiatan ijtimoiy psixologik ekanligini isbotladi.

Maxsus rolli o‘yinlar, senzitiv treninglar ana shu maqsadga xizmat qiluvchi psixologik vosita bo‘lib, uni har bir yosh davriga mos tarzda qo‘llashga pedagoglarni o‘rgatish zarur.

Jamiyatimizdagi islohotlarning tezlasuvi, yuksak axloqli, ma’naviyatli, yetuk mahoratlari yoshlarni tarbiyalashda ana shu kabi ijtimoiy psixologik omillar kompleksini bilish va ulardan psixologik ta’sir vositasi sifatida foydalanish – kelajakdagagi istiqbolli yo‘nalishlardandir.

Bu borada quyidagilarni tavsiya etish mumkin.

Qishloq va shahar xududida shaxslarni rivojlantirish va ijtimoiylashuvi shakllangan sifatlarni barqarorlashtiruvchi, kuchaytiruvchi funksiyalarni bajaradigan ijtimoiy institutlar hamkorligini rivojlantirish zarur.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari tarbiyasi bilan shug‘ullanuvchilarining ijtimoiy tasav-

vurlarini to‘g‘ri shakllantiruvchi bilim, malaka va ko‘nikmalar bilan qurollantirish maqsadga muvofiq.

Tobe shaxsli bolalarni rag‘batlantirish maqsadga muvofiqli, ularni maqtab turish, gapirayotganda ko‘zlar, yuz ifodalari bilan ularni ruhan qo‘llab turish kerak.

Shaxs ijtimoiylashuvining eng asosiy mahsuli – bu uning hayotda o‘z o‘rnini topib, jamiyatga manfaat keltiruvchi faoliyatlarda ishtirok etishidir. Shuning uchun shaxsni mustaqillikka o‘rgatish va o‘ziga ishonch tuyg‘usini takomillashtirish usullaridan kengroq foydalanish zarur.

Ijtimoiylashuv shakllanishi uchun eng qulay holat bu o‘zaro muloqot va ijtimoiy muhit bo‘ladi. Shuning uchun shaxsning bevosita ijtimoiy muloqotga kirishishini ta’minalash, barcha ijtimoiy omillar maqsadga yo‘naltirilishi zarur.



### Foydalanilgan adabiyotlar:



1. O‘rta maxsus kasb-hunar ta’limi tizimida amaliy psixologlar xizmati to‘g‘risidagi Nizom. Tuzuvchilar: M. G. Davletshin, F. I. Xaydarov, Z. T. Nishonova, A. Abduqodirov. Nizomiy nomidagi TDPU, 2002.
2. Karimova V .M. «Ijtimoiy psixologiya va ijtimoiy amaliyot». -T.: Universitet, 1994.
3. Karimova V. M. «Ijtimoiy psixologiya asoslari». -T.: «O‘qituvchi», 1994
4. Goziyev E. Psixologiya. -T.: 1994.

# ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИ ЎЗ ПСИХИК ҲОЛАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАҲОРАТИ ХУСУСИДА

**А.НИСАНБАЕВА,  
Низомий номидаги ТДПУ доценти**

**Аннотация:** Ушбу мақолада педагогик фаолият жараёнида ўқитувчининг психик ҳолатини ўзи тартибга солиш маҳорати, юзага келган педагогик вазиятларда тұғри ечим топиш йүллари ва методлари хусусида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** вазминлик, ҳис-туйғу, ноҳуш ҳиссиётлар, жаҳлдорлик, кескинлик, ҳиссиётларини жиловлаш, жисмоний ҳаракатлар, «борди-ю».

**Аннотация:** В этой статье обсуждается умственное состояние образования учителя в процессе педагогической деятельности, пути и средства решения проблем в педагогических ситуациях.

**Ключевые слова:** темперамент, чувство эмоции, плохое предчувствие, агрессивность, резкость, контролировать чувства, физическая активность, «идти».

**Annotation:** This article discusses the mental state of education of teachers in the process of pedagogical activity, ways and means of solving problems in pedagogical situations.

**Keywords:** temperament, feeling, bad feeling, aggressiveness, sharpness, control feeling, physical movements, "go."

Сабр-тоқат, ташқи вазминлик нұқтаи назаридан ўз ҳис-туйғуларини қўлга олиш ниҳоятда муҳим бўлиб қолмасдан, турли ҳиссиётлар, ҳолатларнинг рўй бериши ва кечишини маълум даражада бошқара билиш, кечинмаларнинг ижобий тусда бўлишига эришиш ҳам муҳимдир. Чунки ҳатто жанжалли вазиятларга ҳам турлича ёндашиб мумкин. Бу кўп жиҳатдан кишининг юзага келган вазиятда қандай йўл тутишига боғлиқ бўлади.

Ноҳуш ҳиссиётларни йўқотиши ёки камайтиришга, масалан, қуидагича йўл тутиш ёрдам беради: менга осойишта, дадил овоз билан дарс олиб бориш, тарбиявий тадбиirlар ўtkазиш, сабр-тоқат ва ўзини тута билиш намунасини кўrsatiш, талабалар гурухида жанжалли вазият чиқиб қолгудай бўлса, сабр-тоқат ва хушмуомаликни намоён қилиш, асабийлашаётган,

қизишаётган, қадр-қимматини, ҳурматини йўқотаётган кишидан юқори туриш.

Ўқитувчи бу вазиятларда қандай йўл тутиши ва бундай ҳолатларда нималар рўй бериши мумкин?

Шундай ўқитувчилар учраб турадики, улар ўзларини мутлақо ҳар хил тутадилар масалан, бошлиққа ёки бўйсунувчи кишига нисбатан қандай йўл тутишларига қараб, турли ҳиссиётларни бошдан кечирадилар. Бундай киши бошлиқ билан бўлаётган сухбат унчалик ёқимли бўлмаётган чоғда ҳам одатда анча вазмин, хушмуомала бўлади, мулойим кулади. Бўйсунувчи кишига нисбатан (ўқитувчи эса ўқувчига нисбатан) холисона олиб қараганда анча осойишта шароитда ҳам «қизиша» бошлайди, асабийлашиб, ҳаяжонланади. Кўпинча ўзидан қўрқадиган ва чўчийдиган одамлар олдида шундай қиласи.

Баъзи болалар катта бўлгач, кекса ота-оналарига мутлақо тоқат қилолмайдилар, айниқса, ота-оналар уларга моддий жиҳатдан боғлиқ (қарам) бўлиб, ўзларини ночор сезсалар, болаларнинг яхши муомаласидан, меҳр-муҳаббатидан маҳрум бўлиб қолишдан жуда хавотирланиб, ўзларини мулозаматли тутсалар, ўзларининг ёмон эшитишлари, хотиралари заифлиги ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган камчиликлардан кексаларча чўчисалар шундай қиласидилар. Лекин шу болалар айни вақтда ўз ота-оналарини севадилар, ҳатто ўз қилиқларидан жирканадилар ҳам. Аммо ота-оналарига нисбатан пайдо бўлган тажовузкорлик йўлини тутиш ҳиссиётли чайқалишларга, жанжалларга, кераксиз жаҳлдорликка, муомаладаги кескинликка сабаб бўлади.

Киши етарли даражада маданиятли бўлмаса, бунинг устига, ўзини онгли равишда назорат қилмаса, ўзидан қўрқишаётганини кўрса, унда жўшқин тажовузкорлик йўлини тутиш хисси пайдо бўлади. Шу билан бирга, онгли равишда вазмин, ўйланган, муносиб хулқ-атворли бўлиш йўлини тутиш ўз ҳиссиётларини жиловлай билишга, улардан энг ноҳуш ҳиссиётлар: ғазаб, жаҳл ва шу кабиларга барҳам беришга, уларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Педагогик фаолиятда ўз-ўзини назорат қилиш асосий ўринда туради. Инсон ўзини ёмон ҳис қилганда, унда ўз-ўзини назорат қилиш заифлашиб қолади, унинг хулқ-атвори вазмин бўлмай қолади, ҳар хил беихтиёр ва ўйланмаган хатти-ҳаракатлар, жанжаллар, ахлоқий меъёларнинг бузилиши содир бўлиши мумкин. Ўз-ўзига таъсир қилиш ҳиссий жараёнларнинг ижобий ҳолатига, кишининг саломатлиги яхши бўлишига ёрдам беради, унинг иродаси ва феъл-атворига билвосита таъсир кўрсатади.

Маълумки, ўз-ўзига таъсир қилиш ҳар қандай ҳолатда ҳам ижобий ҳиссий ҳолатни сақлаб қолишининг фақат ёрдамчи воситаси ҳисобланади. Кўнгил хотиржамлигининг энг муҳим шарти – ақлий ва жисмоний меҳнат, билиш ва яратувчилик жараёнларидан шод бўлиш, ўзининг ўқитувчилик фаолияти натижаларидан зўр қоникиш ҳосил қилишdir.

Ўқитувчининг эмоционал кайфияти фаолиятга ҳозирлик кўриш жараёнида, уни амалга ошириш даврида, муомала амалга ошгандан кейинги ҳис қилинадиган сезгиларда ва кечинмаларда муҳим рол ўйнайди. Шу тариқа, биз қасбий-педагогик муомалани амалга ошириш учун жуда муҳим бўлган педагогнинг психик ҳолати ва уларни фаолият ҳамда муомала жараёнида бошқариш муаммосига яқинлашиб келяпмиз.

Қасбий – педагогик муомала жараёнида ижобий кайфиятни бошқариш муаммолари ниҳоятда муҳимдир. Дарсга бўлган психологик рағбат, синф билан бўладиган муомалага рағбат, ўзаро фикр алмашиш деган илҳомнинг вужудга келиши ва амалга оширилиши мураккаб жараёндир. Дастрлаб педагогнинг мустақил психологик йўл тутиши асосида, унинг педагогик ишга муносабати уни жалб қиласидиган бўлажак фаолияти материалига муносабати натижасида, болалар билан бўладиган муомаладан қоникишни олдиндан ҳис қилиш асосида вужудга келадиган илҳом синф билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш пайтида худди ана шу бевосита алоқага муҳтож бўлади, бевосита муомала асосида ривожланади ва мустаҳкамланади. Педагогнинг ўзаро фикр алмашишидаги кайфияти унинг умумий фикр алмашиш маданияти даражасига, энг асосийси, унинг шахсининг қасбий-педагогик йўналиши даражасига, болалар билан ишлаш истагига, шу билан бирга, педагогнинг

касбий-ахлоқий йўл тутиши билан боғлиқ бўлади.

Педагогнинг болалар билан муомаладаги ижобий кайфияти ўқитувчининг ижодий индивидуаллигининг ўзига хослиги, ўкувчилар жамоасининг хусусиятлари, фаолият шароитлари ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган кўп қиррали жараёндир. Педагогнинг муомаладаги кайфияти педагогик таъсир кўрсатишнинг обьектлари – субъектлари бўлган ўкувчиларнинг ижодий кайфияти билан кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунинг устига, ўқитувчининг мустақил психологик йўл тутиши асосида вужудга келадиган ижодий кайфият унинг синф билан ўзаро ҳамкорлиги пайтида айнан ўкувчилар билан узвий муомалага асосланади, бинобарин, ўкувчилар жамоасининг ижодий кайфиятига муқаррар ра-вишда таянади.

Болалар билан бевосита муомала-да ижодга аниқ рағбат билдириш мураккаб бўлиб, ҳар бир ўқитувчида ўзига хос тарзда кечади. Педагогларнинг кўпчилиги бўлажак дарсга психологик рағбатни мунтазам равишда амалга ошириб турадилар, болалар билан учрашувга психологик жиҳатдан тайёргарлик кўрадилар. Педагог ижодий кайфиятни вужудга келтириш учун амалга оширадиган психологик ишнинг йўналишлари хилма-хил бўлиб, унинг ақлий томонларини ҳам, ҳиссий томонларини ҳам қамраб олади. Бу – дарсни фикран бошдан кечиришга интилиш, тад-бир ва бўлажак муомаладан иборат бўлиб, унинг мумкин бўлган шаклларини олдин-дан айтиб бериш ана шу иш орқали зарур ижодий кайфиятни вужудга келтиришдир, у бўлажак фаолиятни ҳис қилиб қўришга, унга ҳиссий жиҳатдан берилишга ёрдамлашади. Бундай ишни амалга ошириш муқаррар равишда фаолият (дарс, тадбир) материалига ўзининг ҳиссий муносабати-ни янгилаш билан боғлиқдир. Бу янгилаш

баъзан таниш бўлади, чунки материални бундай янгилаш асосида идрок қилмасдан фаолиятнинг ўзига маҳлиё бўлиш қийин.

Педагогнинг ижодий иш жараёни учун дарс материалини ўзининг шахсий тажрибаси билан қиёслашга интилиш ибратлидир, бу тажриба материални ҳиссий янгилашга, ундаги янги боғланишлар ҳамда воситаларни қўришга ёрдам беради. Бундай интилиш, айниқса, гуманитар мутахассисликлар вакилларига хосдир. Чунки таҳлил материали, айтайлик, адабий асар материали педагог томонидан шахсан чуқур воситаланган, тарихчининг ҳаяжонли ҳикояси каби бошдан кечирилган бўлиши, унда Ватанимиз ўтмишининг болалар қалбига яқин манзаралари сези-ларли равишда жонланиши лозим. Кўпгина ўқитувчиларга шу нарса хоски, улар шахсдан ташқари тажрибага, табиийки, шахсан воситаланган тажрибага интила-дилар. Педагог ижодий кайфият излаб, жон-дили билан ўз билимларига, методик тавсияларга, ўқиган ва кўрган нарсаларидан олган таассуротларига таянади, улар фаолият материалларини янгилашга ёрдам беради.

Педагогнинг ижодий кайфиятини бошқаришнинг алоҳида бир муҳим муаммоси бундай кайфиятни бевосита фаолият олдидан чақириш ва сафарбар қилиш но-ижодий кайфиятни енгиш ҳисобланади.

К.С.Станиславский тизими асосида педагогнинг ижодий жараёнини ўрганиш шунга ишонч хосил қилдирадики, ижодий кайфиятни, айниқса, бевосита инсоний муомала билан боғланган ижодий фаолият турларида сафарбар қилиш учун «жисмоний ҳаракатлар» усулини қўллаш жуда ис-тиқболли бўлиб, у ҳақида алоҳида фикр юритиш зарурдир. Бу усулининг моҳияти «Муайян ҳиссий ҳолатга хос бўлган, кишида бу ҳиссиётларнинг ўзи келтириб чиқаришга қодир бўлган жисмоний ҳара-

катларни бажаришдан иборат бўлиб, мазкур ҳиссиётларни ана шу ҳаракатлар тақозо қиласди» (Шу нарсани эсга олайлик: биз ҳаяжонимизни енгмоқчи бўлсак, бирмунча тўхтаб, нафасимизни ростлашга, секинроқ ҳаракат қилишга интиламиз, яъни шундай ҳаракат қиламизки, худди мутлақо хотиржам пайтимизда қандай бўлсак, ўзимизни шундай тутамиз, натижада ҳаяжонланиш аста-секин ўтиб кетади).

Айтайлик, дарсга тайёрланган, тадбирни ва шу кабиларни ҳозирлаган педагогнинг бугун синфда ишлаш истаги йўқ – шунчаки ёмон кайфиятда. Бу ўринда жисмоний ҳаракатлар усули қандай ёрдам берар экан? Бундай ҳолатда «борди-ю» сеҳрли сўзи ёрдамга келиши лозим. «Борди-ю, мен яхши кайфиятда бўлганимда, бундай бўлиши мумкин эди: мен эпчил, тетик одим ташлаб синфга кирамдим. Самими саломлашардим...» Айни вақтда педагог яхши кайфиятда бўлган ўзининг – педагогнинг хатти-ҳаракатлари бутун мантиқини жисмонан тақрорларди, бу ҳолатга чинакамига ишониши керак. Ўзидан кайфиятни сиқиб чиқариш керак эмас, балки изчил ҳаракат қилиш керак. Ҳаракатлар ҳамиша ҳам бизнинг назорат қилишимизга бардош беравермайди ва секин-аста диққатни ишга жалб қиласди, бегона таъсирлардан ҷалғитади, бизни зарур ҳис-туйғуга, бу ўринда ижодий кайфиятга олиб келади. Бир ёш ўқитувчининг ўз устида олиб борган кузатишини келтириб ўтамиз:

«...Бугун эрталабдан кайфиятим ёмон эди. Ҳеч нарса қилгим, айниқса, дарс бергим келмасди. Мактабга қўнғироқ чалинишидан икки дақиқа олдин келдим, ўқитувчилар хонасида у ёқ-бу ёғимга қараб олгунимча кириш вақти бўлди. Ўқитувчилар хонасидан чиқишим билан кайфиятим яхши, жуда дарс бергим келяпти, синфда мени кутишяпти – мен уларга ке-

ракман, деган қарорга келдим. Мен энди йўлак бўйлаб тетик, дадил қадам ташлаб боряпман, ўзим жуда самимийман, саломлашаман ва болаларга табассум қиласман, мен кўп нарса қилишим керак, хавотирдаман, бугун ўтадиган мавзуум қийин, лекин қизиқарли. Ўзим билан бирга кўпгина қизиқарли ва фойдали нарсалар олиб келганман. Ҳаммаси яхши бўлади. Синфга кираман, тетик ва дадил: «Салом, болалар» дейман. Ўтирамиз. Болалар ҳам файратли, озода кийинишган. Дарс бошланди, ўзимнинг «борди-ю» деган сўзимни қачон ташлаганимни ва дарсга берилиб кетганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Ўзимни жуда яхши ҳис қилдим, кайфиятим ёмонлигини ва уни енгиш кераклигини унутиб юбордим. Ҳаммаси ажойиб бўлди.

«Жисмоний ҳаракатлар» усулидан фойдаланишда «борди-ю» вазиятида таклиф этиладиган ҳолатларнинг янгилиги ҳиссий қўзғалишларнинг қудратли воситасидир. Бир вақтлар қабул қилинган «борди-ю» сўзини ҳар гал тақрорлайвериш керак эмас, балки уни янги вазифалар, нозик фарқлар, товланишлар билан очиб беришга ҳаракат қилиш, ҳар гал жозибадорроқ қилиш керак. Табиийки, бу «жисмоний ҳаракатлар» мавзууни, синфи яхши билишга, дарсни тайёрлаш соҳасидаги бутун дастлабки ишга, хусусан маҳроқли вазифалар қўйишга таъсир қилиши лозим.

Педагогик ижодкорликда «жисмоний ҳаракатлар» усулини рўёбга чиқаришнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у педагогга фақат бевосита ижодкорлик (одамлар билан муомала) бошланишидан олдин ўзининг ижодий табиатини сафарбар қилишнинг воситаси сифатидагина зарурдир, кейин эса «борди-ю» ҳолатидаги «жисмоний ҳаракатлар» мантиқи ижодкорлик вазияти билан чинакамига маънавий мойилликка секин-аста ўтади, энди

«борди-ю» ҳолатида эмас, балки синф билан ҳақиқий мұомалада бўлади.

Муомалада ижодий кайфиятни шакллантириш мураккаб жараёндир. Бу ерда кўпинча педагог зўриқиши туйғусини бошдан кечиради, буни педагогик ижодкорликнинг омма ўртасидаги фаолият, ўзгариб борувчи ижодкорлик ҳолати, ўзининг психик ҳолатларини бошқариш зарурлиги, меҳнатнинг ўзаро фикр алмашиш жиҳатидан бойлиги каби хусусиятлари тақозо қилинади.

Педагогик ижодкорлик ва муомала жа-  
раёнида вужудга келадиган бу зўрикишни,

шунингдек, бошқа нохуш ҳолатларни енгиш учун ўз-ўзини тарбиялаш юзасидан доимий иш олиб бориш зарур. Ўз-ўзига таъсир қилишнинг бир қатор усувлари мавжуд бўлиб, улардан энг муҳимлари қуидагилардир: Ўз-ўзини ишонтириш, ўз-ўзига буйруқ бериш, ўз-ўзини мажбур қилиш, ўз-ўзига мажбурият юклаш, ўз-ўзини рағбатлантириш, ўз-ўзини жазолаш, ўз-ўзини машқ қилдириш, ниҳоят ўз-ўзиға таъсир қилишдир. Энг муҳими, ўзига ишонч ва хоҳиш бўлса кўзланган натижага эришиш мумкин.

1. Жалилова С.Х., Хайдаров Ф.И., Халилова Н.И. Касб психологияси. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2010.
  2. Ясько Б.А. Психология личности в профессии. – Краснодар: Изд-во института им.К.В. Россинского, 1998.
  3. Якунин В.А. Педагогическая психология. Санкт-Петербург, 1998, – С.327 .

# ЎҚУВЧИЛАРДА КАСБ-ХУНАР ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Д.АБДУРАХИМОВА,**  
**Низомий номидаги ТДПУ доценти**

**Аннотация:** Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги болаларда касб-хунар ҳақидаги тушунчаларни шакллантиришда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш йўллари ва улардан кутиладиган натижалар тўғрисида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** дехқончилик, чорвачилик, дурадгорлик, боғдорчилик, каштачилик, тўқувчилик, номус, фазилат, улуғлик, матонат, файз-камол, мақол, топишмоқ ва эртаклар.

**Аннотация:** В этой статье рассматривается пути использования образцов устного народного творчества в формировании профессионального образования у детей дошкольного возраста и их ожидаемый результат.

**Ключевые слова:** земледелие, животноводство, столярные изделия, садоводство, вышивка, ткачество, честь, добродетель, великолепие, гадалки, файс-камол, пословицы, головоломки и сказки.

**Annotation:** This article discusses ways to use samples of oral folk art in the formation of vocational education in children of preschool age and their expected result.

**Key words:** farming, animal husbandry, carpentry, gardening, embroidery, weaving, honor, virtue, splendor, fortune-tellers, face-kos, proverbs, puzzles and fairy tales.

Бола оилани мустаҳкамловчи асосий восита, улуғ неъмат ҳисобланади. Унинг келажакда ким бўлиб улғайиши ҳам бевосита оилада ва мактабгача таълим муасасаси, бошланғич синфларда олган таълим-тарбияси, парвариши ва унинг илм, касб-хунар ўрганишига бўлган эътиборга боғлиқдир.

Халқимиз асрлар давомида ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлашга алоҳида эътибор берди. У ўз ҳаётида турмуш кечириш учун ишлаб чиқариш воситаларини яратиш зарурлигини, турмушда ўз талабини қондириш учун хунар эгаллаш, меҳнат қилиш кераклигини англайди. Касб-хунарнинг моҳиятини шу маънода англаш қадимги жамиятга хос асосий хусусият бўлди. Давр ўтиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзгаришлар юз бериши натижасида ақлий меҳнат тарбияси жисмоний меҳнат

тарбиясидан ажралди, натижада меҳнат ва меҳнат тарбиясига муносабат ҳам ўзгарди, болаларни турли жисмоний меҳнатга тайёрлаш биринчи ўринга қўйилди.

Инсон ва жамиятнинг яшаши, барқарорлиги учун меҳнат қилиш, меҳнатни севиш хунар эгаллаш – киши камолотининг меъёри бўлди, меҳнатда иштирок этиш саломатлик воситаси ҳисобланди. Бу гоя халқ яратган «Меҳнат – фароғат чироғи», «Иш – инсоннинг гавҳари», «Дараҳт япроғи билан кўркам, одам меҳнати билан», «Одами меҳнат безайди», «Меҳнат ҳурматнинг тожи», «Ер хазина, меҳнат калити», Йигит хусни меҳнатда» каби мақолларда ўз ифодасини топди.

Донишмандлар фикрича, касб-хунар эгаллаш, меҳнат қилиш инсонни уч балодан: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтожлиқдан сақлайди. Меҳнат

қилмаганларга, меҳнатни севмаганларга муносабатларни «Бекорчидан худо безор», «Текинхўрга шафқат йўқ», «Бахт ялқовга бегона» каби мақолларида, «Меҳнатни севмаган ялқов киши ҳар турли ноқобил ишлардан тортинмайди» каби ҳикматларда кўриш мумкин. Ёш авлодга ҳунар ўргатиш, ҳунарни севиш, қадрлаш каби тушунчаларни ўзбек халқ эртакларидан бири бўлган “Уч оға-ини ботирлар” эртагидаги доно, кўпни кўрган, фарзандларини ўз ҳунари, ҳалол меҳнати орқали вояга етказган отанинг ўғилларини узоқ сафарга отлантираётган вақтидаги ўғилларига қилган насиҳати мисолида ҳам янада равshan кўришимиз мумкин.

– Ўғилларим, мендан ортиқ нарса умид қилиб ўтирунглар, ўзимдан кейин баҳтсиз бўлиб қолманглар, деб сизларга яхши исм қўйдим, ўқитдим, ҳунар ўргатдим, вояга етказдим... Соғлом вужудли қилиб тарбияладим, қувватли бўлдингизлар... Қўрқитмай ўстирдим – ботир бўлдингизлар. Яна учта нарсани айтаман: қулоқларингизга олиб, ёдингиздан чиқарманглар. Тўғри бўлинглар – бехавотир бўласиз. Мактанчоқ бўлманглар – ҳижолат тортмайсизлар. Дангаса бўлманглар – баҳтсиз бўлмайсизлар...

Сафар чоғида уч оға-ини ботирлар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан кўп муваффақиятларни қўлга киритадилар. Ўз ҳунарлари, ҳалол меҳнатлари билан умр ўтказишни бир юртнинг подшолигидан афзал кўрадилар.

– Подшоҳ уч оға-инидан шу юртда қолишиларини, давлат бошқаришиларини ялиниб-ёлвориб сўради. Оға-инилар қабул қилмадилар.

– Биз сарой кишиси бўлолмаймиз. Биз меҳнат билан, ҳунар, меҳнат билан яшаймиз, – дедилар.

Ота насиҳати – дуосини олиб сафарга чиққан уч ўғил ўзга юртларда кам бўлмай-

ди. Ўзларининг камтаринликлари, ҳалол, покликлари, энг асосийси эгаллаган ҳунарлари билан катта обрў-эътибор қозонадилар, баҳтиёр бўладилар.

Ҳаётни меҳнатсиз тасаввур этиш мумкин эмас, албатта. Ҳар бир одам ўзи учун эмас, балки келгуси авлод учун ишланиши керак, ҳалқнинг ҳалол меҳнат ҳақидаги бу ғоялари «Ҳаракатинг эрта бўлса, кузда эрта ўрасан», «Меҳнатингни ҳалол қилсанг, ҳузурини кўрасан» каби мақол ва «Мушкулликлардан ҳаёт эмас, фақат тадбир ва меҳнат кутқазади», «Бахтли бўлиш меҳнатни севиш ва роҳатни меҳнатда кўришдир» сингари ҳикматларида ифодаланади.

Ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда, уларда меҳнатга қизиқиши туйғусини камол топтиришда, ота-оналар изидан бориб турли дехқончилик, чорвачилик, дурадгорлик, боғдорчилик, каштачилик, тўқувчилик каби ҳунар эгалари бўлишлари муҳим аҳамият касб этади. Касб – ҳунар эгалари бўлган ота-оналар ўз фарзандларини амалий меҳнатга тайёрлашни, уларга меҳнат малакасини ва турли ишларни бажариш қобилиятини шакллантириш ва камол топтиришни, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашни ўзларининг асосий бурчлари деб билганлар. Улар меҳнат тарбияси жараёнида ҳаёт кечириш учун меҳнат қилиш зарурлигини ёшлигидан болаларига уқтирганлар, булар билан ўтказган сухбат ва мулоқотларида меҳнат мавзуси биринчи ўринда турган. Боболаримиз: «Меҳнат ғайрат – фазилатнинг қўриқчисидир», деганлар. Чиндан ҳам шундай. Номус, фазилат ва улуғлик кўз қорачиғи каби қимматли хазинадир. Бу хазина фақат матонат соясида қўлга киритилади.

Халқимиз турли ишни муваффақиятли бажариш учун фақат меҳнат қилиш малакасини эгаллаш кифоя қилмаслигини бил-

ган ҳолда ҳар бир боланинг меҳнатга чин кўнгил билан муносабатда бўлишга, топшириқларни сифатли бажаришга, меҳнатда қатъиятли ва сабрли бўлишга, бу хусусиятларни эгаллаш болалар учун асосий конун бўлиб қолишига эътибор берган. Бу хусусиятлар моҳиятини болалар онгига сингдиришда оталар: «Сени иш енгмасин, сен ишни енг», «Ёшликда ўрганган ҳунар, ўзингга ўлжага қолар», «Кунт билан ўрган ҳунар, ҳунардан ризқинг унар», «Сендан ҳаракат – мендан баракат» каби мақоллар ижод этганлар, шу билан бирга, улар «Интилиш ва амал инсонга файз-камол бахш этади, улуғ даражага етказади. Ҳар бир иш ғайрат ва жасоратсиз бўлмайди, аммо жойида ишлатилмаган ғайрат ва жасоратдан маъно йўқ» каби ҳикматлардан ҳам фойдаланганлар.

Ўтмишда тежамкорлик тушунчаси билан урф-одат узвий бирликни ташкил этган. Халқ нонга ва уни бунёд этувчи меҳнат аҳлига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром сақлаган.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида меҳнат интизоми тарбиясига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Шахснинг, айниқса, жамоат ишини ўз вақтида сидқидилдан адо этиши меҳнат интизомининг асоси бўлган.

Меҳнат тарбиясида мустақиллик ва меҳнатга ижодий ёндашиш кўникмасини ривожлантириш, болаларда ҳунар ўрганишга қизиқишни ошириш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Меҳнатнинг самарали бўлиши учун ташаббускор бўлиш, буйруқ ва кўрсатмани кутмай ишга жиддий, мустақил ёндашиш ва бажариш зарурлиги болага тушунтирилган. Ўзбек халқи асрлар давомида дехқончилик, боғдорчилик, ипакчилик, тикувчилик, темирчилик, мисгарлик, дурадгорлик, ўймакорлик, заргарлик, тўқимачилик касблари билан шухрат қозониб келган.

Маълумки, мусулмон оламида яхши

одамлар ҳаёти давомида кўпроқ савоб ишлар қилсан, деган ўй-орзулар билан яшаган, Бу орзуларини бировга яхшилик қилиш, ариқ қазиш, сув чиқариш, йўл куриш, ниҳол экиш йўллари билан амалга оширган. Бу ишларнинг савоби катта эканлиги одамларнинг қон-қонига сингиб кетган одат бўлган.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида болаларни ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатиш ҳам меҳнат тарбияси ҳисобланган, улар ёшлигидан ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатилган. Катта ёшдаги ўғил ва қизлар ота-оналари бўлмаган пайтда уйда бажарилиши лозим бўлган барча ишларни, жумладан, укаларини тарбиялаш ва парвариши қилиш билан боғлиқ бўлган юмушларни мустақил адо этганлар.

Ўтмишда меҳнат тарбиясида турли усул ва воситаларни қўллаш орқали болалар меҳнатга руҳан ва амалий жиҳатдан тайёрланган. Болаларни амалий машғулотга тайёрлашда ишонтириш, қизиқтириш ва бола фаолиятини баҳолаш усуллари қўлланилган. Халқ бу ишларни амалга оширишда восита сифатида ўйин ва маросимлардан, оғзаки ижоднинг меҳнат мавзуидаги асарларидан моҳирона фойдаланган, бадиий сўз воситасида болалар руҳиятига таъсир кўрсатган. Уларнинг бу тадбирлари болаларни ахлоқий ва руҳий жиҳатдан меҳнатга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Болаларда меҳнат қилиш зарурлигига ишонч ҳосил қилишда, уларни меҳнатга руҳан тайёрлашда боболар мақол, топишмоқ ва эртаклар билан бир қаторда, даъват қилиш, ундаш, насиҳат қилиш, маслаҳат бериш, амалда кўрсатиш усулларини ҳам қўллаганлар. Ота-боболар бу усуллар билан болаларда инсон ҳаётида меҳнатнинг ўрни, аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилганлар.

Меҳнат тарбиясида ота-боболар қўллаган ибратли усуллар, уларнинг бой таж-

рибаси ҳозирги даврда ҳам оилада, таълим муассасаларида қўлланиб, ёш авлодни маълум касб-хунарга йўналтириш мақсадида ижодий ривожлантирмоқда. Чунки

касб-хунар ўз ўрнида инсон ҳаётининг унинг ўсиб, камол топиши ва нафосатли бўлиши, моддий ва маънавий бойлиги-нинг асосий манбай ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хошимов К., Нишонова С. ва бошқ. Педагогика тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1996.
  2. Хошимов К., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1995.
  3. Мусурмонова О., Баубекова З. Ўзбек халқ педагогикаси, – Т.: «Ўқитувчи», 2000.
  4. Зуннунов А. Ўзбек педагогикаси тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1997.
  5. Ўзбек халқ эртаклари. – Т.: «Ўқитувчи», 1968.

## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

М.АБИДЖАНОВА,

Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчisi,

Л.ҚУДРАТОВА,

Низомий номидаги ТДПУ талабаси

**Аннотация:** Мақолада ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш, мустақил иш тушунчаси, ўқитувчи томонидан мустақил ишларни ташкил этиш ва ўтказиш хусусида сўз юритилган. Шунингдек, мустақил ишларни ташкил этишда янги ахборот технологияларидан фойдаланишнинг муҳим аҳамияти ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** мустақил иш, ижодий мулоқот, мустақиллик, масъулиятли, ахборот-қидирув, ахборот-маълумотнома тизимлари, автоматлашган кутубхона, электрон журналлар.

**Аннотация:** Статья посвящена педагогической поддержки учеников, раскрывается смысл самостоятельных работ, организации и проведения их учителем. Также показано важность использования самостоятельных технологий в организации самостоятельных работ.

**Ключевые слова:** самостоятельная работа, творческое общение, независимость, ответственность, поиск информации, система информации, автоматизированная библиотека, электронный журнал.

**Annotation:** The article is devoted to pedagogical support of pupils, the meaning of independent work, organization and conducting by their teacher is revealed. The importance of using independent technologies in organizing independent works is also shown.

**Key words:** independent work, creative communication, independence, responsibility, information search, information system, automated library, electronic journal.

Ўқувчиларни мустақил, масъулиятли, ижтимоий жиҳатдан сафарбарликка мояил шахс сифатида шакллантириш уларни муваффақиятли ижтимоийлаштириш ва меҳнат бозорида муносиб ўрин топишига тайёрлаш учун уларда ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш, ўз фаолиятларни аниқлаш ва ривожлантиришга одатлантириш лозим. Бундай ёндашувни амалга ошириш учун ўқув-билув жараёнида ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Педагогик қўллаб-қувватлаш жараёни асосан ўқувчиларга йўналтирилади. Бунда ўқувчиларнинг моддий борлик, атрофдагилар

ва ўз-ўзига бўлган муносабатини ўрганиш муҳим ўрин эгаллади.

Ўқувчиларнинг ривожланиш жараёнини педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлашда уларнинг муносабатларини синчиклаб ўрганиш, тузатиш, тиклаш ва ривожлантириш ниҳоятда зарур. Ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларни қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсади, уларнинг интеллектуал, жисмоний, маънавий-маданий ва ижтимоий жиҳатдан бир маромда ривожланишларини таъминлашдан иборат.

Ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш вазифалари ўзига хос бўлиб, улар куйидагиларда намоён бўлади:

- ўқувчиларнинг интеллектуал, жисмоний, маънавий-маданий ривожланишида муаммоларнинг вужудга келишидан огоҳ бўлиш;
- ўқувчиларнинг ривожланишлари, ўқишилари, ижтимоийлашишларида вужудга келадиган долзарб муаммоларни ечишга кўмаклашиш, жумладан, ўқув-билув жараёнидаги, таълим йўналишлари ва бўлгуси касбларини танлашдаги, ҳиссий кечинмаларидағи, тенгдошлари, ота-оналари, ўқитувчилари билан муносабатларидағи қийинчиликларни бартараф этишда ёрдамлашиш;
- ўқув дастурларини педагогик-психологик назарияга асосланган ҳолда тузиш;
- ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг психологик билимларини кенгайтириш кабилар.

Ўқитувчилар ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш учун қўйидаги ишларни амалга оширишлари лозим:

- педагогик муҳитни соғломлаштириш;
- ўқувчиларнинг ривожланишларини якка ва гурухли тарзда ташхислаш;
- ўқувчиларга якка тартибда ва гурухли тарзда маслаҳатлар бериш;
- ўқувчиларни якка ва гурухли тарзда ривожлантирувчи ишларни ташкил қилиш;
- ўқувчилар билан якка ва гурухли тарзда улар фаолиятини яхшилаш, тузатиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;
- ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчилар ва ўқув юрти маъмурияти билан уларнинг педагогик-психологик билимдонликларини ошириш мақсадида маърифий тадбирлар ўтказиш;
- ўқув дастурлари, қўлланмалар, дарслойиҳалари, таълим муҳити ва педагогик жамоанинг касбий фаолиятини мунтазам экспертиздан ўтказиш ка-

билар.

Ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлашда анъанавий иш турлари билан бир қаторда, таълим дастурларини ишлаб чиқиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг натижасида бир қатор ўқув ва таълим дастурлари вужудга келади. Ўқув дастурида асосий эътибор ўқувчиларнинг билимлари, кўникмалари ва малакаларини эгаллашларига қаратилади. Умумкасбий дастурда эса асосий эътибор ўқувчиларнинг тикланишлари ва ривожланишларига қаратилиб, бунда уларнинг ҳиссий кечинмалари, ижодий имкониятлари, эҳтиёжлари яхлит тарзда ҳисобга олинади.

Мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қуришда, ўқув-тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда ўқувчиларнинг мустақил ишлари муҳим ўрин эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақил ишлар деганда, шундай ўқув фаолияти тушуниладики, унда билимлар эгалланиши билан бирга, кўникмаларни шакллантириш ҳам мустақил ташкил этилиши таъминланади .

Мустақил иш – ўқитувчининг топширифи ва унинг раҳбарлигида ўқув вазифасини ҳал этадиган таълимнинг фаол методи. Мустақил иш бу қўйилган мақсад билан боғлиқлиқда ўқувчиларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишdir. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари уларнинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка асосланган фаолиятиdir.

Мустақил иш – билим олиш шаклларидан бири бўлиб, бунда ўқувчилар ўз олдиларига у ёки бу вазифаларни, мақсадларни онгли равишда қўйиб, фаолиятни режалаштиради ва уни амалга оширади ҳамда ўз-ўзини баҳолайди.

Мустақил ишларнинг мақсад ва вазифалари:

Профессор-ўқитувчининг роли ўқув-

чиларда ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил билим олиш ва инновацион фаолиятни шакллантиришга имкон берувчи кўникма ва малакаларни эгаллаш мақсади билан боғлиқликда мустақил ишни ташкил этишда намоён бўлади.

Ўқувчининг роли профессор-ўқитувчи раҳбарлигида ташкил этиш орқали билим, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш, муаммони шакллантира олиш ва уни ҳал этишнинг оптимал йўлини излаб топиш, қобилиятли ижодкор шахс бўлишда акс этади.

Мустақил иш қўйидаги вазифаларни мувафаққиятли ҳал этишга имкон бериши лозим:

- 1) ўқувчиларда ўқув дастурини ўзлаштиришга доир мотивацияни ҳосил қилиш;
- 2) таълим олувчиларда билим олишга доир масъулиятни ошириш;
- 3) ўқувчиларда умумий ва касбий лаёқатларни ривожлантиришга имкон бериш;
- 4) таълим олувчиларда мустақил билим олиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятини шакллантириш учун шароит яратиш.

Мустақил иш бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга:

- таълимнинг фаол (актив) методи сифатида мустақил ишнинг ўзига хослиги унинг асосини ўқувчи ўқитувчининг ёрдамисиз бажарадиган ҳаракатлар ташкил этади, у мазкур ҳаракатларни бажариш усулларини ўзи танлайди, кўплаб амалларни такомиллаштиради, қўйилган мақсад билан боғлиқликда уларни назорат қиласди;
- мустақил ишларнинг иккинчи ўзига хослиги ўқувчи фаолиятининг ўз-ўзини бошқарадиган шакли ҳисобланган ўз-ўзини назорат қилишда акс этади;
- учинчи ўзига хослик ўз-ўзини назорат

қилиш билан мустақам боғлиқ бўлган, ўз-ўзини бошқаришда муҳим рол йўнайдиган баҳоловчи фаолиятдир;

- ва ниҳоят, мустақил иш ҳар доим қандайдир натижা билан тугалланади. Бу машқ бажариш, вазифаларни ҳал этиш, иншо ёзиш, жадвал тўлдириш, графиклар ҳосил қилиш, саволларга жавоб беришга тайёрланиш каби шаклларда намоён бўлади.

Ўқувчининг мустақил иши унинг аудиторияда ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлигида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмуини англатади.

Мустақил иш қандай шароитларда амалга оширилади:

1. Бевосита аудиторияда – маъруза, амалий машғулот, семинар ёки лаборатория ишлари бўйича вазифалар бериш жараёнида;
2. Ўқитувчи билан дарсдан ташқари пайтлардаги бевосита мулоқот чоғида маслаҳатлар беришда, ижодий мулоқотлар жараёнида, якка топшириқ бажаришда ва бошқалар.

3. Ахборот ресурс марказида, уйда, кафедраларда ўқувчи томонидан ўқув ёки ижодий топшириқларни бажариш жараёнида .

Мустақил билим олишда автономлик – ўқиш мақсадлари, тамойиллари, мазмунни, методи ва воситаларини аниqlаш ҳамда танлаш, уларни қийналмасдан ва ташки таъсир ёрдамисиз амалга ошириш қобилиятидир.

Мустақиллик – шахснинг алоҳида хусусияти, лаёқати, фаоллиги диққатини жамлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эришиш йўлида бор кучини сарф этиш каби сифатлари бирлиги.

Мустақиллик ҳолати намоён бўлган, бироқ, автономлик хусусияти кўзга ташланмаса бу ҳол мустақил билим олиш-

ни эмас, балки муаммоли ўқитишнинг мавжудлигидан далолат беради. Демак, автономлик – мустақил билим олишдан фарқ қилувчи, моҳиятли белги ҳисобланади. У ўқув ва касбий фаолият мустақиллигини белгилайди. Бу сифатлар ўқув-педагогик топширикларнинг турли вариантиларини тушунишда ва мавжуд ҳолатни танқидий баҳолашда намоён бўлади. Мустақил билим олишнинг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан ўз-ўзини бошқариш қобилиятининг ривожланиши билан боғлиқ. Мустақил билим олишда дидактика тамойиллари ҳамда назария ва педагогик технологиялар асосий ролни ўйнайди .

Мустақил ишларни ташкил этишда янги ахборот технологияларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

1. Тармоқдан ахборот излаш – web-браузер, маълумотлар базасидан фойдаланиш, ахборот-қидирив, ахборот-маълумотнома тизимлари, автоматлашган кутубхона тизимлари, электрон журналлардан фойдаланиш.

Ахборот излаш ва унга ишлов беришга доир мустақил ишларга қўйидагилар киради:

- реферат-шарҳлар ёзиш;
- мавзу билан боғлиқ сайларга такриз ёзиш;
- маълум мавзуга доир тармоқдаги мавжуд рефератларни таҳлил этиш, уларни баҳолаш;
- маъруза режасига доир ўз вариантини ёки унинг маълум бир қисмини ёзиш;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш;
- амалий машғулотлардан лавҳа тайёрлаш;
- мавзуга доир маъруза тайёрлаш;
- мавзуга доир мунозара ўтказиш;
- профессор-ўқитувчи томонидан тайёрланган ёки тармоқдан топилган web-квестда ишлаш.

2. Тармоқда диалогни амалга ошириш – электрон почта, синхрон телеконференциялардан фойдаланиш. Тармоқда диалогни амалга оширишни қўйидагича кўринишда ташкил этиш мумкин: ўтказилган ёки ўтказилиши кўзда тутилган маърузларни муҳокама қилиш; мутахассис ёки ўқувчилар билан синхрон телеконференция (чат)да мулоқотни амалга ошириш.

3. Тематик web-саҳифа, web-квест(топшириқ)лар яратиш – html-муҳаррири, web-браузер, график муҳаррирлардан фойдаланиш. Тематик web-саҳифа, web-квест (топшириқ)лар яратишда қўйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: сайтда ўқувчилар томонидан бажарилган рефератлар ва рецензиялар, ишларни жойлаштириш; мавзуга доир адабиётлар рўйхатини чоп этиш; индивидуал ва кичик гуруҳларда ишлашга доир мавзули web-саҳифаларни яратиш; мавзу бўйича ишлаш учун web-квестлар яратиш ва уларни курсга доир сайтда жойлаштириш.

Ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим тамойилига таяниш замонавий таълим тизимида энг мақбул йўл ҳисобланади. Ўқув жараёни ана шундай тарзда ташкил этиладиган ўқувчининг мустақил ишини самарали амалга ошириш учун шарт-шароит яратилади ва бу жараёнда ўқитувчи ҳам бевосита иштирок этади. Мустақил ишни ташкил этишда шахсга йўналтирилган ёндашув ўқувчининг ўзига хос шундай даражага кўтарадики, бу хол, ўз навбатида, мустақил ишнинг ҳар қандай турида фаоллик ва ижодкорликнинг кучайишига имкон яратади. Натижада мустақил иш тизими ташкилий жиҳатдан мураккаб яхлитлик, яъни “қисмларининг ўзаро таъсири уларнинг ўзидан кўра муҳимроқ” бўлган яхлитлик сифатида намоён бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш



# ЎҚУВЧИЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ СИФАТИДА

**Ф. ЗАРИПОВ,**

**Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎЗПФИТИ тадқиқотчиси,**

**Г.АКБАРОВА,**

**ТДПУ доценти,**

**Н.УЛУХУЖАЕВА,**

**Наманган мұхандислик технология институти қошидаги академик лицей  
1-тоифали ўқытувчиси**

**Аннотация:** Мазкур мақолада вояга етмаган ўқувчилар орасида ҳуқуқбизарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ва онгини оширишга қаратилған тарбиявий табдирлар, жамиятда қабул қилингандык аттор нормалари ва қоидаларини сингдириш ишләри түғрисида фикр баён этилған бўлиб, сўнгги йилларда бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, статистик далиллар баён қилинганды.

**Калит сўзлар:** ўқувчи шахси, хулқ, профилактика, маънавият, маданият, ҳуқуқбизарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий зарурат.

**Аннотация:** В этой статье изложена идея повышения осведомленности учащихся-подростков о воспитании и преступности, образовательных мероприятиях, направленных на повышение их правовой культуры и сознания, а также введение норм и правил поведения в обществе. В последние годы были проведены широкомасштабные реформы, статистические данные.

**Ключевые слова:** студенческая личность, поведение, профилактика, духовность, культура, беззаконие и предупреждение преступности, социальная необходимость.

**Annotation:** This article outlines the idea of increasing the awareness of adolescent students about education and crime, educational activities aimed at raising their legal culture and consciousness, as well as introducing norms and rules of behavior in society. In recent years, large-scale reforms have been carried out, statistics.

**Key words:** student personality, behaviour, prevention, spirituality, culture, lawlessness and crime prevention, social necessity.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятини қийнаётган глобал муаммолар сифатида очлик, қашшоқлик, чучук сув танқислиги, пандемик касалликлар билан бирга маънавий хатарлар – вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбизарликлар ва жиноятчиликнинг содир бўлиши, гуманизм, толерантлик, ижтимоий интеллектнинг сусайгани, инсонлар билан ўзаро муносабатда хурмат, кенгфөъллик, кечиримлилик, сабр, оқибат туйғуларининг йўқола бошлагани тилга олинмоқда.

2017 йил 7 февралда қабул қилингандык Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳараратлар стратегияси”да ҳам янги мазмундаги узлуксиз таълим тизимини яратиш вазифаси қўйилди, унинг таркибида эса янги мазмун ва моҳиятдаги таълим муасасаларида ҳуқуқий-меъёрий асосларни модернизациялаш бош йўналиш сифатида белгилаб олинди. Бу нафақат бошқа-

рув муаммолари, балки ўқувчилар ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш тизими соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган ишларни янада такомиллаштириш вазифасини кўйди.

Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиласда фарзандлар баҳтиёр бўлишлари, ўсиб улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари, соғлом, ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камолотга етишлари лозим. Оиланинг ҳар бир аъзоси ғамхўрлик, баҳт, меҳр-муҳабbat туйғулари асосида ўзининг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, тенглик ва бирдамликка эга бўлишлари керак. Таълим жараёни субъектлари бўлмиш болалар учун кўзда тутилган барча ҳуқуқлар таъминланиши, ҳурмат қилиниши зарур. Вояга етмаганларнинг шахс ва субъект сифатида шаклланиши, ақлий ривожланиши, тарбияланганлик даражасининг ўсиши, жамият томонидан белгиланган одоб-ахлоқ, хулқ нормаларига мослиги уларнинг келажакда жамиятнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида фаолият юритишига замин яратади.

Афсуски, жамиятимизда ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик каби салбий иллатлар ҳам учрамоқда. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун жамиятимизда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ўқувчиларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар органлари, “Маҳалла” жамғармаси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда дарсларга сабабсиз келмаётган ўқувчиларни аниқлаш, уларни ўқишига қайтариш мақсадида ҳар ойда “Давомат” рейдларини, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, шу жумладан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар-

нинг олдини олиш, тунги вақтларда “Интернет-кафе” ва кўнгилочар масканларда вақт ўтказаётган ўқувчиларни аниқлаш, уларни ўқишига қайтариш мақсадида ҳар чоракда “Ўқувчи” рейдларини ўтказиши йўлга қўйилган.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, профилактика тадбирларини ташкил этиш учун ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор ўқувчиларга синф раҳбарлари, мактаб психологлари бириктирилган бўлиб, улар жойлардаги профилактика нозирлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Шунингдек, ўқувчилар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича ички ишлар органлари ходимлари, маҳалла фаоллари ва “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамоат кенгashi аъзоларини жалб этган ҳолда таълим муассасаларида хизмат суриштурувларини ўтказиши амалиёти жорий этилиб, ушбу ҳолатнинг юзага келиш сабаблари аниқланмоқда ва тегишли профилактик чоралар белгиланиб, жамоатчилик назорати кучайтирилмоқда.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни таҳлилий ўрганиш ва қайта тақрорланмаслигини таъминлаш бўйича турли салбий ҳолатларнинг олдини олишига қаратилган “Профилактик тадбирлар” ўтказилмоқда.

Шунингдек, тизимда ўқувчилар ўртасида турли ҳил ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида режага кўра “Ёшлар ва қонун”, “Биз жиноятчиликка қаршимиз”, “Вояга етмаганларни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш” мавзусида очиқ мулоқотлар, тиббий маданиятни ошириш, тиббий қўрикнинг соғлом ҳаёт кечиришда тутган ўрни ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда “Биз эрта турмуш қуришга қаршимиз”, Эрта тугруқ ва эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари, никоҳ ёши тўғри-

сидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, “Оммавий маданият” таъсирига тушишнинг олдини олиш мавзуларида 2017-2018 йилларда жами 13691 та тадбирлар амалга оширилди. Мазкур тадбирларда ички ишларнинг профилактик ҳисобида турувчи жами 1700 дан ортиқ ўқувчилар ҳам иштирок этди.

Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 6 февралдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар билан якка тартибда шуғулланишни ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”-ги 33-сон буйруғи қабул қилиниб, ижрога йўналтирилди. Ушбу йўриқнома асосида ўқувчиларни таълим муассасасининг ички назорат рўйхатига олиш ва чиқариш тартиби, рўйхатга олинган ўқувчилар билан якка тартибда шуғулланишни ташкил этиш, умумий профилактик тадбирларни амалга оширувчи ходимларнинг асосий вазифалари, якка тартибда шуғулланиш фаолиятини назорат қилиш бўйича асосий вазифалар белгилаб берилди.

Кузатишлар натижасида шу нарса маълум бўлди, 2018 йилнинг 6 ойи давомида мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 159 тадан 147 тага (12 та) камайган.

Бироқ, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, тадбирларга қарамасдан, таҳлиллар жиноятлар сони Қорақалпоғистон Республикасида (6/8 та) 2 тага, Жиззахда (3/10 та) 7 тага, Навоийда (4/6) 2 тага, Намангандада (14/21 та) 7 тага ва Сирдарёда (10/11 та) 1 тага ошганлигини кўрсатмоқда.

Айрим худудларда жиноятчилик сони камайган, хусусан Андижон вилоятида (11/10 та) 1 тага, Қашқадарё вилоятида (9/5 та) 4 тага, Сурхондарё вилоятида

(11/8 та) 3 тага, Тошкент вилоятида (18/13 та) 5 тага, Самарқанд вилоятида (18/15 та) 3 тага, Хоразм вилоятида (9/2 та) 7 тага ва Тошкент шаҳрида (24/16) 8 тага камайган.

Ачинарлиси, баъзи ҳудудлар – Бухоро (11/11 та) ва Фарғона вилояти (11/11 та) да жиноятчилик билан боғлиқ ҳолат ҳеч қандай ўзгаришларсиз колмоқда.

Ички ишлар профилактика ҳисобига олинган ўқувчилар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан: 1572 тадан 1905 тага (333 тага) ошган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида (35/54 та) 19 тага, Андижонда (107/134 та) 27 тага, Бухорода (122/190 та) 68 тага, Навоийда (81/103 та) 22 тага, Намангандада (144/164 та) 20 тага, Самарқандда (153/217 та) 64 тага, Сирдарёда (128/139 та) 11 тага, Сурхондарё вилоятида (54/89 та) 35 тага, Тошкент вилоятида (123/170 та) 47 тага, Хоразмда (65/96 та) 31 тага ва Тошкент шаҳрида (278/295) 17 тага ошган.

Ички ишлар идораларининг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмат хоналарига келтирилган ўқувчилар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11970 тадан 14795 тага (2825 тага) кўпайган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси (550 тадан 600 тага), Бухоро (891 тадан 1048 тага), Жиззах (144 тадан 335 тага), Қашқадарё (512 тадан 909 тага), Навоий (502 тадан 692 тага), Намангандада (808 тадан 1254 тага), Самарқанд (1181 тадан 1464 тага), Сирдарё (199 тадан 597 тага), Хоразм (689 тадан 951 тага), Фарғона (1458 тадан 1936 тага), Тошкент (2120 тадан 2634 тага) вилоятларида буни яққол кўриш мумкин.

Жиноят турлари бўйича таҳлил қилинганда:

1. Қасддан одам ўлдириш жинояти Андижон вилоятида 1 та содир этилган.

2. Ўзгалар мулкини ўғирлаш жинояти 131 тадан 102 тага (-29 та) камайган.

Аммо, Жиззах (9 тага), Навоий (2 тага), Наманган (7 тага) вилоятларида бу турдаги жиноятлар сони ошган.

Бухоро,(10/10 та), Қорақалпоғистон Республикасида жиноятлар сони ўзгармаган.

Тошкент шаҳри (7 та), Тошкент вилояти (7 та), Самарқанд (11 та), Сирдарё (3 та), Қашқадарё (1 та), Фарғона (5 та), Андижон (1 та), Сурхондарё (6 та), Хоразм (6 та) вилоятларида камайган.

### 3. Номусга тегиши жинояти:

Андижон вилоятида 1 та содир этилган.

4. Оғир тан жароҳати етказиш жинояти 6 тадан 5 тага камайган.

Аммо Фарғона вилоятида 3 тага ошган.

5. Талончилик жинояти 6 тадан 4 тага камайган.

6. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар кўрсатгичи ўзгармаган.

7. Бошқа турдаги жиноятлар 12 тага ошган.

Тошкент шаҳрида 2 та, Сирдарё вилоятида 2 та, Сурхондарё вилоятида 2 та, Қорақалпоғистон Республикасида 3 та, Фарғона ва Андижон вилоятларида 1 та майда безорилик жиноятлари содир этилган.

8. Эрта туғруқ ҳолати (ўтган 2017 йилдаги ҳолати 28 та) ўзгармаган.

Таҳлиллар ўқувчилар томонидан жиноят содир этиш ҳолатларининг аксарияти дарслардан кейинги пайтларга тўғри келаётганини ва улар асосан нотинч оиласалар фарзандлари томонидан содир этилаётганигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, ўқувчилар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг келиб чиқишига қуйидаги омиллар сабаб бўлаётганилиги аниқланди:

- ота ёки онанинг (айрим ҳолатларда иккисини ҳам) хорижга меҳнат муҳожир-

лигига чиқиб кетиши орқали фарзандларнинг назоратсиз қолиши;

- хорижга чиқиб кетган ота-оналарнинг ўз фарзандларини қариндошлари (васийликка) қўлига қолдириб кетиши натижасида фарзандларнинг назоратсиз қолиши;
- оиласий жанжал ва ажралишлар орқали фарзанднинг тарбияси эътиборсиз қолиши;
- ота-оналарнинг доимий даромад манбаи йўқлиги туфайли фарзандларнинг ҳам пул топишга мажбурлиги;
- ота-оналарнинг ичкиликбозлик ва наркотик моддаларни истеъмол қилишга берилиши натижасида фарзанд тарбияси билан умуман шуғулланмаслиги;
- ўқувчиларнинг кўча безорилари таъсирни доирасига тушиб қолиши;
- умумтаълим мактабларида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан, ҳусусан маҳалладаги хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилмаганлиги, балоғатга етмаган ва балоғат ёшидаги қизлар орасида тарғибот-ташвиқот ишлари самарали олиб борилмаганлиги ва бошқалар.

Ўқувчилар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Ўқувчилар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик ва ҳукуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган барча меъёрий хужжатлар (буйруқ, қўшма қарор, чора-тадбирлар режаси, йўриқнома ва тартиб)нинг ижросини қатъий назоратга олиш;

2. Ички ишлар вазирлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда жиноят содир этган вояга етмаган ўғил ва қизларнинг хатти-ҳаракатларини аниқ мисоллар орқали “Жиноятга жазо муқаррар” руқнида таълим муассасаларида муҳокама қилиш жараёнини йўлга қўйиш;

3. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг худудий кенгашлари томонидан ташкил этиладиган тадбирлар ҳамда худудлардаги “Ёшлар марказлари”да ташкил этилган турли тўғарак ва ўқув курслари га умумтаълим мактабларининг хавф гурухидаги ўқувчиларини доимий равишида жалб қилиб бориш чораларини кўриш;

4. Жойларда профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда тарбияси оғир, мактабнинг ички назоратига олинган, ички ишлар профилактик назоратига олинган ва хавфли гурухга киравчи ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан якка тартибда профилактик-огоҳлантирув ишларни ташкил этиш ҳамда ўзаро ахборот алмашинувини кучайтириш;

5. Ўқувчиларнинг хулқ-атвори ва фанларни ўзлаштиришида эришган ютуқлари ёки бўшлиқлар пайдо бўлган ҳолатда ота-онасининг иш жойи ва тураг жойи (маҳалла раиси) ни огоҳлантиришни тизимли йўлга кўйиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати санарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-куватлаш тўғрисида”ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартағи “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5153-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2833-сон қарорлари, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги томонидан бир қанча буйруқ ҳамда чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ушбу

директив ҳужжатлар юзасидан мамлакатимизда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хукуқбузарликлар профилактикаси бўйича давлат ташкилотларининг ОАВ билан ҳамкорлигининг янгилangan Концепцияси ишлаб чиқилиб, долзарб масалаларга оид суд мажлисларини телевидение орқали намойиш этиш, амалга оширилаётган профилактик тадбирларнинг моҳияти ва аҳамияти, қонунийлик аҳволи, содир этилаётган хукуқбузарликлар ҳамда уларни кўриб чиқиш жараёни ҳақидаги тезкор маълумотларни телевидение орқали кенг жамоатчиликка етказиб бериш, одам савдосига қарши курашиш масаласи бўйича узоқ аҳоли пунктларида яшаётган фуқаролар билан ишлашга алоҳида эътибор берган ҳолда жойларга чиқиб, аҳолини, биринчи навбатда ёшларни хабардор қилишга оид комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларга уларнинг таълим олиш хукуқларини лозим даражада таъминлашлари ҳамда улар томонидан хукуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш борасидаги масъулиятни оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда вояга етмаганлар орасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш механизmlарини такомиллаштириш муҳим ва зарурӣ бўлиб, мамлакатимиз ёшларига бу борадаги давлатимиз сиёсатини, соғлом турмуш тарзини сингдириш муаммоларининг ечимини давр тақозо этмоқда.

Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида бугунги кунда таълим масканларида “Маънавият куни” ташкил этилмоқда.

Фаол, изланувчан, ижодкор, ташаббускор, тарғиботчи, фидойи соҳа мутахассисларини аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва илфор иш

тажрибаларини оммалаштириш мақсадида “Хукуқ билимдонлари”, “ОИТС ва гиёхвандликка қарши бирлашайлик” “Йилнинг энг яхши маънавият тарғиботчиси” шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Ислом Каримов асарлари билимдони”, “Конституция – баҳтимиз пойдевори”, “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Китобхон мактаби”, “Ёш китобхонлар” каби республика кўрик-танловлари ташкил этилиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганлар орасида ижобий хулқ-атвор нормаларига риоя қилиш, ўсмирлар томонидан англаб этилишига ва қарор топишига йўналтирилган кенг чора тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг савиясини янада юксалтириш, оилани, оналик ва болаликни

муҳофаза қилиш тизимини янада тақомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини тақомиллаштириш масалалари бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланиши ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг билими, тарбияси ва маънавий қиёфасининг қайдаражада шаклланганлигига боғлиқ, чунки мустақил, маърифий-маданий, адолатли ва инсонпарвар жамиятда ёш авлодни ҳар томонлама етук, ахлоқли, одобли инсонлар сифатида камол топтириш долзарб вазифадир.

### ❖ Фойдаланилган адабиётлар: ❖

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-II .
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори. -Т.: 2017 йил 14 март.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон Фармон. -Т.: 2017 йил 5 июль.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.488-бет.
6. Мирзиёев Ш.М. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. -Т.: Ўзбекистон, 2017. 104-бет.

## ТАРБИЯ ТРЕНИНГЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

**А.МУХСИЕВА,**  
**Низомий номидаги ТДПУ доценти**

**Аннотация:** Мазкур мақолада ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш жараёнида тарбия технологияларидан фойдаланишни ташкил этиш ҳамда уларнинг усуулларидан намуналар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** тарбия, ижтимоийлашув, сиёсий тарбия, тарбия технологиялари, технологик ёндашув, маънавият, масъулият, маънавий таҳдид, ғоявий тарбия, ижтимоий фаоллик.

**Аннотация:** В этой статье раскрыты использование образовательных технологий в процессе повышения социальной активности образованной молодёжи, технологическое воспитание к повышению общественной активности обученной молодёжи в учебном процессе.

**Ключевые слова:** воспитание, социализация, социальное воспитание, технология воспитание, технологический подход, культура, ответственность, духовная угроза, моральное воспитание, социальная активность.

**Abstract:** This article discusses the use of educational technologies in process of increasing the social responsibility of education to increase the socio activity of trained youth in the educational process.

**Keywords:** education, socialization, social education, technology education, technological approach, culture, responsibility, spiritual threat, moral education, social activity.

Ижтимоий фаоллик инсоннинг имконият доирасини кенгайтириб боради. Чунки бу жараёнда янги эҳтиёжлар ва имкониятлар пайдо бўлади, уларга эришиш йўлида фаол ҳаракат вужудга келади.

Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллиги деганда уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки, меҳнат ҳамда маданий-маърифий фаолиятининг ортиши, қонунда белгилаб қўйилган хуқук ва бурчларни тўлиқ амалга оширишга интилиши тушунилади. Мамлакатда шахснинг ўз ўрнини топиши ва хулқ-атворини онгли равишда бошқариши ижтимоий фаолликнинг асосий шарти ҳисобланади.

Ижтимоий-сиёсий жараёнлар маданият ҳамда турмуш соҳасидаги фаоллик, шахснинг ижтимоий-сиёсий, мада-

ний-маърифий жараёнлардаги, шахсий хаётдаги фаолиятида намоён бўлади.

Таълим муассасаларида ижтимоий фаол ёшларни тарбиялаш демократик ва миллий хусусият касб этади. Бу борада таълим-тарбиянинг ижодкорлик, илмийлик, ҳамкорлик, ижтимоий фаоллик ва дўстона муносабатларига қаратилган демократик характердаги педагогика тобора ўз ўрнини топмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллиги уларнинг қай даражада билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлигига кўринишини асосламоқда. Агар ёшлар ижтимоий фаол фуқаро сифатида ватанини севса, уни ардоқласа, фуқаролик бурчи ва масъулиятини дилдан ҳис этиб фаолият юритса, ўзининг инсонпарварлиги, билим-

донлиги, маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳамда юксак маданияти билан ибрат-на-мuna кўрсата олса, бундай талаба ижтимоий фаол шахс сифатида ўзини намоён эта олади.

Ўкувчи-ёшларнинг онги ва қалби учун кечаетган кураш глобаллашув жараёнида ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларини педагогик ўрганиш даври етиб келганлиги ва бунга оид ижтимоий педагогика фанига бўлган эҳтиёжни даврнинг ўзи тақазо этаётганлигини педагог олимларимиздан М. Қуронов ва З. Қурбаниязовлар алоҳида кўрсатиб ўтишган:

- ижтимоий бурч, ижтимоий масъулият, яъни болаларга бериладиган ижтимоий ёрдам ва ижтимоий хизмат қўрсатиш аспектлари ҳақида маълумот бериш;
- ижтимоий хуқуқий ёрдам, яъни болаларга, жамият аъзоларига ўз ҳақ-хуқуқларини англашга ёрдам бериш;
- ижтимоий реабилитацион хизмат, яъни инсонларнинг маънавий-ахлоқий, эмоционал, руҳий ҳолатларини тиклашга ёрдам бериш.

Ижтимоий-иқтисодий ёрдам бериш болаларни ижтимоий patronаж қилиш, вояга етмаганлар орасида кашандалик, алкоголизм каби иллатларни профилактика ва реабилитация қилиш:

- ижтимоий-психологик, яъни оиласда турли микрожамиятда соғлом муҳитни ташкил этишга ёрдам бериш;
- ижтимоий педагогика, яъни болаларни тарбиялашда ота-оналарнинг ўз ҳақ-хуқуқларини англашлари, уларга шароитлар яратиш, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги зиддиятларни педагогик ёндашув асосида ҳал этишдан иборат.

Ижтимоий фаоллик мураккаб жараён бўлиб, инсонда бирданига вужудга келмайди.

Ижтимоий фаоллик хусусиятларини ўрганишда бугунги тезкор ва глобаллашув жараёнининг ўқувчи-ёшлар тарбиясига қандай таъсир кўрсатаётганлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Маълумки, таракқий этган давлатлар сиёсий, иқтисодий ҳамда мафкуравий воситалар орқали турли хил ғояларни тарғиб этишга интилаётгани, бу ҳол, айниқса, Марказий Осиё ҳалқларининг миллий урф-одатлари ва анъаналарига салбий таъсир кўрсатаётганлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Ижтимоий фаоллик хусусида америкалик сиёсатшунос Ч.Мерриам жамоатчиликнинг фикрини асосий восита дея тўғри баҳолаган. Шунингдек, у фуқаро тарбиясига йўналтирилган “фаол фуқаро”ни этишириш ҳар бир давлатнинг асосий вазифасидир. Ижтимоий онги юқори, маданиятили, маънавиятли, сиёсий фаол фуқароларни шакллантиришдан демократик давлатлар манфаатдор. Айнан ижтимоий-сиёсий фаол ёшлар мамлакат тараққиётининг кафилидир, деб таъкидлайди.

Ўкувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда қуйидаги тамойилларга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ:

- 1) таълим-тарбия жараёнида педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш;
- 2) ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини тизимли ёндашув асосида ташкил этиш;
- 3) таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар фаолигини жадаллаштириш;
- 4) таълим-тарбия жараёнини инсон-парварлаштириш ва демократлаштириш;
- 5) анъавий ва инновацион қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги;
- 6) шахсий ва ижтимоий қадриятларни ўйғунлаштириш.

Шунинг учун ёшларнинг ички имко-

ниятлари унга нисбатан бўлаётган ташқи таъсирлар ва ахборот манбаларини иnobatga олиб назорат қилиниши зарур. Агарда мазкур талаб унутилса, шахсни тарбиялаш қийинлашади ёки барча уринишлар самарасиз якун топади.

Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда замонавий техник воситалардан ўринли фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар, уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материаллар банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалардан фойдаланиш зарур.

Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда технологик тизим ёки тарбия технологияси бу педагогик метод, усул ва воситаларни режали ва кутилган натижаларга эришишга имкон берадиган (мақсадли), шахсга ва жамоага аниқ таъсир кўрсатадиган жиҳатларини танлаш тизимиdir. Бу ўқитувчининг ўқувчилар амалий фаолиятини тўғри ташкил қила олиши ва кўнишка ва малака пайдо бўлишига эришишидир. Технологик жараён натижаларидан асосий мақсад, тарбиячи ижодий изланишлар туфайли, ўқувчилар ташаббускорлигини таъминлайди. Ўқитувчи ўз-ўзини бошқариш уюшмалари билан ҳамкорликда ишлаш орқали мурракаб масалаларни ҳал қилиш учун вақт ажратади. Технологик тизимда тарбиявий аҳамиятга эга тадбирларни муваффакиятли уюстириш ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Уюшқоқлик билан ўтказилган тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий ривожланишини, билиш тафаккурини, эркин фикрлашини, ўз фикр мулоҳазаларини чўчимасдан тўғри тасаввур билан баён этиш учун тушунча ва кўникамларини шакллантиради.

Тарбия тренинглари асосида ўқув-

чи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда, “Синквейн” тренингидан мақсадли фойдаланиш зарур. Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга оид тушунчалар бўйича синквейн - (франц.беш қаторли шеър) тузилади.

#### **Ўтказилиш тартиби:**

1. **От** – нарса номини сўз билан ифодалаш.
2. **Сифат** – уни икки сўз билан тасвирлаш.
3. **Феъл** – унинг ҳаракатини уч сўз билан ифодалаш.
4. **Ибора** – уни тўрт сўз билан таърифлаш.
5. **Синоним** – унинг синонимини топиш.

#### **МАСАЛАН:**

1. Мустақиллик.
2. Эркинлик, озодлик.
3. Ўзгартиради, барқарорлаштиради, ривожлантиради.
4. Мустақиллик – миллатнинг азалий орзуси.
5. Истиқолол.
  
1. Маънавият.
2. Инсонийлик, ботинийлик.
3. Сингади, шакллантиради, ривожлантиради.
4. Маънавият – жамият тараққиётининг асоси.
5. Комиллик.
  
1. Мафкура.
2. Вайронкор, бунёдкор.
3. Бирлаштиради, эргаштиради, бошқаради.
4. Буюк кучга эга таълимот.
5. Таълимот.

Тренинг ўтказишда ҳар бир талабага алоҳида ёндашувга эришиш, ўқувчи истеъдодида намоён бўладиган ҳолатларда

унинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қиласди. Тарбиячи-ўқитувчи томонидан уюштириладиган тарбиявий тренингларга тасодифий эмас, аксинча, ҳар бир тренингга пухта тайёргарлик кўрилиши лозим.

Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда “Қиёсий таҳлил” тарбия тренингининг ўтказилиши самарали натижада беради. Бу тренингда қиёсий таҳлил жадвалини тўлдириш орқали ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдаги мавжуд муаммони чуқурроқ англашга эришилади. Гурухда “Глобаллашувнинг оқибатлари” мавзуси танланиб, ўқувчилар унинг салбий ва ижобий жиҳатларини таҳлил этишади.

Тренинг ўтказилиши натижасида ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдаги муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари ўрганилиб унинг тузатиш йўлларини топиш, мустақил излашишга, фикрлашга ундалади.

Бугунги кун ёшлари ўзларининг бошқа ижтимоий гурухлар сингари жамият-

нинг мақсад ва манфаатлари билан ҳар доим ҳам тўлиқ мос келавермайдиган мақсад ва қизиқишишларига эга.

Уларда ҳаётин тажрибанинг етишмаслиги ва қадриятлар, маънавий-ахлоқий йўналишлар ҳакидаги тасаввурларининг шаклланмаганлиги уларнинг ҳаётда ўзлари учун тўғри қарор қабул қилишига салбий таъсири қиласди. Бошқа томондан эса жамият ва меҳнат муносабатларига киришиш жараёнида улар таълим-тарбия, ижтимоийлашув ва мослашув жараёнинг ҳам обьекти ҳам субъектидир.

Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда давлат ва нодавлат ташкилотларни фаол жалб қилиш, ОАВ орқали талаба ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда хизмат қилувчи материалларнинг бериб борилишини таъминлаш, технологик ёндашувга асосланган ҳолда, талаба ёшларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантиришга оид тадбирлар тизимининг йўлга қўйилишига эришиш маънавий баркамол инсонни, ижтимоий-сиёсий фаол шахсни тарбиялашда

<b>Ижобий</b>	<b>Салбий</b>
1. Халқаро интеграция	1. Ўткир мафкуравий таъсири
2. Ҳамкорлик алоқалари	2. Мафкуравий тазийик
3. Хорижий инвестициялар	3. Маънавий таҳдид
4. Капитал ва товарлар алмашинуви	4. Мафкуравий хуруж
5. Ишчи кучининг эркин ҳаракати	5. Маънавий бўшлиқ
6. Янги иш ўринлари	6. Хатарли таҳдид
7. Ахборот технологиялари	7. Ахборот хуружлари
8. Илм-фан ютуқларининг тез тарқалиши	8. Ахлоқий бузуқлик
9. Қадриятларнинг уйғунлашуви	9. Оммавий маданият
10. Цивилизациялар аро мулоқот	10. Эгоцентризм
11. Ўзаро ёрдам имкониятларининг ортиши	11. Маънавий негизларга беписандлик, зўравонлик

муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга аҳамият беришимизнинг боиси имони, эътиқоди ва ахлоқи, маданияти кучли,

масъулият туйғуси юқори, маънавий баркамол фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Буюк келажак маънавий баркамол инсонларга таянади.

#### **❖ Фойдаланилган адабиётлар:** ❖

- Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.” -Т.: “Ўзбекистон” - 2016.
- Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 б.
- Эргашев И. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги. –Т.: “Академия” нашриёти, 2008.
- Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар. Ўқув қўлл. –Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2010.

# БҮЛГУСИ МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОНТЕКСТЛИ ТОПШИРИҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Р.ТУРГУНБАЕВ, З.АРТИКБАЕВА,  
ТДПУ доцентлари,  
М.ЖЎРАЕВА,  
ҚарДУ ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада олий таълим муассасаларида математика ўқитувчиларини тайёрлашда контекстли топшириқлардан фойдаланишнинг аҳамияти талабаларда теорема исботидаги мантиқий қадамларни ажратиш кўникмасини шакллантиришда фойдаланиладиган контекстли топшириқлар орқали очиб берилган. Бундай топшириқлар талабаларнинг математика фанларида теорема исботи бўйича олган билим ва кўникмаларини математика ўқитиши методикасида узвий давом эттиришга хизмат қилиши асосланган.

**Калит сўзлар:** контекст, контекстли топшириқ, теорема исботи, тезис, аргумент, исбот намойиши, квазикасбий.

**Аннотация:** В статье рассматривается использование контекстных заданий в методической подготовке будущих учителей математики. На примере формирования умения выделения логических шагов доказательства теоремы раскрыты сущность контекстных заданий.

**Ключевые слова:** контекст, контекстное задание, доказательство теоремы, тезис, аргумент, демонстрация доказательства.

**Annotation:** The article discusses the use of contextual tasks in the methodological training of future teachers of mathematics. On the example of the formation of the ability to distinguish logical steps of the proof of the theorem, the essence of context tasks is disclosed.

**Key words:** context, contextual task, proof of the theorem, thesis, argument, demonstration of the proof.

Бугунги кунда математика ўқитувчиларини тайёрлаш “5110100-математика ўқитиши методикаси”, “5130100-математика” бакалавриат таълим йўналишларида амалга оширилади. Бу таълим йўналишларида бўлгуси математика ўқитувчилари касбий билим асосларини “Математика ўқитиши методикаси”, “Математика тарихи ва математика ўқитиши методикаси” фанлари доирасида ўрганишади. Ҳозирда бўлгуси математика ўқитувчисини сифатли касбий тайёрлашни нафақат аудиторияда, балки аудиториядан ташқари, мустақил ишлар орқали ҳам ташкиллаштириш мумкин.

Аммо мустақил ишларни ташкиллаштириш воситалари, ҳатто ўзбек тилидаги ўқув адабиётлари ҳам етарли даражада мукаммал эмас. Мавжуд ўқув қўлланмада [1] хусусий методика баёни масалалар ечишдан кам фарқ қиласди.

Математика ўқитиши методикаси бўйича қўлланмаларда [2-4] методик масалалар ва методик топшириқлар келтирилган. Аммо бу қўлланмаларда келтирилган топшириқларни бажариш мактаб математика дарслигидаги бирор ўқув материали контексти билан бевосита боғлиқ эмас. Топшириқни ёки топшириқлар тизимини мак-

таб дарслиги матни контекстига боғлаш ўқув фаолиятга квазикасбий тус бериш учун муҳимдир. Талабаларнинг квазикасбий фаолиятини ташкиллаштиришда контекстли топшириклардан фойдаланиш тавсия этилади [5]. Математика ўқитиш методикаси курси учун контекстли топшириқ тушунчаси қуидагича таърифланади.

Контекстли топшириқ – бу қуидаги шартларни қаноатлантирувчи топшириқдир: а) у талабада математика ўқитиш методикаси фани мазмуни элементининг яхлит образини шакллантиришга йўналтирилган; б) топшириқни бажариш жараёни матни амалдаги дарсликда берилган муайян ўқув материалининг бирор контексти билан бевосита боғланган; в) у қўшни топшириқлар билан муайян мақсад билан боғланган, бу мақсад ўқув фаолияти контексти билан аниқланади (яхлит ҳолда ўқув фаолият босқичи билан, босқич ичida ишни ташкиллаштириш; натижавийлик, фаолиятнинг бевосита ва билвосита маҳсулотларига йўналтирилгани ва б.).

Қуидаги теорема исботидаги мантиқий қадамларни ажратиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган контекстли топшириқларга мисоллар келтирамиз.

1-топшириқ (тезис, аргумент, намойиш тушунчаларини киритишга йўналтирилган). Ушбу теореманинг исботини қарайлик: “Агар тўртбурчакнинг иккита томони teng ва параллел бўлса, бу тўртбурчак параллелограммдир.

Исбот. ABCD тўртбурчакда  $AB=DC$  ва  $AB||DC$  бўлсин. Унинг BD дигоналини ўтказамиз. Натижада иккита teng ABD ва CDB учбурчакларга эга бўламиз (икки томони ва улар орасидаги бурчагига кўра), чунки уларда  $AB=DC$  (шартга кўра), BD томон - умумий,  $\angle 1=\angle 2$  ( $AB$  ва  $DC$ ) параллел тўғри чизиқларни BD кесувчи кесишувидан ҳосил бўлган ички алмашинувчи бурчаклар бўлгани учун).

Учбурчакларнинг тенглигидан,  $\angle 3=\angle 4$  экани келиб чиқади. Бу бурчаклар AD ва BC тўғри чизиқлар ҳамда BD кесувчи кесишувидан ҳосил бўлган ички алмашинувчи бурчаклар, демак  $AD||BC$ .

Шундай қилиб, ABCD тўртбурчакнинг қарама-қарши томонлари жуфт-жуфти билан параллел. Шунинг учун, параллелограмм таърифига кўра, ABCD тўртбурчак – параллелограммдир”.

Сизнинг фикрингизча, бу исботда тезис, аргументлар, намойишлар қаерда?

2-топшириқ (тезис, аргумент, намойиш тушунчалари таърифларига йўналтирилган).

Тушунчаларнинг таърифларини қарайлик: тезис исботланаётган тасдиқ. Аргументлар (асослар) – исботда фойдаланилаётган шунга қадар маълум бўлган ва исботланаётган тезиснинг ростлиги келиб чиқадиган тасдиқдир. Намойиш (демонстрация) – тўғри фикрлар занжирини ҳосил қилувчи аргументлар ва хulosаларнинг ўрнашиш кетма-кетлиги ҳисобланади.

Шу берилган таърифлар ёрдамида, агар зарурат бўлса, юқоридаги топшириқни бажариш натижаларига аниқлик киритинг.

3-топшириқ (тезис, аргумент, намойиш тушунчаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган). Қуидаги теореманинг исботини қаранг. “Учбурчак бурчакларнинг йигиндиси  $180^\circ$  га teng.

Исбот. A учдан BC томонга параллел тўғри чизиқ ўтказамиз.

$\angle 1=\angle 4$ , чунки бу бурчаклар, A va BC параллел тўғри чизиқларни AB кесувчи билан кесгандан ҳосил бўлган алмашинувчи бурчаклардир.

$\angle 3=\angle 5$  чунки бу бурчаклар, A va BC параллел тўғри чизиқларни AC кесувчи билан кесгандан ҳосил бўлган алмашинувчи бурчаклардир.

$\angle 4 + \angle 2 + \angle 5 = 180^\circ$ , чунки бу бур-



# МАТЕМАТИКА ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ХОС БЎЛГАН МУҲИМ КАСБИЙ СИФАТЛАР ХУСУСИДА

**З.АРТИКБАЕВА,**  
**Низомий номидаги ТДПУ доценти**

**Аннотация:** Ушбу мақолада математика фани ўқитувчисининг қандай касбий сифатларга эга бўлиши лозимлиги ва ўз амалий фаолиятида улардан унумли фойдаланиб, дарс ўтишда самарадорликка эришишнинг долзарб масалалари кўтарилиган.

**Калит сўзлар:** билим, тафаккур, математика, метод, уринма, тенглама, масала, узвийлик, психология.

**Аннотация:** В этой статье освещаются вопросы о том, как учитель математики должен иметь профессиональную квалификацию и как эффективно использовать их в своей практической работе.

**Ключевые слова:** знания, мышление, математика, методы, суждения, уравнения, материя, расхождение, психология.

**Abstract:** This article covers questions about how a teacher of mathematics should have professional qualifications and how to effectively use them in their practical work.

**Key words:** knowledge, thinking, mathematics, methods, judgments, equations, matter, discrepancy, psychology.

Ҳар бир касб эгаси муайян касбий сифатларга эга бўлиши ва ўз амалий фаолиятида улардан самарали фойдалана билиши ўша соҳанинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида таълим муассасалари ўкув режаларидан келиб чиқкан ҳолда математика фанини ўқитиш йўлга қўйилган. Мавжуд адабиётларда математика ўқитувчисининг ўзига хос қўйидаги муҳим сифат белгилари мавжуд бўлиши лозимлиги эътироф этилади:

- бошлаган ишини охирига етказиш;
- ҳар бир фикрни асосли изоҳлай олиш;
- ифодалаётган фикрини исботлай билиш;
- қатъиятли, тўғри сўз;
- натижага ишонмасдан амалиётга уринмаслик;
- меҳнатдан қочмаслик ва унинг натижасига ишониш;
- вақтдан мақсадли ва самарали фойдаланиш ва бошқалар.

Педагогика университетлари ва институтларида математика ўқитувчисини тайёрлаш жараёни ўзининг тизимли тузилиши жиҳатидан қуидагиларни ўз ичига олади:

- I блок. Гуманитар фанлар;
- II блок. Табиий-мутахассислик фанлари;
- III блок. Махсус курс ва махсус семинарлар.

Бу блокларда мавжуд фанлар ҳам шу мутахассислик тавсифномаси ва номенклатурасидан келиб чиқкан ҳолда аникланади ва шу асосда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам математика ўқитувчисини тайёрлаш математикни тайёрлашдан фарқли ўлароқ, ундан нафақат соф математик қонуниятлар, текшириш методлари, тенглама ва тенгсизликларни ечиш ёки исботлашдан ташқари бу тушунчаларни ўқувчиларга етказиш, ўргатиш, ўқитиш, амалда унумли фойдалана билишни талаб қиласди. Бунинг учун албатта, педа-

гогика-психология-методика фанларининг узвийлиги ва улар орасидаги тушунчаларни, қонун ва қоидаларни боғловчи асосий ричагларни, технологик қурилмаларни, тизимли тузилмаларни ажратади билиш ва ундан амалий фойдалана олиш талаб қилинади.

Ҳар бир математик тушунча, қоида, қонуният, формулаларнинг тизимли тузилиши, шажараси, унинг бошқа қонун-қоидалар билан узвий алоқалари, ундан келиб чиқадиган асосий натижаларнинг иерархик шажараси, улардан амалий фойдаланиш динамикаси каби талаблар билан бирга бу математик тушунча, қонун-қоидаларни киши онгидаги аккумуляцияси ҳақида бериладиган маълумотлар банкини яратиш ва ундан керак ҳолатда ўринли фойдаланиш имкониятига эга бўлиши ҳам математика ўқитувчиси учун муҳим аҳамиятга эга.

Математика фани ўқитувчиси учун жуда муҳим бўлган кўрсатмалардан бири – бу таълим технологиялари билан ахборот коммуникацион технологияларини ҳамкорликда олиб бора олиши билан ҳам ажralиб туради. Бунинг учун математика ўқитувчининг ўзига хос билимлар банки бўлиши зарур, бу – илгари ва кейинги йилларда мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари математикаси билан бевосита ва билвосита боғлиқ ёки ўзи билган математик ахборотларнинг тўлақонли банки, унинг коди, файлини ёки интернет тармоғидан олиш имкониятларининг техник жиҳатлари маълумотнома сифатида бўлиши талаб қилинади.

Фараз қиласайлик, синфдаги ҳар бир ўқувчида шахсий компьютер бор. Маълумки, дискетга 2000та китобни киритиш мумкин ва ўқувчилар ҳар бир китобнинг қайси файлга жойлаштирилганлиги ҳақидаги маълумотга эга. У ҳолда, ўқитувчи буйруғи билан ўқувчи талаб қилинган ки-

тоб бетидаги мисолни топиб ишлаши ва натижани ўқитувчи компььютерига ўтказиши мумкин бўлади. Бу бир томондан ўқувчи-ўқитувчининг вақтини тежаса, иккинчи томондан ўқитувчига ўз компььютерида синфдаги барча ўқувчилар меҳнати натижасини кўриш имконини беради. Мазкур жараённи тўғри бошқариш учун ўқитувчи юқори малакага эга бўлиши тақазо этилади.

Машғулотлар самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг билим даражаси, касбий лаёкатлигига боғлиқ. Бунинг учун ўқитувчи қуидаги сингари методлар арсеналидан тўғри фойдаланиши зарур:

#### Ўқитиш методлари

1. Монологик
2. Диалогик
3. Эвретик
4. Кўрсатмалик
5. Текширувчанлик
6. Алгоритмлик
7. Дастурлашган.

#### Дарс бериш методлари

1. Ахборотларни бериш
2. Тушунтириш
3. Стимуллаштириш
4. Кузатиш, ундаш
5. Муаммоли
6. Блокли
7. Модулли.

#### Ўргатиш методлари

1. Бажарувчанлик
2. Репродуктив
3. Қисман изланиш
4. Изланиш
5. Амалий.

Эътироф этилган методлар ўз ҳолича ҳар доим ҳам мустақил ишлайвермайди, балки бу методларни ўқитувчининг кузатиш ва тажриба, анализ ва синтез, аналогия, таққослаш, абертракция ва аниқлаштириш усуслари билан қўшиб олиб бориши талаб

қилинади. Албатта, бунинг учун ўқитувчи дарсда нималарга эътибор бериши керак эканлигини яхши билиши керак бўлади, яъни:

ПМ – педагогик мақсад; МТ – мазмун таҳлили; ДТ – дарс тури; ДК – дарснинг кўриниши; ДМ – дидактик мақсад; ЎМ – ўқитиш методлари; ДМ – дидактик масала; ЎВ – ўқитиш воситалари; ДМЕ – дидактик масалани ечиш; ДС – дарс структураси; Да – дарс таҳлили каби тушунчаларни билиш билан бирга асосий дарс компонентларидан ҳам хабардор бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам дарснинг асосий структурасида ўқувчилар:

- билимлар банкини стимуляция қиласидилар;
- янги билимни қабул қилишга тайёр гарлик кўрадилар;
- янги билимни қабул қиласидилар;
- янги билимни эски билим билан таққослаб синтез қиласидилар;
- янги билимни татбиқ қилиб уни кенг маънода ривожлантирадилар.

Бу жараёнлар ўзига хос ҳолда ўқувчилар онгида сифат ўзгаришини юзага келтириб чиқариши билан бирга уларда мантикий фикрлаш қобилиятини ўстиришга ривожлантиришга ёрдам беради.

Масалан, академик лицейнинг иккинчи курсида – ҳосиланинг геометрик мазмуни ва уринма тенгламаси – мавзусини ўтишда ўқитувчи педагогик – методик мақсадни аниқлаб олганидан сўнг ҳосиланинг геометрик маъносини кесувчини уринма ҳолатига олиб келишни кўрсатиб, сўнгра уринма тенгламасини  $y=f(x)$  функциясига боғлаб  $y=f(x_0)+f'(x_0)(x-x_0)$ ни келтириб чиқариб кўрсатади ва сўнгра уринма тенгламасини ҳосил қилишни қуидаги тур масалалар асосида унинг компонентларини аниқлайди ва мустаҳкамлайди:

1-тур масала: уринма  $y=kx+b$  кўрини-

шида изланиб  $A(x_0, y_0)$  нуқтадан ўтиб Ох ўқи билан  $\alpha$  бурчак ташкил қилиши маълум бўлса,  $k$  ва  $b$  ларни топинг.

$$a) \alpha = ; A(2; -3)$$

Ечиш:  $k=tg\alpha=tg =1$  бўлиб,  $y=1*x+b$  дан  $-3=1*2+b$  га эга бўлиб,  $b=-5$  га эга бўламиз, у ҳолда  $y=x-5$  уринма тенгламаси ҳосил бўлади.

2-тур масала:  $y=f(x)$  функциясининг  $x_0$  нуқтасига ўтказилган уринма тенгламасини топинг.

$$a) f(x)=x^3 - x \quad x_0=2.$$

Ечиш:  $f'(x)=3x^2 - 1 \Rightarrow f'(2)=11 \quad f(2)=6 \Rightarrow y=6+11(x-2)=11x - 16$

Демак, изланган уринма тенгламаси  $y=11x - 16$  дан иборат бўлар экан.

3-тур масала:  $y=f(x)$  функциясининг  $x_0$  нуқтасига ўтказилган уринманинг Оу ўқи билан ташкил этган бурчагини топинг.

$$a) f(x)=x^3 - 2x \quad x_0=1.$$

Ечиш:  $k= f'(x_0)=3x_0^2 - 2=1=tg\alpha \Rightarrow \alpha =$  бўлиб, у ҳолда уринманинг Оу ўқи билан ташкил этган бурчаги  $\beta = -\alpha = -1 \Rightarrow \beta =$  дан иборат бўлади.

4-тур масала: Агар  $y=f(x)$  ва  $y = \phi(x)$  функциялари умумий нуқтага эга бўлса, уларнинг графикалари қандай бурчак остида кесишишини аниқланг.

a)  $y=8 - x$   $y=4$  функциялари графиклари қандай бурчак остида кесишади?

Ечиш: берилган функцияларни ўзаро тенглаштириб  $8 - x = 4\sqrt{x} + 4$  да аниқланиш соҳаси  $-4 \leq x \leq 8$  эканини аниқлаймиз ва  $x=0$  да эканлиги келиб чиқади. Бундан  $y'=-1=tg\alpha \Rightarrow \alpha =$  ҳамда  $y'=x=0 = 1$

$1=tg\beta \Rightarrow \beta =$  эканидан улар орасидаги бурчак эса

$\gamma = \alpha - \beta = -1 \Rightarrow \gamma =$  экани келиб чиқади. Шу билан масала ҳал бўлди.

5-тур масала: Берилган  $y=f(x)$  функциясининг шундай  $x_0$  нуқтасини топингки, у нуқтага ўтказилган уринма  $y=kx$  тўғри чизигига параллел бўлсин.

$$a) y=x^3 - 2x; \quad y = x$$

Ечиш: Масаланинг шартига кўра  $f'(x)=k$  бўлиши керак, у ҳолда

$y' = 3x^2 - 2 = 1$   $3x^2 = 3$   $x = \pm 1$  ҳосил қиласиз. Энди  $y = x^3 - 2x$  функциянинг  $x = 1$  нуқтасига ўтказилган уринма тенгламасини топамиз, яъни  $y = y_0 + f'(x_0)(x - x_0)$  га асосан  $y = 1 + (x - 1) = x > y = x$  тенглама берилган  $y = x$  тўғри чизиги билан устма-уст тушди. Демак, улар ўзаро параллел бўлади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, математика ўқитувчisi билимлар тўпламининг кенглиги, уларни ўқувчиларга бера олиши ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаш имкониятларини ҳосил қилишига олиб келади.

Математика ўқитувчisi ҳар бир ўқувчининг билим савиясини эътиборга олган ҳолда ўқувчиларга индивидуал ёндашиши билиши ҳам ўта муҳим.

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар бир математика ўқитувчisi ўз мезонига эга бўлиши лозим.

Бу мезоннинг аҳамияти шундаки, ҳар бир ўқитувчи шу мезонга асосланган ҳолда ҳар бир дарс учун зарур бўлган математик билимлар тизими ва унинг математикани ўргатишдаги ўрни, масала ва мисолларни ечишдаги аҳамияти, ўқувчиларга бериладиган билимлар тизимининг қуи ва юқори чегараси ҳақидаги маълумотларга аҳамият бериб амалга оширади ва ҳар бир дарсни шу маълумотларга амал қилган ҳолда олиб боради, яъни у мезон:

- ҳар бир мавзу бўйича мавжуд қонун, қоида, асос ва формулаларнинг умумий йигилмасини аниқлаш;
- аниқланган йигилманинг ҳар бири орасидаги боғланиш қонуниятларини аниқлаш ва уларни бир-бири билан бутунликка келиш имкониятларини топиш ва ундан фойдаланиш;
- мавжуд қоида, қонун, асос ва формула-

ларни синфлаш, ҳар бир синф бўйича зарурий мисол ва масалаларни танлай билиш, уларнинг ечилиш методларини аниқлай билиш;

- бу юқоридаги математик маълумотлар мажмуаси бўйича ўқитиши, ўргатиши, дарс бериш методларини танлай билиш ва у методни ажратса олиш каби талабларни ҳар бир ўқитувчи ўз иш фаолиятида амалга оширишни уddyалай олса, у ҳолда ҳар бир дарс самарадорлигининг оширилишида ва ундан юқори савияда фойдалана олишида муҳим кўрсатгич бўлиб ҳизмат қиласи. Шунинг учун ҳам математика ўқитувчisi ўзини кундалик дарсга тайёрланиш алгоритмини яратишга ҳаракат қилиши лозим бўлади. Агар ҳар бир ўқитувчи ўзига хос бўлган дарсга тайёрланиш алгоритмини яратса олмаса, дарс унумдорлиги ўсиши ва камаювчи бўлган эгри чизиқ шаклини бериши мумкин. Бу эса ўқувчилар билимининг айрим мавзулар юзасидан саёзлашувига олиб келади. Кузатиш ва экспертиза натижалари ўқитувчилар қуйидаги алгоритм асосида дарсга тайёргарлик кўрган тақдирда унинг натижалари яхши бўлиши мумкинлигини кўрсатади:

- ҳар бир мавзу бўйича мавжуд адабиётларни йигиб, шу тушунча мавзуни баён қилиниш тузилмасини ўрганиш ва у баённомаларнинг орасидаги фарқи, умумийлиги ва асосий дарсликдаги билан узвийлиги;
- ҳар бир баённомани амалга оширишда таянч тушунчалар тизими билан қўшимча тушунчалар орасидаги фарқ ҳамда мавжуд ифодалардаги умумийликнинг илмий структураси;
- мавзуларга оид тушунча, қонун-қоида, асос, формулаларнинг татбиқий текислиги ва унда қатнашаётган мисол ва масалалар ечилишининг қийинчилик

- даражаси бўйича таснифланиши;
- ҳар бир мавзу таркибида қатнашаётган математик матн ва маълумотларнинг ривожлантириш имконияти ва уни амалга ошириш методик чора-тадбирлари кетма-кетлигига амал қилиш математика ўқитувчиси савиясини кўтарса, иккинчи томондан уни ҳар бир дарсда ўрганиладиган ўқув материалининг мазмунан тўлиқлиги, илмийлиги, системалилиги, изчиллиги ўқувчиларни кейинги ўқув материалини чукур ва ҳар томонлама ўрганишга ундаши билан ҳам характерли бўлади.

Демак, ҳар бир математика ўқитувчига қўйиладиган талаб ўзининг структуравий тузилиши жиҳатидан жуда кенг қамровли бўлиши билан бирга жуда масъулиятли ҳамдир. Агар математика

ўқитувчиси кундалик фаолиятида эътироф этилган талабларга етарли даражада аҳамият берса, унга амал қилса, ундан унумли фойдаланса, у ҳолда ўқувчилар билими юқори кўтарилиши кузатилади. Ўқувчилар билими қанча кўтарилса, уларнинг шовқини, тўпалони, шўхликлари шунча камайиши тадқиқот натижаларида бир неча бор исботланди.

Умуман, ўқувчилар билимининг юқори даражага кўтарилиши – бу ўқитувчи билим ва тажрибасининг ортишига олиб келади. Ҳар бир математика ўқитувчиси шу методик қонуниятни доим эсда сақлаши ва унга ўз фаолиятида амал қилиши таълим сифати ҳамда самарасига ўз ижобий таъсирини ўтказишини ёдда тутиши ўта муҳим.

#### ❖ Фойдаланилган адабиётлар: ❖

1. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997, 20-29 бет.
3. Крамова В.С. Повторяем и систематизируем школьный курс алгебры и начала анализа. – М.: Просвещение, 1990. – 81-82.

## MUSIQA DARSLARIDA O'QUVCHILARNING IJODIY FAOLLIGINI OSHIRISH

**SH. MAJIDOV,  
NavDPI katta o'qituvchisi**

**Annotatsiya:** Ijodiy faollik o'quvchilar tafakkurini o'sishiga, xotiraning rivojlanishiga, dars materialini o'zlashtirishga, musiqani ongli idrok etishga yordam beradi. Ushbu maqolada shular haqida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** repertuari, xorovodlar, raqlar, rebuslar, emotsional his-tuyg'u, musiqiy obrazlar, musiqiy bilim, musiqiy o'quv, ijodiy faollik.

**Аннотация:** В статье раскрыты повышения творческих активностей в уроках музыки учеников малого возраста. В начальных классах музыкальные элементы содержат в себе в основном движения мелодии, высота и размер звука, дискуссия учителей об авторах песен и о содержании мелодии, а также они должны исполнить или услышать песню в магнитофоне, определять характер произведения, средства изложения и содержания, обозначать стилей исполнения, учить песню в виде разделение в музыкальных предложений, обрабатывать свойства исполнительства.

**Ключевые слова:** репертуар, чоровод, танец, ребус, эмоциональные эмоции, музыка, музыка, музыкальное образование, творческая деятельность.

**Annotation:** The article reveals the enhancement of creative activities in the music lessons of young students. In elementary classes, the musical elements contain mainly the movements of the melody, the pitch and size of the sound, the teachers' discussion about the authors of the songs and the content of the melody, as well as they must perform or hear the song in the tape recorder, determine the nature of the work, the means of presentation and content, designate styles performance, learn the song in the form of separation in musical proposals, handle the properties of performance.

**Keywords:** repertoire, dancer, dance, rebus, emotional emotions, music, music, music education, creative activities.

Respublikamizda ta'lif-tarbiyaning rivojlanishiga katta e'tibor qaratilayotgan bir paytda, san'atning barcha turlarida ham bir qator islohotlar amalga oshirilmoqda. O'sib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama kamol toptirish, ijodi va qobiliyatini o'stirish ishiga katta e'tibor berilmoqda. Bu esa umumta'lif maktablari hamda kasb-hunar kollejlari o'quv-tarbiya ishlarini yanada takomillashtirishni, ta'lif va tarbiyaning mushtarakligiga erishishni taqozo etadi.

Musiqa darslarida o'quvchilarning ijodiy faoliyatini oshirish tamoyillarini ishlab chiqish va amalga oshirish ta'lifning ustuvor vazifalaridan biridir.

Musiqiy ijodiy faollik o'quvchilarning musiqiy qobiliyati bilan chambarchas bog'liq bo'lib, bir qator holatlar bilan belgilanadi.

Musiqiy o'quv tovushning baland-pastligi, ohanglar, usullar, ifoda vositalari, yakka ovozli, jo'r ovozli, musiqiy idrok, musiqiy tafakkur, musiqiy hayolot, tinglash va kuylash qobiliyati shular jumlasidandir.

O'quvchilarning ijodiy faolligini oshirish bevosita ikki holatga bog'liq. Birinchidan o'quvchining hayotiy tajribasi va musiqiy taassurotlari ko'lami qay tarzda rivojlanganligi bilan belgilansa, ikkinchidan musiqiy bilim berishning samarali yo'1 va vositalarini qo'llash orqali sezilarli ijobiy

natijalarga erishish mumkin.

Musiqiy bilim va ijodiy jarayonlar ta'sirida o'quvchilarning musiqiy savodxonligi qay tarzda o'sa borishiga qarab bolaning ijodiy rivojlanishi ham ortadi va bu sifat musiqiy faoliyatning hamma turlariga o'zining ijobji ta'sirini o'tkazadi.

O'quvchilarning ijodiy faolligini oshirishdagi quyidagi holatlar doimo o'qituvchi e'tiborida bo'lishi maqsadga muvofiqdir:

- o'quvchining ijodiy va musiqiy layoqatlarini doimo uzviy tarzda borganligini hisobga olish;
- musiqiy bilim, malaka va ko'nikmalar rivojlanishini ijodiy faollikning o'sib, shakllanib borishidagi asosiy kuch deb qarash.

O'quvchilarni musiqiy ijodiy faoliyatining turli-tuman shakl va vositalariga faol jalb qilish orqali ularda hissiy olam va intellektual imkoniyatlarini ham o'sib borishini nazarda tutish.

Ijodiy faollik o'quvchilar tafakkurining o'sishiga, xotiraning rivojlanishiga, dars materialini o'zlashtirishga, musiqani ongли idrok etishga yordam beradi. Bunda o'quvchilarning yoshi va imkoniyatlariga mos keladigan repertuar tanlash, ularning ijodiy faolligini oshirish zaruriy shartdir. Repertuar mazmunan boy, rang-barang, o'quvchilarning idrokiga mos va tarbiyaviy qimmatga ega bo'lishi kerak.

Musiqqa darslarining samarali bo'lishi sinfda o'quvchilarning ijodiy faolligini oshirishga ham bevosita bog'liq. O'quvchilarning ijodiy faolligini oshirish o'qituvchining so'z boyligiga, murojaat qilish san'atiga ega bo'lishni taqozo etadi. O'qituvchi qiziqarli hikoya va suhbati bilan o'quvchilar diqqatini asar mazmuniga, musiqiy obrazlarga jalb etadi. Kompozitorlarning ijodiy biografiyasiga oid hikoyabop qiziqarli voqeя va lavhalardan parchalar keltirishi bilan biron-bir asarning yaratilish tarixini bayon

qilish bilan o'qituvchi o'quvchilarning bilish qobiliyatini tekshiradi, musiqa haqidagi bilim doirasini yangi ma'lumotlar bilan boyitadi.

Musiqa darslarida o'quvchilarning ijodiy faolliklari o'ziga talabchanlikning zarur shartlaridan biridir. O'qituvchi o'z o'quvchilariga dars materiallarini bayon etar ekan, hamma narsani o'zi aytib berishga, tushuntirib berishga harakat qilmaydi, balki o'quvchilarni fikrlash, tafakkur qilish qobiliyatlarini ishga soladi. O'quvchilarni o'ylash taqqoslash, xulosa chiqarish, baholash malakalarini o'stira boradi va bu bilan o'z darsini yanada jonli, qiziqarli bo'lishini ta'minlaydi.

Yosh avlodda san'atning eng faol turlaridan biri hisoblangan musiqaga qiziqish uyg'otib musiqa orqali o'quvchilarni har tomonlama yetuk, komil, barkamol qilib tarbiyalash hozirgi kun musiqa o'qituvchilarining oldiga qo'ygan eng maqsadli vazifalaridan biridir.

Musiqqa darsi o'z tabiatiga ko'ra san'at darsidir. Uni rang-barang, sermazmun va qiziqarli tashkil qilish har bir o'qituvchidan katta pedagogik va kasbiy mahorat talab etadi. «Bolalarni san'atga o'rgatish nihoyatda murakkab, - deb ta'kidlaydi taniqli kompozitor D.B. Kabalevskiy, - hamma murakkablik shundaki, ularni emotsiyonal tarzda qiziqtirmay turib chinakam san'atga o'rgatish mutlaqo mumkin emas».

Bu o'rinda musiqiy mashg'ulotlar jarayonida o'quvchilarning ijodiy faolligini ta'minlash alohida ahamiyatga molik. Musiqani tushunish, uning orombaxsh ta'siridan bahramand bo'lish, malaka va ko'nikmalar qatori emotsiyonal his-tuyg'ularning ishtirokiga ham bog'liq. Asarni ijsro va idrok etishda his-tuyg'ular qanchalik faol va chuqur bo'lsa, ularni tushunish va o'zlashtirish, to'yinish va zavq olish ham shunchalik ongли va chuqur bo'ladi. Buholatlar esa o'z o'mnida ijodiy faollik natijasida sodir

bo‘ladigan jarayon. Zero zerikarli va sokinlik holati sinfda jonli hissiyot holatini tashkil eta olmaydi.

O‘quvchilarni darsga qiziqtirish birinchi navbatda tinglash va ijro etish uchun tanلاندigan asarlar repertuari bilan bog‘liq.

Asarlar repertuarining asosiy mezoni o‘quvchilarning yoshlariga, qiziqishlari, bilim va ko‘nikmalar darajasiga mos bo‘lishi, tematikaning rang-barangligi, g‘oyaviy-badiiy sifati hamda pedagogik qimmati bilan aytganda, mакtabda o‘quvchilarning yoshlari va idrok etish qobiliyatlariga mos keladigan o‘tmish va hozirgi zamonning eng yuksak g‘oya va obrazlarini aks ettiradigan, o‘zining forma va mazmuni bilan go‘zal va hayotbaxsh, nafis va xushohang asarlar bo‘lishi lozim. Zero, faqat mana shunday asarlarga o‘quvchilarda darsga nisbatan qiziqish va havas uyg‘ota oladi, axloqiy-estetik hissiyotlarini, zarur bo‘lgan qibiliyatlarini o‘strib boradi. Bu o‘rinda zamonaviy qo‘shıqlar qatori xalq qo‘shıqlaridan keng va oqilonan foydalanish darsni yanada qiziqarli va sermazmun bo‘lishini ta’minlaydi, yosh ijrochilarda xalqimiz ijodiga, uning musiqa va qo‘shıq san’atiga bo‘lgan mehr va muhabbat tuyg‘ularini shakllantirib boradi. Har bir darsda ijodiy faollik yuzaga keladi.

O‘quvchilarni darsga qiziqtirish darslarni naqadar qiziqarli, mazmunli, tushunarli va qolaversa, materiallarning rang-barang bo‘lishiga ham bog‘liqdir. Musiqa asarlari, rang-barang ko‘rgazmali qurollar, musiqa haqida qiziqarli asos va ma’lumotlarga boy bo‘lgan, boshidan oxirigacha sust bo‘Imagan sur’atda tashkil qilinadigan darslar o‘quvchilarda katta qiziqish uyg‘otadi.

O‘qituvchining asar haqida aytgan so‘zi o‘quvchilarda katta qiziqish uyg‘otadi, ular musiqani diqqat va ishtiyoq bilan tinglaydilar.

Asarni tinglash oldidan o‘quvchilarda paydo bo‘lgan qiziqish asarlarning janri, xarakteri, ifodaviy vositalari kabi qator

musiqaviy bilim va tushunchalarni atroficha va chuqurroq singdira borish uchun o‘ziga xos imkoniyat ochib beradi. O‘quvchilarni darsga qiziqtirishda ijro mahorati ham asosiy shartlardan biridir. O‘z-o‘zidan ma’lumki bo‘g‘iq ovoz bilan aytilgan qo‘shiq, jarangsiz yoki nosoz musiqa asbobida ijro etilgan musiqa hech kimga yoqmaydi, har qanday tinglovchining ishtiyoqini so‘ndiradi. Aksincha, chiroyli ovozda nafis aytilgan qo‘shiq, tiniq soz va jarangdor musiqa asbobida mahorat bilan ijro etilgan musiqa barcha tinglovchilarni darhol o‘ziga rom qiladi. Ularga estetik zavq baxsh etadi.

O‘quvchilarning yoshlik xususiyatlarini hisobga olish darslarni qiziqarli tashkil etishda muhim o‘rin tutadi.

Ma’lumki, kichik yoshdagи o‘quvchilar dars materiallariga doimiy uzoq diqqat berib o‘tira olmaydilar. Ular odatda kichik bo‘lsa ham harakat bilan bajariladigan ishlarga jon dillari bilan kirishib ketadilar. O‘qituvchi o‘quvchilarning bu xususiyatlarini hisobga olgan holda o‘z darsida harakat bilan bajariladigan ishlarga ham keng o‘rin ajratadi. Boshlang‘ich sinf musiqa darslari dasturi ham quyи va vazni yengil, harakati o‘rtacha va bir ovozli ashulalarni turli (xorovodlar, raqslar, rebuslar) musiqali harakatlar ijro etishni talab qiladi.

Bulardan tashqari, darsda ko‘plab harakatli metodlardan foydalanish mumkin. Masalan, o‘rgatilayotgan qo‘shiqning ritmiga qarsak chalib jo‘r bo‘lish, ohang yo‘nalishining ko‘p harakati bilan ko‘rsatib borish, qo‘shiqning har bir taktidagi kuchli hissaga, stol chetiga ohista barmoq urib jo‘r bo‘lish va boshqalar.

Ayrim tajribali o‘qituvchilar, deylik, musiqa tinglash qismida turli janrdagi, turli harakterdagi kuylardan parchalar ijro etib o‘quvchilarga chalinadigan kuylar ichidan raqs yoki marsh kuyini topa olish va bu haqda ijroga halal bermasdan qo‘llarni ohista

ko‘tarib belgi berish, ko‘p harakatlarni musiqa mazmuniga moslash vazifasini topshiradilar.

Bu tajriba o‘quvchilarda katta qiziqish uyg‘otadi. Bu ham xuddi avvalgidek, o‘qituvchi ijrosiga halal bermagan holda har bir musiqani unga mos tushadigan harakatlar bilan ko‘rsatib boradilar. O‘qituvchi marshsimon musiqa ijro etayotgan bo‘lsa o‘quvchilar chap qo‘l kaftlariga o‘ng qo‘lning ikki barmog‘ini qadam tashlagandek yurgizib turadilar. Qo‘llarni belga qo‘yib, vals musiqasiga chap qo‘l kafti ustida o‘ng qo‘l ko‘rsatkich barmog‘ini pastga qarata aylantirib, o‘ng qo‘llarini chap va o‘ngga ohista harakat qildirib jo‘r bo‘lib boradilar va h.k.

Bunday harakat bilan bajariladigan mashqlar o‘quvchilarda qiziqish uyg‘otibgina qolmay, ularning diqqatlarini jamlaydi, ham-jihatlik, qunt va e’tibor bilan mehnat qilishga o‘rgatadi. Harakat jo‘rligi bilan tinglangan

asarlar o‘quvchilar tomonidan mustaqil va ongli idrok etiladi. Xotirada uzoq vaqtgacha saqlanib qolinishiga yordam beradi.

O‘quvchilar o‘z mahoratlarini boshqalar oldida namoyish qilishga katta qiziqish bilan qaraydilar. Xor va ansambllar tarkibida ishtirok etib turli konsertlar va chiqishlarda qatnashish o‘quvchilarga olam-olam quvonch, zavq bag‘ishlaydi. Bu ham ijodiy faollik hisoblanadi.

Maktabda hamda kasb-hunar kollejlarida musiqa darslarini olib borish o‘z tabiatiga ko‘ra murakkab va mas’uliyatli vazifadir. Har bir o‘qituvchi o‘z fanini sevishi, bolalar tarbiyasida katta mas’uliyat his qila bilishi zarur. O‘quvchilarni tarbiyalashda to‘g‘ri va tizimli amalga oshirilgan tadbirlar ularning keyingi yillarda har tomonlama va ayniqsa, estetik jihatdan shakllanib borishlarida mustahkam zamin bo‘lib xizmat qiladi.



### Foydalilanigan adabiyotlar:



1. Fayziyev O. “Musiqa va tarbiya” Iстиқлол nashriyoti. –T.: 2004.
2. Estetik tarbiya asoslari. N.A.Kushaev tahriri asosida. –T.: O‘qituvchi 1988.
3. Musiqa o‘qitish metodikasi. TDPU 2005.
4. Sh. Ro‘ziyev Xorshunoslik. –T.: O‘qituvchi 1978.
5. Musiqa o‘qitish metodikasi. –T.: 1997I.
6. D. Omonullayeva, I.Botirov. Davlat ta’lim standartiga sharh.
7. M.A.Nurmatova. “Musiqa o‘qitish metodikasi va maktab repertuari” fani bo‘yicha ma’ruzalar matni. Urganch 2007.
8. D.Omonullayeva. “Maktabda musiqa tarbiyasi metodikasidan leksiyalar tezislari” –T.: 1990.
9. Estetik tarbiya asoslari. N. A. Kushayev taxriri ostida. –T.: O‘qituvchi, 1987.

# КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ПСИХОЛОГЛАРИ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИДА ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

**Д.МАХМУДОВА,  
Низомий номидаги ТДПУ доцент в.б.**

**Аннотация:** Республикаизда кейинги йилларда психологиянинг ривожи, амалий психологияга жиддий эътибор берилмоқда. Жойларда, хусусан, касб-хунар колледжларида психолог-маслаҳатчилар фаолияти жонлантирилмоқда. Ушбу мақолада ёш психологларга маслаҳатлар берилади.

**Kalit so‘zlar:** Консультант психолог, эмпатия, меҳнат жамоалари, меҳнат бозори, маънавий янгиланиш, соғлом муҳит.

**Аннотация:** В последние годы развитие психологии и практической психологии уделяется много внимания. Психолог-консультант работает в местах, особенно в профессиональных колледжах. В этой статье приведены советы для молодых психологов.

**Ключевые слова:** Психолог-консультант, эмпатия, трудовые коллективы, рынок труда, духовное обновление, здоровая окружающая среда.

**Annotation:** In recent years, the development of psychology and practical psychology has received much attention. A counseling psychologist works in places, especially in vocational colleges. This article provides tips for young psychologists.

**Keywords:** Counseling psychologist, empathy, labor collectives, labor market, spiritual renewal, healthy environment.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг инсон шахсига бўлган муносабат кескин ўзгарди. Ижтимоий иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳар қандай давлатнинг салоҳияти авваламбор шу давлатнинг ҳар томонлама ривожланган, тараққиётнинг бугунги ва эртанги куни талабларига ўзининг интеллектуал ва ахлоқий, ижтимоий, психологик жиҳатлари билан жавоб бера оладиган фуқаролари, ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимларида фаолият қўрсатадиган кадрларига бевосита боғлиқdir.

Ҳозирги кунда жамиятнинг барча жабхаларида – иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, таълим-тарбия соҳаларида фаол ўзгаришлар рўй бераётган, меҳнат бозори ва таълим хизматлари шаклланаётган даврда жамоаларнинг фаолиятини ижтимоий психологик жиҳатдан психология фанининг ва амалиётининг маълумотлари асосида

таъминлаш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётининг бош йўналишини жамиятнинг маънавий янгиланиши, таълим, кадрларни тайёрлаш, жамиятда миллатлараро ва фуқаролик яқдиллик кабилар ташкил этади. 2017-2021- йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ҳозирги кунда жамият ўкув, меҳнат жамоалари, оилада маънавий-ахлоқий, соғлом муҳитни яратиш республикамиз барча фуқаролари, айниқса, таълим муассасаларида фаолият қўрсатувчи психологларнинг муҳим вазифалари-

дан бири ҳисобланади.

Психолог ёрдамига реал ва ҳаммадан ҳам кўп муҳтож бўлувчилар, аслида ҳаётга етарлича яхши мослаша олмаган, ўзини кўпинча омадсиз деб ҳис қилувчи, эмоционал зўрикишларга, хулқдаги оғишларга эга бўлган ўқувчилар бўлиб, улардаги оғишлар эса ўз навбатида кўп сонли ҳаётий фрустрациянинг натижаси ҳисобланиши мумкин. Шу ўринда соҳадаги маҳсус мутахассис Р.Меемнинг сўзларини келтириши мумкин: “*Консультант психолог деб ёзган эди у, одамларни ўзига қаратишни билиши керак, ҳар қандай жамоада ўзини эркин тутма билиши, эмпатияга қобилиятли бўлиши керак, энг асосийси ҳақиқий психолог консультант бу ўз хоҳии билан мижозни тушунишига ҳаракат қилиши ва мижозга ўзини яхши кўриши, яхши томондан қарашни ва шахс сифатида ўз қадрини сингдира олиши керак*”.

Бугун психолигик маслаҳат жараёнини бошидан охиригача маслаҳат ўтказишнинг асосий босқичлари кетма-кетлиги кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Ушбу асосий босқичларнинг ҳар бири маслаҳат ўтказиш жараёнида зарур бўлади, қайсиdir хусусий вазифани ҳал этади ва айнан ўзига хос хусусиятларига эга бўлади.

Психолигик маслаҳат ўтказишнинг асосий босқичлари қўйидагилар:

**1. Тайёрланиш босқичи.** Ушбу босқичда психолог маслаҳатчи ўқувчи билан рўйхатга олиш журналидаги дастлабки қайдлар, шунингдек, учинчи шахслар, масалан, мижоздан маслаҳат олишни тавсия берган педагог ёки ота-оналардан олиш мумкин бўлган маълумотлар билан танишади. Бундан ташқари, ишнинг ушбу босқичида психолог маслаҳатчи ўзи маслаҳат ўтказишга тайёрланади. Психолог маслаҳатчининг ушбу босқичдаги иш вақти, одатда 20 дақиқадан 30 дақиқагача бўлади.

**2. Сўзлашиш босқичи.** Ушбу босқичда психолог маслаҳатчи шахсан ўқувчи билан учрашади, у билан танишади ва биргаликдаги фаолиятга ҳозирланади. Худди шу жараён мижоз томонидан ҳам амалга оширилади. Агар маслаҳат ўтказиш учун қолган барча нарсалар тайёрланган бўлса бу босқич ўртacha 5 дақиқа вақтни банд этиши мумкин.

**3. Диагностик босқич.** Ушбу босқичда психолог маслаҳатчи ўқувчи ҳикоясини эшитади ва уни таҳлил қилиш асосида ўқувчи муаммосига аниқлик киритади, ойдинлаштиради. Ушбу босқичнинг асосий қисмини ўқувчининг ўзи ҳақида ва ўз муаммолари ҳақида ҳикояси (кўнгил ёриши) ҳамда агар ўқувчи муаммосини аниқлаштириш ва унинг оптимал ечимини топиш учун ўтказиш зарур бўлса, ўқувчининг психолигик диагностикасини ташкил этади. Психолигик маслаҳатнинг ушбу босқичини ўтказиш учун зарур бўлган вақтни етарлича аниқ белгилашнинг имкони йўқ. Чунки у кўп жиҳатдан ўқувчи муаммосининг хусусиятига ва унинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади.

**4. Маслаҳат босқичи.** Психолог маслаҳатчи олдинги босқичларда ўқувчи ва унинг муаммоси ҳақида керакли маълумотларни жамлаган ҳолда, ушбу босқичда ўқувчи билан биргаликда унинг муаммосини ечиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқади. Бунда ушбу тавсиялар аниқлаштирилади, ойдинлаштирилади ва барча муҳим деталларга аниқлик киритилади.

Демак психолигик маслаҳатни ўтказиш учун сарфланадиган ўртacha вақт одатда 40 дақиқадан 1 соатгача бўлиши мумкин.

**5. Назорат босқичи.** Ушбу босқичда психолог маслаҳатчи ва ўқувчи томонидан олинган маслаҳат ва тавсияларнинг амалий бажарилишини қандай назорат қилиш

ва баҳолаш ҳақида келишиб олишади. Бунда психолог маслаҳатчи ва ўқувчи келгусида ишлаб чиқилган тавсияларни бажариш жараёнида пайдо бўлиши мумкин бўлган қўшимча саволларни қаерда, қачон ва қандай муҳокама қилишлари ҳақидаги масалага ойдинлик киритади. Ушбу босқич сўнгида, агар зарур бўлса, психолог маслаҳатчи ва ўқувчи улар кейинги сафар қаерда ва қачон учрашишлари ҳақида келишиб олишлари мумкин. Психологик маслаҳатнинг ушбу якунловчи босқичи ўрта ҳисобда 10-15 дақиқа вақтни ташкил этиши мумкин.

Ўқувчиларга психологоқ маслаҳатлар берувчи психолог билими ва касбий маҳоратидан ташқари маҳсус шахсий хусусиятга ҳам эга бўлиши керак. Зоро, у одамларни севиши, сўзсиз уларнинг ҳолатларини тушуниши ва ҳис қилиши, меҳрибон, сабрли, тез киришиб кетадиган ҳамда масъулиятли бўлиши лозим. Чунки психолог ўз фаолияти давомида наслимиз давомчилари бўлган ўқувчиларни нафақат жисмонан бақувват, балки маънавий бой, янги давр талабига жавоб берадиган, мулоқот жараёнида эркин фикр юритадиган шахс қилиб тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшади.

### **Психологик маслаҳат ўтказиш вақтида тажрибали ва ёш психолог консультантнинг фарқий таққосланиши**

<b>Хулқни таққослаш хусусияти</b>	<b>Тажрибали психолог консультант</b>	<b>Ёш психолог консультант</b>
Консультация беришнинг мақсади	Ўқувчига ўз олдига қўйган мақсадига эришишга ёрдам беради	Ўқувчига ўз олдига қўйган мақсадига эришишга ёрдам беришга интилмайди
Консультация даврида ўқувчига таклиф қилинадиган тавсияларнинг стратегияси	Ўқувчига ўзини тутиш турларини, агар шу нарса лозим бўлса, уни қилиши мумкин бўлган аниқ ҳолатларни тавсия этади	Ўқувчига фақатгина ўзини тутишнинг ҳар хил ҳолатини тавсия этиб ўқувчи сўраса ҳам керак бўлган тавсия ва маслаҳатларни беришни рад этади
Консультация бериш даврида бўладиган ҳолат	Ҳар қандай ҳолатни ҳам тўғри қабул қиласи ва амалиётга татбиқ этишга қодир	Фақат ўзининг ягона нуқтаи назарига суяниди ва бошқаларнинг фикрини тушуниш хусусиятига эга эмас
Ўқувчи билан текширув ўтказаётганда назарий психологик аниқликнинг қўлланилиши	Тушунади, қабул қиласи ва ҳар хил назарияни амалиётда қўллайди, кўп ҳолатда муқобил психотерапевтик ёндашувларни тўғри кўра олади ва юқори баҳолайди	Фақатгина ягона назария билан ёки психотерапевтик ёндашув билан амалиётда ишлайди, қолган назария ва ёндашувларни ҳаққоний эмас деб қабул қиласи
Шахсий имконият ва чекловларни тушуниш	Шахсий чекловларни тушунади. Малакаси кўпроқ, тажрибали психолог консультантнинг олдида ишлашга рози, ўз тажрибасини бошқа психолог консультантлар билан бўлишишга ва уларнинг тажрибасига таянишга тайёр	Шахсий имкониятларидан чегараланмаган, тушунмаган ҳолда ҳаракат қиласи, бошқа психолог консультантларнинг ишлашини рад этади, ўзининг профессионал тажрибасини бошқа психолог консультантлар билан бўлишишни истамайди ва уларнинг тажрибасини ҳам ўз иш фаолиятида қўлламайди



## ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА ДЕПРЕССИВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ЮНОШЕСКОМ ВОЗРАСТЕ

**Л.МАЛАЩЕНКО,**  
**Магистрантка ТГПУ имени Низами**

**Аннотация:** В юношеском возрасте депрессивные тенденции, оказывают влияние на учебную и общественную жизнь студентов, а также на сферу их личной жизни и ведут к значительной социальной дезадаптации. В статье представлен теоретический обзор психологических исследований по изучению депрессивных тенденций в период студенчества и влияния на нее таких факторов, как локус контроль, дисфункциональные установки и стили привязанности.

**Ключевые слова:** депрессивные тенденции, юность, студенческий возраст, локус контроль, стиль привязанности, дисфункциональные установки.

**Annotation:** In youth period of personal development, depressive tendencies affect their personal achievement and social life of students, as well as their personal live and lead to considerable social disadaptation. The article presents a theoretical overview of depressive tendencies of the university student's and correlation between depressive tendencies and such factors as locus control, dysfunctional attitudes and graduated styles.

**Keywords:** depressive, adolescent teenager, locus control, graduated style, dysfunctional settings.

**Аннотация:** O'smirlik davrida depressiv tendentsiyalar o'quvchilarning ta'lif va ijtimoiy hayotiga, shuningdek, ularning shaxsiy hayoti sohasiga ta'sir qiladi va ijtimoiy ahamiyatga molik ijtimoiy ahamiyatga ega emas. Ushbu maqolada talabalik davridagi depressiv tendentsiyalarning nazariy ko'rinishi va uning ta'siri mahalliy boshqaruv, noto'g'ri munosabat va biriktiruvchi uslublar kabi omillar aks ettiriladi.

**Kalit so'zlar:** depressiv tendentsiyalar, o'smirlik, talaba yoshi, lokus nazorati, biriktiruvchi uslubi, disfunktsiya parametrlari.

Одной из приоритетных задач нашего государства является воспитание всесторонней гармонично развитой личности. Это отражено в законах «Об образовании» и в «Национальной программе по подготовке кадров».

Президент Шавкат Мирзиёев с трибуны Генассамблеи ООН призвал участников сотрудничать в сфере социальной поддержки молодого поколения, защиты его прав и интересов: «Завтрашний день, благополучие планеты, зависят от того, какими людьми вырастут наши дети. Наша

ключевая задача – обеспечить условия для самореализации молодежи. Мы считаем, что для этого надо развивать многостороннее сотрудничество в сфере социальной поддержки молодого поколения, защиты его прав и интересов».

По данным Всемирной Организации Здравоохранения депрессия является одним из самых распространённых синдромов – она присутствует у 350 млн. человек разных возрастов во всём мире. Депрессия может приводить к множеству негативных последствий, включая проблемы со здо-

вьем и социально-психологической адаптацией.

Выявление на ранних стадиях депрессивных тенденций, позволяет предотвратить ее тяжелое протекание и выступает превентивной мерой для неблагополучного развития личности.

В термин «депрессия» вкладывается разное дефинитивное наполнение, он используется для описания симптома, синдрома или заболевания. Чаще всего этот термин определяет синдром, который включает психологические, эмоциональные, соматоневрологические и прочие проявления.( Ustun T. V., Sartorius N. 1993, 15-20 с.).

Депрессия относится к классу психических расстройств и характеризуется так называемой “депрессивной тройкой”:

Снижение настроение и потеря способности переживать радость;

Изменения в процессе мышления: пессимизм, негативные суждения, отрицательные прогнозы на будущее ;

Двигательная и мыслительная заторможенность, вялость и апатия.

Депрессия относится к нарушениям эмоциональной сферы.( Комер Р. 2002).

При депрессии снижена самооценка, наблюдается потеря интереса к жизни и привычной деятельности, за исключением ее соматических проявлений, в чем и заключается разграничение психологического понятия депрессии от медицинского диагноза.

Использование в данной статье термина «депрессивные тенденции » опирается на психологическую составляющую данного понятия. Термин «депрессивные тенденции» относится к классу психологических состояний, обладая необходимыми для этого психологическими характеристиками.

Выделив понятие следователь-

но, предпосылками депрессии являются депрессивные тенденции ,при которых наблюдается расстройство настроения, то есть комплекс психических нарушений, связанных прежде всего с эмоциональной сферой.

Считается что, депрессивные тенденции воздействуют на организм человека, на его чувства, мысли и поступки, а также на его социальную адаптацию. Если не «нивелировать» данные тенденции, это может повлиять на успеваемость в учебе, привести к алкогольной или наркотической зависимости.

Рост депрессивных тенденций, среди юношеского возраста, побудил Г. Л. Клеман (G.L. Klerman) назвать ХХ век «веком молодежной меланхолии», с переходом в новое столетие ситуация лишь усугубилась.

Юность рассматривается как психологический возраст перехода к самостоятельности, период самоопределения, приобретения психической, идейной и гражданской зрелости, формирования мировоззрения, морального сознания и самосознания.

Ведущая деятельность в юности - учебно-профессиональная и профессиональное самоопределение.

В настоящее время условия получения образования в высших учебных заведениях можно отнести к специальному виду деятельности, связанному с высоким уровнем психических и физических нагрузок, крайне возрастающих в сессионный период, дефицитом времени, необходимостью усваивать в сжатые сроки большой объём информации, повышенными требованиями к решению проблемных ситуаций, жёстким контролем и регламентацией режима. Напряженный ритм жизни располагает к невротическим реакциям, психогенные расстройствам, вызываемым

конфликтами, ссорами между людьми, одиночеством, страхом, а также разнообразными заболеваниями и депрессивным состоянием.

Годы студенчества — своеобразный этап жизненного пути. Основа вполне объяснима — обучение в соответствии с целью, задачами, а главное — мотивацией, обусловленной получением специальности в данном ВУЗе.

Э. Эрикссон поиск самоопределения рассматривал как поиск личностной идентичности. Он считал, что кризис идентичности включает ряд противостояний:

- временная перспектива или расплывчатое чувство времени;
- уверенность в себе или застенчивость;
- экспериментирование с различными ролями или фиксация на одной роли;
- сексуальная поляризация или бисексуальная ориентация;
- отношения лидер / последователь или неопределенность авторитета;
- идеологическая убежденность или спутанность системы ценностей.

В студенческие годы в связи со сменой привычной среды может быть обострена неудовлетворенностью результатами учебы, межличностными отношениями, потерей привычного статуса в группе, тревогой в выборе будущей профессии. Это приводит к депрессивным тенденциям, стрессам и нервному истощению, утомляемости и так называемой дезадаптации. Депрессивные тенденции могут проявляться в изменении системы внутренней регуляции, серьезных отклонениях в психике, саморазрушающем поведении и дисфункциональным установкам.

Исследование развития депрессивных тенденций осуществлялось в таких подходах, как в психоаналитических, бихевиоральных, когнитивных, так и интерперсональных подходах. Каждый из указанных

подходов существенно повлиял на понимание развития депрессивных тенденций. Однако существуют противоречия между ними.

Общей принципиальной позицией психоаналитиков является признание всех депрессий экзогенным расстройством, возникшим в ответ на психотравмирующее событие. Хотя депрессия может рассматриваться как автономное образование, т.е. возникшее однажды в результате фрустрирующего воздействия и персистирующее на протяжении жизни, этиологически она определяется как реактивная.

Бихевиористские теории депрессии также как и психоаналитические, относятся к этиологическим, однако, в отличие от психоанализа, концентрирующегося на интрапсихических явлениях, в бихевиористских подходах внимание обращено к поведению, а рассуждения строятся на строго верифицированных феноменах. Бихевиористский подход не позволяет понять личность в целом и те константы, которые характеризуют данного индивида.

Когнитивный подход вводит ряд важных концептов, позволяющих направить их на область нормального психического функционирования самосознания и является одной из наиболее психологически проработанных моделей депрессии. Однако сведение депрессивного симптомо-комплекса к когнитивному каузативу некоторые авторы считают недоказанным и считают, что когнитивные нарушения являются скорее следствием, а не причиной депрессивных состояний.

Тогда как интерперсональная (Interactional Theory) теория подчеркивает роль социального взаимодействия (отношения с семьей, со сверстниками) в депрессивном состоянии.

На разрешение данных противоречий направлены такие исследования в кото-

рых, мы попытались изучить взаимосвязь дисфункциональных установок, локуса контроля, стилей привязанности депрессивных тенденций.

Интерперсональная теория – Гарри Стек Салливан – создатель концепции, ее главный принцип – в том, что касается личности, – заключается в следующем: личность – это "относительно устойчивый рисунок периодически возникающих межличностных ситуаций, характеризующих жизнь человека" одна из таких интегративных теорий, которая может быть использована как когнитивно-интерперсональная структура для понимания развития депрессивных тенденций у студентов. Динамика привязанности, которая развивается между младенцем и опекуном, может быть использована для понимания роли познаний и ожиданий других в межличностном контексте. Следовательно, не имеет смысла в качестве объекта исследования рассматривать индивида, поскольку тот не может существовать – и не существует – отдельно от взаимоотношений с другими людьми.

В этой связи, необходимо рассмотреть теорию Джон Боулби, который рассматривал привязанность, как способ объяснения поведения человека, концептуализации поведения привязанности и стремления к близости, как эволюционно выгодного.

В рамках этой теории детское поведение, связанное с привязанностью, главным образом, представляет собой поиск близости с объектом привязанности (англ. attachment figure) в стрессовых ситуациях. Дети привязываются к тем взрослым, которые чувствительны и отзывчивы при социальном взаимодействии с ними, и которые устойчиво выполняют роль воспитателя на протяжении нескольких месяцев в период от 6 месяцев до 2 лет возраста ребёнка. Во второй половине этого периода дети начинают использовать объекты

привязанности (знакомых людей) как надёжную базу (англ. secure base), от которой начинается изучение мира и к которой они периодически возвращаются. Ответные родительские отношения приводят к развитию типов привязанности, а они, в свою очередь, приводят к внутренним рабочим моделям, которые будут определять чувства, мысли и ожидания в последующих взаимоотношениях. Беспокойство или скорбь после утраты объекта привязанности считается нормальной и адаптивной реакцией для ребёнка. Стили обычно подразделяются на три типа: безопасные, тревожные и избегающие. Эти типы не только описывают поведенческие модели человека, но также представляют собой организацию ожиданий других в ответ на стремление к комфорту или уверенности. Подобные стратегии поведения могли развиться из-за того, что они увеличивают вероятность выживания ребёнка.

В 1980-х годах теория была расширена и дополнена привязанностью у взрослых. Элементы поведения, связанного с привязанностью, можно найти и в других типах взаимодействия, включая взаимоотношения со сверстниками для всех возрастов, романтическое и половое влечение, а также заботу о детях или больных и пожилых людях.

Хотя ситуационные влияния и новые межличностные переживания могут в какой-то степени влиять на безопасность привязанности, данные свидетельствуют о том, что с течением времени наблюдается умеренная степень стабильности безопасности привязанности. Устойчивость привязанности во времени представляет особый интерес, поскольку привязанность, сформированная как у младенца, может сыграть значительную роль в концептуализации личности и в других будущих отношениях, как в детстве, так и в

юношеском возрасте, когда люди начинают консолидировать познания и ожидания мира.

Таким образом, небезопасные стили привязанности в юношеском возрасте могут быть уязвимы для депрессивных тенденций.

Небезопасная привязанность также может способствовать когнитивной уязвимости к депрессии, в частности, дисфункциональным установкам.

На сегодняшний день несколько исследований показали, что небезопасная привязанность связана с дисфункциональными установками и депрессией юношеском возрасте.

Негативные эмоции появляются у людей не вследствие окружающих их событий, а вследствие их негативной интерпретации с людьми из-за дисфункциональных убеждений, усвоенных с детства и в течение жизни.

Некоторым людям свойственны дисфункциональные установки, которые делают их особенно уязвимыми для депрессивных тенденций перед лицом негативных ситуаций.

Одна из основных негативных установок – привычка связывать свое счастье и самооценку с тем, насколько мы соответствуем некоему «идеалу» или получаем ли мы одобрение со стороны других людей. Если мы следуем таким убеждениям, то когда происходит что-то плохое, у нас автоматически возникают негативные мысли о себе и о ситуации в будущем. А.Бек называет подобные мысли негативной когнитивной триадой.

Согласно когнитивному подходу, к депрессивным тенденциям могут приводить ожидания того, что с нами произойдет что-то плохое и не произойдет ничего хорошего, и при этом мы ничего не можем сделать, чтобы избежать неприятных

событий. Исходя из этого, можно утверждать, что в основе депрессивных тенденций лежит безнадежность в условиях дисфункциональных установок.

Использование интегрированного когнитивно-межличностного подхода позволяет исследовать взаимодействие между внутренними, так и внешними факторами. Критериями внутреннего и внешнего фактора рассматривается локус контроля [лат. locus - место, местоположение и франц. contrôle - проверка] - качество, характеризующее склонность человека приписывать ответственность за результаты своей деятельности внешним силам, либо собственным способностям и усилиям.

Существуют индивидуальные различия, которые зависят от того, на кого люди возлагают ответственность за происходящее с ними. т.е. уверенности или субъективной вероятности того, что поведение людей в определенной психологической ситуации будет чем-то подкреплено, выделяются два типа людей: первых это те, кто уверен, что сможет проконтролировать и повлиять на получаемые результаты – это люди с интернальным (внутренним) локусом контроля ("интернал" - от английского "internal", внутренний); среди других те, кто считает, что подкрепления – дело случая или судьбы - это люди с экстернальным (внешним) локусом контроля ("экстернал" - от английского "external", внешний).

Интерналами считаются те, с которыми происходящие явление обусловливаются их личностными качествами, таких, как, мотивация, целеустремленность, способности, и являются системным результатом их деятельности. В случае экстерналов, человек уверен, что его достижения или неудачи являются следствие влияния внешних сил, таких как судьба, случайность, окружающие, другие люди и т.д.

Мы предполагаем, что коррекцион-

ная программа направлена на развитие вязанности позволит снизить уровень де- конструктивных установок, внутреннего прессивных тенденций. локуса контроля и надежного стиля при-

#### **Используемая литература:**

1. Beck AT. Cognitive models of depression. *Journal of Cognitive Psychotherapy: An International Quarterly.* 1987;1:5–37.
2. Bowlby J. *Attachment and loss: Vol. 3. Loss, sadness and depression.* New York: Basic Books; 1980.
3. Coyne .*Interactional Theory of Depression,* 1976.
4. Hankin BL, Kassel JD, Abela JRZ. Adult attachment dimensions and specificity of emotional distress symptoms: Prospective investigations of cognitive risk and interpersonal stress generation as mediating mechanisms. *Personality Social Psychology Bulletin.* 2005;31:136–151.
5. JulianRotter. *Rotter Internal-External Locus of Control Scale.* 1966.
6. Reinecke MA, Rogers GM. Dysfunctional attitudes and attachment style among clinically depressed adults. *Behavioural and Cognitive Psychotherapy.* 2001;29:129–141.
7. Roberts JE, Gotlib IH, Kassel JD. Adult attachment security and symptoms of depression: The mediating roles of dysfunctional attitudes and low self-esteem. *Journal of Personality and Social Psychology.* 1996;70:310–320.
8. Когнитивная терапия депрессий / А. Бек и др. – СПб. : Питер, 2003.
9. Кон И.С. Психология юношеского возраста, - М: Просвещение, 1979. -175 с.
10. Рыльская Е. А. Психология жизнеспособности человека : дис.д-ра психол. наук. – Ярославль, 2014.
11. Смулевич А.Б. Депрессии в общей медицине, -М.: 2000;24.

## КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**А.НИЗАМОВ,**  
**КҲТТИРПҚМО ва УҚТ институти директори ўринбосари**  
**Н. САЙДАМАТОВ,**  
**КҲТТИРПҚМО ва УҚТ институти докторанти**

**Аннотация:** Мақолада касб-хунар таълими тизими муассасалари учун инновацийлар тўғрисида тушунчалар берилган, хорижий давлатлар тажрибаси умумлаштирилган ва тизимни инновацион ривожлантириш йўналишлари кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** инновация, инновацион жараён, инновацион фаолият, инновацион ривожланиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3504-сонли қарорига мувофиқ Касб-хунар таълими маркази ҳузурида Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ташкил қилинди.

Институтнинг мақсади – касб-хунар таълими тизими муассасалари ва ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари учун меҳнат бозори талабларига мувофиқ касб таълими ўқув-меъёрий, ўқув-услубий таъминотини яратиш, такомиллаштириш ва жорий этиш, касбий таълим ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва бошқарув кадрлар заҳирасини тайёрлаш жараёнларига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни татбиқ этиш орқали сифат ва самародорлигини кўтариш, касбий, педагогик, бошқарув ва ишбилармонлик компетенцияларни ошириш асосида КҲТТни инновацион ривожлантиришдан иборатdir.

Институтнинг мақсадидан келиб чиқкан ҳолда биз ушбу мақолада “инновация”, “инновацион жараёнлар”, “инновацион фаолият” тушунчаларини кенг тарғибот

этиш ва касб-хунар тизимини инновацион ривожлантириш йўналишларини аниқлаб олишга ҳаракат қилдик.

“Инновация” сўзи – лотин тилидан олинган бўлиб, таржимаси “янгиланиш, ўзгартириш, қандайдир янгилик киритиш, янги нарсани жорий этиш маъноларини билдиради. “Янгилик киритиш” (инновация) тушунчаси ҳам янгилик сифатида, ҳам ушбу янгиликни амалиётга жорий этиш жараёни сифатида ҳам тавсифланади.

XX асрнинг бошида янги билим соҳаси – моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги техник инновациялар қонунларини ўрганадиган инновациялар фани шаклланди. Янгиликларни жорий этиш – инноватика фани фирмаларнинг янги ғоялар, хизматларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга ошиб бораётган эҳтиёжи натижасида вужудга келади.

Дастлаб инноватика фани предмети илмий-техник янгиликларни яратиш ва тарқатишининг иқтисодий ва ижтимоий қонуниятларини ўрганишдан иборат бўлган бўлса, кейинчалик янги фаннинг кўлами кенгайиб, ижтимоий инновацияни ҳам қамраб олади.

**Давлат сектори инновациялари**  
 Ижтимоий инновацияларнинг типологиялари:

- сиёsat янгиликлари (янги миссиялар, мақсадлар, стратегиялар);
- хизматлар соҳасидаги инновация-

лар (янги функциялар ва янги хизматларни лойиҳалаш, жумладан, таълим хизматлари);

- таъминот ва етказиб беришга оид инновациялар (хизмат кўрсатишнинг янги усуслари ва хизмат фойдаланувчилари билан ўзаро ҳамкорлик);
- инновациялар жараёни (янги ички тартиблар ва ташкилий шакллар);
- тизим инновациялари (давлат бошқарув тузилмалари) ёки тизимли / радикал ва қўшимча инновациялар (масалан, касб-хунар таълими тизими).

Нима учун касб-хунар таълимида инновациялар зарур?

Оддий ислоҳотлар етарли эмас, ўқувчилар ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган таълим хизматларини ўзгартириш учун инновациялар зарур ва қўйидаги чақириқларга жавоб бериши керак:

Глобал рақобат – иш табиати ва иқтисодиёт структураси ўзгаришларига жавоб бериши; билимлар иқтисодининг ривожланиши;

таълим хизматларининг шахсга қаратилиши ва буюртмага асосланиши;

жамиятнинг умид билан кутишларининг ўсиб бориши;

демографик омиллар – ҳаёт давомида таълим;

ёшлар ўртасида норасмий ишсизлик ва ижтимоий айришлар;

ривожланаётган технологиялар – АКТ;

нокогнитив қўнималар аҳамиятининг эътироф этилиши – масалан, Хекман, Фейнштейн тадқиқотлари; ишберувчиларнинг талаблари.

Халқаро тажрибаларни ўрганиш касбий таълим тизимидағи ўзгаришларни умумлаштириш имконини беради.

Халқаро касбий таълим тизимидағи бир қатор кенг кўламли тенденциялар қўйидагилардан иборат:

1. Нокогнитив қўнималар ва компетенцияларга асосланган таълим моделлари – масалан, Сингапур, Дания мамлакатлари

тажрибаси.

2. Касбий ва академик таълим ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш – масалан, Австралия ва Англия мамлакатлари тажрибаси.

3. Тузилмаларни соддалаштириш, мослашувчанликни ошириш – масалан, Дания, Германия, Буюк Британия мамлакатлари тажрибаси. Таълим олишни енгиллаштириш, хизматларни кенгайтириш, натижани яхшилаш, ҳаёт давомида таълим, шахсга қартиш.

4. Иш берувчиларнинга ҳамиятли иштироки.

5. АКТ – масофавий таълим.

Касб-хунар таълими муассасаларининг инновацион йўналишлари:

1. Таълим мақсадларига ўзгартиришлар киритишига оид инновациялар:

а) турли қобилиятларни ўз ичига оладиган умумий компетенцияларни ва касбий фаолиятнинг асосий турларига мувофиқ компетенцияларни шакллантириш:

- давлат таълим (тармоқ) стандартлари, малака талаблари, малака меъёрларини ишлаб чиқиш;

- 6 ойлик тайёргарликка асосланган ишчи касблар компетенцияларини шакллантириш, малака меъёрларини ишлаб чиқиш;

- 2 йиллик тайёргарлик талаб этиладиган ишчи касблар компетенцияларини шакллантириш, малака меъёрларини ишлаб чиқиш;

- 2 йиллик тайёргарликка асосланган ўрта бўғин мутахассислари компетенцияларини шакллантириш, малака меъёрларини ишлаб чиқиш;

- ўқув ишлаб чиқариш мажмуаларида тайёрланадиган касблар бўйича ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш;

- ҳаёт давомида таълимни таъминлайдиган катта ёшдагилар таълими ва қўшимча таълимни жорий этиш ва ўқув-меъёрий хужжатларини ишлаб чиқиш;

б) таълимни инсоннинг ижодкорлик салоҳиятини, табиий моҳияти ва ижтимоий

эҳтиёжларини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратиш:

- инновацион ривожланишнинг муҳим омили бўлган шахсга йўналтирилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш. Билимларни факат ёдлаб олиш эмас, балки ҳар бир ўқувчининг бўлажак касб эгаси сифатида ўз шахсини намоён этиш механизмини шакллантириш, ижодкорлик тажрибаси билан бойитиши;
- шахснинг ижодкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш ва компетенцияларини шакллантириш мақсадида ўқув машғулотларида ижодий топшириқлардан фойдаланиш;

- ўқувчилар ижодий тафаккурини шакллантириш, намоён этиш ва ривожлантиришга қаратилган дарсдан ташқари тадбирларни амалга ошириш (ўқувчилар ижодий клублари, инновацион ғоялар генерацияси, техник-ижодкорлик тўгараклари, Start up каби ўқувчилар клубларини ташкил этиш ва кўрик танловларга қатнашишга тайёрлаш);

- ўқувчилар ижодий салоҳиятини рафбатлантириш ва намойиш этиш имкониятларини берадиган кўрик-танловлар, касблар фестивали, конференциялар ўтказиш, халқаро миқёсда ўтказиладиган танловлар базасини шакллантириш ва таълим муассасаларига етказиш.

2. Таълим мақсадаларидағи ўзгаришлар таълим мазмуни инновацияларини тақозо этади:

а) ишлаб чиқилган давлат таълим (тармоқ) стандартлари, малака талаблари, малака меъёrlари асосида намунавий ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш. Бунда фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг янги ютуқларини (янги услуга ва технологияларнинг, кашфиётларнинг, янги жиҳозларнинг жорий этилиши, лавозим вазифаларини амалга оширишда ахборот технологияларнинг қўлланилиши), фанлараро алокаларни, доимо янгиланиб турадиган касбий фаолият ахборотларини, меҳнат шароитларини иnobatga олиш;

б) замонавий ўқув адабиётлари, методик қўлланма ва тавсиялар, ўқув методик мажмуалар, дарс ишланмалари, плакатлар ва бошқа кўргазмали қуроллар, электрон ўқув ресурслар, инфографикалар яратиш;

в) касбий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган амалий машғулотларни ўтказиш методикаларини ишлаб чиқиш, фанлараро характерга эга бўлган ёки касбий фаолиятнинг турли йўналишларини қамраб оладиган топшириқларни лойиҳалаштириш, бинар ва интеграцияланган дарслар ташкил этиши.

3. Таълим шакли ва услубига оид инновациялар:

а) ўқув машғулотларини ўтказишида таълимнинг фаол ва интерфаол услублари ва шаклларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг машғулот давомида нафақат ўқитувчи билан, балки ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга йўналтирилган педагогик технологияларни (муаммоли маъруза, адабиёт билан мустакил ишлаш, ижодий топшириқ, лойиҳалар услуби, “ҳар ким ҳар кимни ўргатади”) қўллаш ҳамда ахборот технологиялардан фойдаланиш асосида ўқитиши;

б) фанлар ва мудулларни ўқитишида ахборот технологиялардан фойдаланишнинг қуйидаги муаммоларини бартараф этиши:

- ўқитувчиларнинг АКТ компетентлигининг етарли эмаслиги (компьютерда ишлаш кўнижмасининг пастлиги, ахборот технологияларнинг суръат билан янгиланиб бориши, ахборотлашган таълим муҳитини яратиш жараёнининг фаол иштирокчиси бўлишни хоҳламаслик);

- дарс машғулотларида фойдаланиш мумкин бўлган тайёр ишланма ва материалларнинг йўқлиги;

- ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс ишланмасини ишлаб чиқиши мураккаблиги (глобал тармоқдан қидириш мураккаблиги, ўзбек тилида ахборотларнинг камлиги, ўқитувчиларнинг рус ва инглиз тилидаги ахборотлардан фойдалана билмаслиги, материалларни тайёрлаш кўп вақт талаб

етиши);

- маҳсус фан ўқитувчилари ва ишлабчиқариш таълими усталари ўртасида алоқаларнинг заифлиги, тажриба алмашиш тизимли ташкил қилинмаганлиги, фан шуъбалари фаолиятининг йўқлиги;

- машғулотларни ўтказиш бўйича техник таъминотнинг жуда пастлиги (проекторлар, электрон доскалар, компьютерлар, планшетлар, интернет тармоғи ва бошқа АКТ жиҳозлари ва воситалари).

б) ахборот-коммуникация технологиялардан ўқув жараёнида кенг фойдаланиш келажаги ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими самарадорлигини таъминлаш билан биргаликда қуидагилар билан боғлик:

- таълим жараёнида фойдаланишга тавсия этиладиган ҳар бир дарслик ва ўқув қўлланмани ўқитувчига сертификатланган ва ўқув машғулотига мослаштирилган дастурий таъминотдан фойдаланиш имконини берадиган дарсни электрон ресурслар асосида тўлдирадиган дисклар билан таъминлаш;

- барча ўқитувчиларга ўз дарсини инновацион технологиялардан фойдаланиб ўтказиш имконини яратадиган, ахборот таълим муҳитига асосланган ўқув машғулотига тайёргарлик кўришга кўмаклашадиган “дарс сценарийси конструктори”, “дарсни лойиҳалаш муҳити” каби платформаларни ишлаб чиқиш, виртуал таълим воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда бундай ишланмалар базасидан фойдаланиш порталини яратиш;

- ўқитувчилар лавозим вазифаларини ўзгаришиш ва ахборот технологиялар бўйича касбий компетентлигини белгилаш, хусусан, ўқитувчининг интернет тармоғи ресурсларидан фойдаланишининг дидактик имкониятларини билиши, ахборотлаштириш воситаларини, дарсни лойиҳалаш дастурий воситаларни қўллай олиши зарурлигини кўрсатиш;

- таълим муассасаларида ахборот технологиялари бўйича директор ўринбосари ва-

колатига эга бўлган мутахассис, медиатека маркази мутахассиси, система администратори штатларини киритиш. Бу штатлариз ахборот технологияларни таълим жараёнида қўллаш имкониятларидан самарали фойдаланиб бўлмайди. Шунингдек, таълим муассасасини бошқаришни автоматлаштириш талаб этилади;

4. Ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдағи фаолияти бўйича инновациялар.

а) янги авлод стандартларини таълим-тарбия жараёнига жорий этилиши ўқитувчи вазифаларини тубдан ўзгаришишни талаб этади. Ўқитувчи ўқувчилар учун асосий ахборот етказувчи манба бўлибгина қолмай, мувофиқлаштирувчи, маслаҳатчи, тарбиячи, устоз вазифаларини бажарувчи бўлади. Ўқитувчи ўқувчининг лойиҳалаш ва тадқиқот фаолиятига кўпроқ эътибор қаратиши, ўқувчининг фаол ҳаётий ва касбий позициясининг шаклланиши ва намоён бўлишига олиб келадиган, ечими ахборотни излаш, ишлов бериш ва ўзлаштиришга имкон берадиган топшириқларни бериш механизмини жорий этиш;

б) ўқитувчиларнинг ортиқча қофзобзлик, хужжатларни тўплаш ишларидан озод қилиш ва фаолиятини дарс машғулотларига тайёргарликка, ўқувчилар касбий тайёргарлигига масъулиятини оширишга қаратилган механизм жорий этиш.

5. Таълим натижаларини баҳолашнинг инновацион усууларини қўллаш.

а) рейтинг асосида баҳолаш. Компетентликни баҳолашда ўқув ва назорат топшириқлари турли муаммоли вазиятлардан иборат бўлиши ва уларни ечишда ўқувчи эгаллаган билим ва кўниумасидан фойдаланишини талаб этадиган бўлиши зарур. Чунки компетентлик билим ва кўниумаларнинг яқин ўзаро боғлиқлигига намоён бўлади.

б) портфолиони шакллантириш. Ўқувчининг якуний давлат аттестациясига киришига рухсат берилиши учун унинг портфолиоси шаклланиши керак. Портфолио битирувчининг умумий ва касбий компетен-

цияларининг шакллантирилганлик даражасини, бўлажак касбий фаолиятга тайёрлик сифатини баҳолаш имконини беради. Портфолио якуний баҳога таъсир қўрсатмайди, лекин тортишувлар вужудга келганда якуний баҳони қўйишда фойдаланилиши мумкин;

в) ўқувчилар томонидан бир-бирини баҳолаш.

6. Касб-хунар таълими тизимини ислоҳ қилишнинг янги босқичида таълим мазмунни ва услубларини ривожлантириш бўйича асосий масъулият таълим муассасаси, аудитория, ҳар бир ўқитувчи зиммасига тушади. Бу эса ўз навбатида, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришни талаб этади. Педагоглар малака ошириши натижадорлиги тизимда салоҳиятли педагоглар салмоғининг кўтарилиши билан баҳоланишини инобатга олиб, педагогларнинг малака ошириши, илмий-услубий дунё қарашининг кенгайиши, ижодий салоҳиятининг узлуксиз ривожланиши ҳамда тажрибасини оммалаштириш борасидаги инновациялар қўйидагилардан иборат бўлиши лозим:

касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагоглари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг янги вертикал тизимини, яъни тизим ходимларининг малака ошириш жараёнини кутиладиган натижа билан боғлаш, малака ошириш курсларига жалб этишдан бошлаб, уларнинг касбий, педагогик ва бошқарув салоҳиятини баҳолаб тоифалар белгилашга қаратилган ягона тизими жорий этиш;

малака ошириш тизимига раҳбар ва педагог кадрларни қабул қилинишида тингловчиларнинг малака даражаси диагностикасини амалга ошириш, диагностика натижасида етарли билимга эга бўлмаган соҳалар бўйича масофавий қисқа курслар ташкил этиш;

касбий ўсиш ва мустақил малака ошириш (портфолио) бўйича амалга оширил-

ган ишлар билан уйғунлаштирилган ҳолда ҳамда диагностика натижаларини, кадрларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжини инобатга олиб малака ошириш шаклларини белгилаш ва табақалаштирилган курслар ташкил этиш. Курсларни ташкил этишда дастурларни танлаб олиш, индивидуаллик ва табақалаштириш имкониятларини олдиндан гурухларни шакллантириш асосида амалга ошириш;

касб-хунар коллежлари ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ўқув режа ва дастурларини, ўқув-методик мажмуаларини доимий равиша янгилаш асосида такомиллаштириб бориш, дарслик ва ўқув қўлланмалар, электрон ахборот таълим ресурслари ишлаб чиқиш;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув машғулотларида семинар-тренинглар, маҳорат дарслари, кейс стади ва бошқа интерфаол услублардан кенг фойдаланиш;

малака ошириш курслари таълим дастурларини такомиллаштириш, модуллар бўйича ўзлаштиришни баҳолаш тизимини тубдан янгилаш, баҳолашнинг турли шаклларини (тест, ассисмент, реферат, педагогик амалиёт, амалиёт ва бошқалар) қўллаш ва топшириқлар бўйича баллар тўплаб борила-диган рейтинг тизими асосида ташкил этиш;

малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг самарали бўлган “Устоз-шогирд”, “Якка тартибда баллар тўплаб бориш”, “Масофа-вий таълим”, “Шахсий режа асосида мустақил малака ошириш” шакл ва услубларини жорий этиш. Тизим ходимларининг ишдан ажралмаган ҳолда малака оширишини таъминлайдиган шакллардан кенг фойдаланиш;

педагогларнинг малака ошириш курсларини ўтиш оралиғида касбий ўсиш ва малакаларини ошириш шахсий режаларини

жорий этиш ҳамда маълумотлар базасига киритилиши натижасида ходимлар портфолиосини шакллантириш. Узлуксиз малака оширишни йўлга қўйиш (семинарлар, видеоконференциялар, масофадан ўқитиш, онлайн фикр алмашиш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш таълим усталарини корпоратив, “дуал” усулда малака оширишини такомиллаштириш, кам сонли касблар бўйича педагогларнинг малака оширишга тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, амалий касбий таълим олиш шароитларини тасарруфида касб-хунар коллажлари бўлган вазирлик ва идоралар ҳузуридаги малака ошириш марказларида ташкил этиш, амалий машғулотлар, амалиётлар ва мустақил ишлар ҳажмини ошириш;

ишлаб чиқариш таълими усталарининг йил давомида мажбурий равища 36 соат тегишли ишлаб чиқариш корхоналарида асосий иш жойидан ажralмаган ҳолда, шахсий иш режаси асосида стажировкадан ўтиши тартибини жорий қилиш ва стажировка натижаларини малака ошириш курсларида инобатга олиш;

катта ёшдагилар таълимининг меъёрий-хукукий, илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиши, андрогика тамойилларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув жараёнига жорий этиш, жойларда катта ёшдагилар таълимини ташкил қилувчи “андро-гоглар” тайёрлаш;

малака ошириш тизимини бошқаришда ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ҳамда электрон мониторинг ва назорат тизимини жорий этиш, тизимдаги педагог кадрларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш ва уларнинг касбий ўсиш ва мустақил малака ошириш маълумотлари мониторингини юритиш;

- раҳбар кадрлар заҳирасини шакллантириш, мақсадли тайёрлаш ва ривожлантириш тизимини жорий этиш. Ижодий ва ишчанлик фаолиятининг ўсиш босқичларини аниқлаган ҳолда педагогларнинг касбий карьерасини таъминлайдиган механизм ишлаб чиқиши;

- баҳолаш мезонларини аниқ белгилаш ҳолда “инновацион касб-хунар таълим муассасаси” низомини ишлаб чиқиши ва кўрик-танловлар ўтказиши;

- малака ошириш жараёнида тажриба алмашиш самарадорлигини ошириш, бунда интернет ижтимоий тармоқлари имкониятларидан кенг фойдаланиш.

#### ХУЛОСА

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш кўп жиҳатдан таълим муассасалари, хусусан, педагоглардан боғлиқ бўлиб, улар олдида улкан вазифаларни амалга ошириш турибди.

Одатда, инновацион ривожланишга қаратилган фаолиятни амалга оширишда турли кўринишдаги қаршиликларга дуч келинади (тўғридан-тўғри янгиликларда иштирок этишни турли сабабларни важ қилиб, рад этишдан бошлаб, номигагини тарафдор бўлиб, янгилик хеч қандай ижобий натижа бермаслигини намойиш этишгача). Аксарият ҳолатларда бундай қаршиликларни аниқлаш осон эмас, чунки улар бир томондан инновацияни қўллаб-қувватлаш, бир томондан ундан ҳимояланиш позициясида туришади.

Шунинг учун, авваламбор, раҳбар ва педагог кадрларнинг янгиликларни қабул қилишга, жорий этишга, яратишга бўлган муносабатини ўзгартириш, дунёқарашининг ўзини янгилаш талаб этилади.

## ДАРС ТАҲЛИЛИ – ДАРСГА ТАЙЁРГАРЛИК МЕЗОНИ СИФАТИДА

**М.БОЛИЕВ,**

**Самарқанд вилояти касб-хунар таълими бошқармасининг бош услугчи маслаҳатчиси**

Бугунги кунда ёш авлодни замон рухи ва жаҳон ишлаб чиқариши эҳтиёжларига тўлалигича жавоб бера оладиган даражада тарбиялаш Президентимизнинг таълим тизимида қабул қилган қарорларининг асосий талаби ҳисобланади. Белгиланган ушбу вазифалар таълим ва тарбия тизимидағи барча бўғинларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида изчил амалга оширилади.

Таълим тизимидағи бошқа бўғинларда бўлгани каби касб-хунар таълими мутахассисликларида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнининг асосий шакли амалий дарслардир.

Ўқув машғулотларидан ташқари ўтказиладиган барча таълимий-тарбиявий тадбирлар ўқувчиларнинг дарс жараёнинда олган билимларини тўлдиришга хизмат қиласди. Шу боис, таълим муассасаларида дарсларнинг сифат-самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнинда янги педагогик технологияларни қўллай билиш ниҳоятда мухимdir.

Ўқув машғулотларини замон талаб даражасида ташкил этиш ва ўтказиш учун мутахассис педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ўз касбини чуқур билиши кифоя эмас. Бунинг учун ўқитувчи мутахассисдан педагогик маҳорат ҳам талаб қилинади. Ўқитувчи мутахассис дарс ўтиш, ўзаро дарсларга кириш, касбдошларининг дарсларини кузатиш ва уларни таҳлил қилиш жараёнинда педагогик маҳоратга эга бўлиб боради. Шунинг учун дарс таҳлили масалалари касб-хунар коллажлари раҳбарларининг дикқат марказида бўлиши лозим.

Педагог мутахассис дарс таҳлилига киришдан олдин дарснинг тузилиши, турлари, унинг таҳлилига қўйиладиган талаблар ва унинг мақсад-вазифаларини билиши керак.

Дарс – ўқув жараёнининг энг мухим бўғини бўлиб, таълим-тарбия масалаларини ҳал қилишнинг амалий ва қулай шакли ҳисобланади. Таълим жараёнинда унинг мақсади, мазмуни, усувлари, тамойиллари ва ташкилий шакллари биргаликда намоён бўлади.

Хар бир фанни ўқитиш ўзига хос хусусиятларга эга, аммо, дарснинг ҳамма фанлар учун умумий бўлган педагогик томонлари ҳам мавжуд. Бу дарсларнинг тузилишида алоҳида кўринади. Дарснинг тузилиши турлича бўлиши мумкин ва уни доимо фақат бир анъанавий андоза билан ўтказиш мутлақо шарт эмас. Унинг тузилиши ўқув материалининг мазмунига, ўқувчиларнинг билим савияси ва ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Шунга қарамасдан дидактик (таълим назарияси) дарснинг тузилишида қўйидаги асосий босқичлар мавжудлигини кўрсатади:

1. Дарснинг мавзусини таърифлаш.
2. Дарснинг мақсадини тушунтириш.
3. Ўтган дарсда уйга берилган вазифаларни текшириш.
4. Янги материални баён қилиш ва ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминлаш.
5. Ўтилган ўқув материалини тақрорлаш ва уни машқ ёки амалий ишлар билан мустаҳкамлаш.
6. Ўрганилган материални сұхбат тарзида тақрорлаш.
7. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш (дарс давомида тақрорлаш ёки уй вазифасини текшириш пайтида ҳам амалга ошириш мумкин).
8. Дарсни яқунлаш.
9. Уйга вазифа бериш ва уни тушунтириш.

Дарснинг бу босқичлари ҳар бир дарсда доимо шу тартибда тақрорланмайди. Чунки ижодий ишлайдиган ўқитувчи буларни ўз

тажрибаси билан тўлдириши, бойитиши ва дарснинг мақсади ҳамда вазифаларига кўра ўзгартириши мумкин.

#### Дарс турлари

1. Аралаш дарс. 2. Янги билимларни ўзлаштириш дарси. 3. Ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлаш дарси. 4. Умумлаштириш ва тизимлаштириш. 5. Амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш дарслари. 6. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш. 7. Янги технологияларни ўзлаштириш ва амалиётда қўллаш дарси.

Тавсия этилаётган дарслар орасида аралаш дарслар энг кўп қўлланилади. Ушбу ўқув машғулотларида бир неча дидактик мақсад қўйилади. Бундай дарсларнинг тузилиши, ташкилий қисми, уй вазифаларини текшириш ва ўзлаштирилган билимларни аниқлаш, янги мавзуни баён этиш, уни мустаҳкамлаш ва уйга вазифани ўз ичига олади.

Ўқув машғулотлари таҳлили самарали бўлиши учун ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ўzlари дидактика-нинг асосий тамойилларидан, юқорида кўрсатилган дарс турлари ва унинг тузилишидан хабардор бўлишлари талаб этилади.

Ўқув жараёнини таҳлил қилишда кўпинча қўйидаги камчиликлар кузатилади: тизимсизлик, дарсларга тасодифан қатнашиш, аниқ бир мақсаднинг йўқлиги, таҳлил қилувчнинг дарсни чуқур таҳлил қилишга методик тайёр эмаслиги, аниқ кузатиш дастурининг йўқлиги, дарсда асосий томонларни ажратиб кўрсата олмаслик, касбдошига малакали тавсия ва методик ёрдам бера олмаслик.

Айниқса, ҳар бир дарсга қатнашишдан олдин аниқ мақсадни белгилаш зарур. Кўйилган мақсад дарсда қатнашиш ва уни таҳлил қилишни янада самаралироқ, хulosаларни эса янада аникроқ қиласди.

Дарсларга қатнашиш мақсадларига мисоллар келтирамиз:

1. Ўқувчиларга кўйилган ягона талабларнинг бажарилшини таҳлил қилиш.
2. Ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш, кўргазмали ва тарқатма дидак-

тик материалларнинг самарадорлиги.

3. Ўқувчиларда амалий кўникмаларни шакллантириш.

4. Дарс ва амалий машғулотларда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги.

5. Дарсга тайёргарлик, уни олиб бориш ва ташкил қилишнинг умумий услуби билан танишиш.

6. Ўқув дастурини бажариш сифатини таҳлил қилиш.

7. Илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Дарсни малакали таҳлил этиш ёш мутахассис педагоглар учун осон иш эмас. Шуни ҳисобга олиб, дарсларда рўй берадиган айрим хатоларни кўрсатиш орқали ёрдам бермоқчимиз.

Дарсларда учрайдиган айрим хатолар

1. Ўқув машғулотларида ўқитувчи гурухнинг юқори фаоллигига эришади, бироқ шу билан бирга айрим ўқувчиларни кўз остидан қочиради. Гурухнинг фаоллиги панасида ўқувчиларнинг бир қисми дарс жараёнида иштирок этмайди.

2. Муаммоли ўқитиши методларидан қандай бўлмасин фойдаланишга ҳаракат қилиб, ўқитувчи айрим ҳолларда ўз саволларига ўқувчилардан фикрлаш фаолияти натижаси бўла олмайдиган, нари борса тахминий жавоблар олади.

3. Дарсда ўқувчилар ишини текшириш таъминланмайди.

4. Ўқув машғулоти жараёнида ўқитишнинг техник воситаларидан самарасиз фойдаланиш.

5. Дарсда иш услубларини нотўғри танлаш.

6. Ўқувчи шахсини ва гурухни ёмон билиш ва оқибатда турли гурухларда бир хил дарс ўтиши.

7. Ҳар доим бир хил тузилиш билан дарс ўтиш, кўп баҳо тўплашга интилиш, оқибатда сўровни бўртириб юбориш.

8. Ўқув материали мазмунининг ортиқча тўлдирилиши, ортиқча икир-чикирлар билан мазмуннинг йўқолиши, мавзудан чекинишга асоссиз интилиш.

9. Билимларни қўллашга етарли эътибор

бермаслик. Назарий билимлардан амалиётда фойдаланишнинг узоқлиги ва ҳоказо...

#### Дарс таҳлилиниң турлари

Дарс таҳлилини шартли равишда қуидаги асосий 5 турга бўлиш мумкин:

Илмий таҳлилда – ҳар бир билим илмий асосланган, тажрибадан ўтган ва ўқувчиларга яхши маълум билимлардан келиб чиқиб тушунтирилишига аҳамият берилади.

Методик таҳлилда – ўқув материалини баён қилиш ва тушунтириш жараёнида қўлланилган усусларнинг шу материал мазмунига мослиги ёки мос эмаслиги аниқланади.

Дидактик таҳлилда – ўқитувчиларнинг ўз дарсини таълим тамойилларига амал қилган ҳолда олиб борилиши ўрганилади.

Умумпедагогик таҳлилда – дарснинг ҳамма жиҳатларининг қисқа ва ўзаро боғликлigi таҳлил қилинади.

Умумпсихологик таҳлилда – дарснинг тузилишига, мазмунига психологик жиҳатдан баҳо берилади ва ўқувчиларнинг қуидаги фаолиятларини ташкил қила олиши ўрганилади: диққатни ташкил қилиш; идрокни ташкил қилиш; хотирани фаоллаштириш ва ривожлантириш; фикрлаш фаолиятини кучайтириш; мулоҳазаларнинг мантиқийлигига эришиш; ўқувчига қўйилган талабларга эришиш ва бошқалар...

#### Кузатилган дарсни расмийлаштириш

(Дарсга тегишли хужжатларни расмийлаштириш)

Таълим тизимида кўп йил фаолият кўрсатган тажрибали раҳбарларимиз дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш учун маҳсус дафтар тутишин тавсия қилишади.

Алоҳида дафтар тутиш таҳлиллар муддати, миқдори ва кетма-кетлигини таъминлайди. Аввалги таҳлиллар билан қиёслаш ва йўл қўйилган хатоларнинг тузатилганлигини кўриш имконини беради.

Таҳлил дафтарларидаги кузатишлар ўқув йили охирида тўла ўрганилиб, ютуқ ва камчиликлар таълим муассасаси ҳамда фан кафедралари йиғилишларида мухокама қилинади. Бу эса янги ўқув йилида ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш учун ни-

маларга кўпроқ эътибор бериш кераклигини кўрсатади.

Таҳлил дафтарида қузатилган ўқув машғулотларни қуидаги педагогик талаблар асосида ёзиб бориш тавсия қилинади:

1. Дарс, ўқитувчи ва гурух ҳақида умумий маълумотлар: Сана; ўқитувчининг фамилияси, исми-шарифи; маълумоти; фан номи; педагогик фаолияти; дарс мавзууси; мақсади; ўқув хонасининг санитария ҳолати (тайёргарлиги).

2. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги: тақвимий мавзулар режаси; дарс режаси; маърузалар матни; илмий, ўқув ва методик адабиётлар; кўргазмали ва тарқатма материаллар; техник ўқитиш воситаларининг мавжудлиги.

3. Дарс таҳлилиниң мақсади.

4. Дарснинг боришига илмий, методик ва педагогик тавсиф:

- дарснинг тузилиши ва қисмларини режалаштириш; вақтдан, ёзув тахтаси (доска) дан, ёрдамчи материаллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўқув анжомлар билан таъминланганлиги;

- дарснинг мазмуни – ўрганилаётган мавзунинг вақт ва ҳажм жиҳатидан ўқув дастурларга мослиги, баён қилинаётган материалнинг илмийлиги, тўлалиги ва изчилиги; дарснинг ҳаётий воқеалар билан боғланиши, материалнинг ўқувчилар ёшига мослиги, ғоявий-сиёсий қиймати, дарснинг тарбиявий аҳамияти; ўқитувчининг баён қилиш усули, мавзуни сўраш, баҳолаш, янги мавзуни ўтган мавзуга боғлаш;

- дарс ўтиш усуслари: дарс давомида ўтилган мавзуни сўрашда, янги мавзуни баён қилишда, мустаҳкамлашда, яқунлашда қўлланиладиган услугуб ва шакллар ҳамда уларнинг мақсадга мувофиқлиги; дарс давомида фойдаланилган кўргазмали ўқув куроллар, дарслерлар ва техника воситалари, дарсда ўқувчининг мустақил ишлари;

- ўқитувчининг дарсга муносабати; гурух ўқувчиларини билиши, ўқувчиларга муомаласи, гурухни идора эта олиши, иш услуби, раҳбарлик роли, нутқ маданияти, ташқи қиё-

фаси, ўқувчилар ўртасида обрўйи, гурӯҳ раҳбари ва ота-оналар билан алоқаси.

#### 5. Дарснинг ижобий ва салбий томонлари:

Бунда дарс кузатувчи таҳлил давомида кўрган ютуқ ва камчиликларни ажратиб олади, тавсиялар ёзиб кўяди.

Хулоса: илмий, методик ва педагогик таклифлар:

- дарс режасининг бажарилиши, дарсда қўйилган мақсадга эришиш, ўқувчилар билимининг сифати, дарс Давлат таълим стандартларига жавоб бериши;

- ўқитувчининг илмий, методик ва педагогик жиҳатдан ёрдамга муҳтожлиги ёки ўқитувчи илгор тажрибасининг оммалаштиришга лойиқлиги;

- дарснинг самарадорлиги ва ўқитувчининг иш фаолиятини янада яхшилашга қаратилган илмий, методик ва педагогик таклифлар.

Ишлаб чиқариш (касбий таълим) дарсларини таҳлил қилишнинг хусусиятлари. Ишлаб чиқариш таълими амалий машғулотларида ўқувчилар касб кўникмаларини ҳосил қиласидилар. Улар маҳсус фанлардан ўрганилган назарий билимларини лабораторияларда, ўкув ишлаб чиқариш цехларида, ишлаб чиқариш устахоналарида қўллайдилар. Ўқувчилар бу жараёнда ўз касбларининг дастлабки кўникмаларини амалиётда ўргандилар. Шунга кўра, ишлаб чиқариш амалиёти таълим дарсларини таҳлил қилишда қўйидагиларга алоҳида эътибор беришини тавсия қиласиз:

1. Ўкув ишлаб чиқариш таълими дарсларини ташкил қилиш учун расмий ҳужжатларнинг мавжудлиги:

- машғулот режаси: бу ерда амалий машғулотларнинг бутун (4 соатлик) даври давомидаги технологик жараён аниқ кўрсатилиши лозим;

- амалий машғулотда ўқувчиларга бериладиган дастлабки назарий кўрсатма, ишнинг технологик жараёни кўрсатилган қўлланма (технологик харита), иш ўринларининг қатъий тақсимоти, белгиланган вақт меъёрлари, техника ва меҳнат хавфсизлигига оид йўрикнома ва кўрсатмалар.

2. Амалиётдаги иш ўринларининг белгиланган мавзуу дастурига мос келиши, бажариш мумкин бўлган барча технологик жараёнлар ҳисобга олингандиги, агар дастур талабларини тўлиқ бажариш учун шароит бўлмаса, унинг ўрни қандай тўлдирилганлиги аниқланади.

3. Ўқувчиларнинг машғулотга тайёргарлиги:

- ягона иш кийими ташкил қилингандиги, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига тўғри келиш ёки келмаслиги;

- ўқувчиларнинг машғулотга муносабати (интизом сақлаб машғулот бошланишини кутиш, касбига қизиқиши ва бошқалар).

4. Машғулот бошланмасдан ўқувчиларга индивидуал кўрсатмалар берилиши.

5. Ўқувчиларнинг машғулотни мустақил ташкил қила олиши.

6. Иш даврида технологик жараёнларга қатъий риоя қилиши.

7. Бажарилаётган иш сифатининг текшириб борилиши.

8. Ишни тўла бажара олиш.

9. Машғулотнинг замонавий технологик жараёнларга қанчалик яқинлиги.

10. Ишлаб чиқариш таълими устасининг ҳар бир ўқувчи бажарган ишнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиши (ишларни қабул қилиб олиш, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш, иш ўринларининг озодалигини сақлашга эътибор қаратиш, уйга вазифа ва топшириқлар бериш, бажарилган ишни баҳолаш ва бошқалар).

Хозир касб-хунар таълими муассасаларида жуфтлик соатлар (4 соат) амалий машғулотларни ўтишда одат тусига кирган. Амалий дарслар 160 минут давом этади. Унинг қулай томонлари:

- бошланган мавзуларни тўлиқ ўтиш имкониятини беради;

- сўровлар, мустақил ишлар, назорат ишларини ўз вақтида ўтилган материални тўлиқ қоплаган ҳолда ташкил қилиш мумкин бўлади.

# Hurmatli jurnalxonlar!

**“Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririysi sizni  
o’zaro hamkorlikka taklif etadi.**

Jurnal sahifalarida kasb-hunar ta’limini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy-uslubiy maqolalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, metodik tavsiyalar bilan birga ilg’or tajribalar hamda tizimda amalga oshirilayotgan ibratli ishlar va yangiliklarni yoritishingiz mumkin.

O’z ilmiy qarashlaringiz, innovatsion g’oyalar, metodik tavsiyalar, ilg’or tajribalaringizni “Kasb-hunar ta’limi” jurnalxonlari bilan bo’lishing!

